

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯ

С. Б. ХЎЖАҚУЛОВ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ

*Ўқув қўлланма*

ТОШКЕНТ – 2017

**М а с ъ у л м у ҳ а р р и р**

юримдик фанлар доктори, профессор **И. Исмаилов**

**Т а қ р и з ч и л а р:**

Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини  
олиш бошқармаси бошлиғи **Д. Акрамов;**

юримдик фанлар доктори **И. Ю. Фазилов**

**Хўжақулов С. Б.**

**X 98 Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профи-  
лактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир проф.  
И. Исмаилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси,  
2017. – 148 б.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда мазкур қонун талаблари асосида ИИБ томонидан идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари ходимлари зиммасига ушбу ҳужжатларни комплекс тарзда ўрганиш мажбуриятини юклайди.

Мазкур қўлланма айнан айтиб ўтилган қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик фаолияти моҳиятини, хусусан, профилактик фаолият турлари, уларнинг мақсад ва вазифаларини, объектини, усул ва шакллари ҳамда амалга ошириш тартибини, шунингдек профилактик фаолиятнинг ҳар бир турига хос хусусиятларни ёритиш мақсадида тайёрланди.

Қўлланма юримдик таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир мавзуларни ўрганишда тингловчи ва талабаларга, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда тадқиқотчиларга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи амалиётчи ходимларга мўлжалланган.

**ББК 67.99(5У)8я73**

© С.Б. Хўжақулов, 2017

© Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2017

## СЎЗ БОШИ

Сўнгги йилларда республикамызда ҳуқуқий тарғиботнинг самарали тизими жорий этилиши натижасида бугун нафақат қонун (ҳуқуқ)ни қўлловчи, балки унга амал қилувчи аксарият фуқаролар ҳам мамлакатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устувор йўналишга айланиб улгурганини ҳис этмоқдалар. Мустақил Ўзбекистонда «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги ҳамда «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги (1992 йил 9 декабрь), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 йил 15 декабрь), «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги (2008 йил 17 апрель), «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008 йил 7 январь), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010 йил 29 сентябрь), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) каби қонунларнинг кетма-кет қабул қилиниши фикримизни янада асослантиради. Чунки, теран ташланган назар келтириб ўтилган қонунларнинг барчаси негизида профилактик қараш, мақсад ва вазифалар ётганлигини илғайди.

Бу борада қабул қилинган охириги қонунлардан бири – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун юқорида санаб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муштараклигини таъминлаб, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида комплекс йўналтирилишига замин яратди. Чунки ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўлақонли механизми ўз ифодасини топди. Бошқача қилиб айтганда, «ҳуқуқбузарлик» тушунчаси доирасида қамраб олинувчи жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эгаллиги пайтиданок қайси турдаги профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг қўлланилиши, ҳуқуқбузарликнинг содир этилишида жабрланувчининг айбли ёки айбсиз ҳолатлари, уларнинг виктимлигининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан

тузатиш, бу борада умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик чораларни қўллаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш механизми аниқ кўрсатиб берилди. Мазкур йўналишда ҳукуматдан то энг қуйи бўғин бўлмиш маҳалла идоралари ва ҳаттоки, оддий фуқарогача бўлган субъектлар тизими шакллантирилди ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид вазифалар тақсимланди ва ўзининг қатъий ифодасини топди.

Қонун кучга кирганидан кейин ўтган давр мобайнида унинг асосида бир қатор қонуности ҳужжатлар, хусусан, идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Қонуннинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида илмий-амалий конференциялар ташкил этилиб, муаммо ва камчиликлар аниқланди, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу соҳада ҳали яна бир қатор ишлар, илмий изланишлар олиб бориш кераклиги кўзга ташланди.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш механизми тўлақонли ишлаб чиқилмаган. Мазкур муаммо ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарали ташкил этилишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ушбу қўлланмада ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик фаолиятининг моҳиятини, хусусан, профилактик фаолият турлари, уларнинг мақсад ва вазифалари, объекти, усул ва шакллари ҳамда амалга ошириш тартибини, шунингдек, профилактик фаолият ҳар бир турининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини ёритишга ҳаракат қилинди.

Ўйлаймизки, қўлланма тингловчи, курсант ва талабалар, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда тадқиқотчилар, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи амалиётчи ходимларнинг мавзуга оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

# **I. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ**

## **1-§. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мақсади, вазифалари, усул ва шакллари, субъектлари тизими, уларнинг ваколатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2014 йил 14 майда қабул қилган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Асосий тушунчалар»га бағишланган 3-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қуйидагича таъриф берилган: «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими».

Айнан мазкур таърифдан ҳамда ички ишлар органларининг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми, тизими, функция ва вазифаларидан келиб чиқиб, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад* қонунда берилган ваколатлар доирасида, соҳавий хизматлар имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятни шакллантириш, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, профилактик таъсир кўрсатиш орқали уларнинг ахлоқини тузатиш, фуқароларни ҳуқуқбузарликларнинг турлари, содир этилиш усул ва воситалари, ижтимоий хавфи ва бошқалар ҳақида огоҳликка чақириш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиниши ва ижтимоий мослаштирилишида кўмаклашиш кабилардан иборат.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда профилактик таъсир кўрсатишнинг қуйидаги уч усули: ишонтириш; рағбатлантириш; мажбурлаш усулларида кенг фойдаланилади.

*Ишонтириш* – профилактика қилинувчига тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий усули. Тарбиялаш ишонтиришдир, ишонтириш иш (ҳаракат ёки шахсий намуна) ва сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди.

Бу усулнинг аҳамияти шундаки, у ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларида бири бўлиб, ҳар бир профилактик чора-тадбир замирида ишонтириш ётади. Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланиладиган ишонтириш чораларига якка тартибда суҳбатлар ўтказиш, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларида муҳокамалар уюштириш, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга жамоат тарбиячилари, мураббийлар бириктириш кабиларни киритиш мумкин.

*Рағбатлантириш* ҳам профилактик таъсир кўрсатишнинг муҳим усулларида бўлиб, шахснинг ижобий қарашлари, хизматларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Рағбатлантириш моддий-маънавий асосларга эга. Рағбатлантиришдан кўзланган асосий мақсад профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйиш ва жиноий ниятлардан қайтаришдан иборат. Масалан, профилактика қилинаётган шахсни ишга жойлаштиришнинг ўзи етарли эмас, унга жамоа билан тил топишишида, унинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланишида кўмаклашиш зарур. Профилактика қилинаётган шахсни ғайриижтимоий гуруҳнинг салбий таъсиридан сақлаб қолиш учун уни нафақат гуруҳдан ажратиб олиш, балки унга ижобий таъсир кўрсата оладиган бошқа бир гуруҳга киришига имконият яратиш зарур.

*Мажбурлаш* профилактика қилинувчига тарбиявий таъсирнинг ёрдамчи усули. У фақат бошқа усуллар самара бермаганида қўлланилади. Масалан, муқаддам судланган билан профилактик мазмундаги суҳбатлар ёки бошқа профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари ўтказилишига қарамасдан, у ўзига тегишли хулоса чиқармаса ва салбий хулқ-атворини намойиш этиб, ҳуқуқбузарликни давом эттирса, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ёки мажбурий даволаш муассасасига юбориш сингари мажбурлаш усуллари қўлланилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш шакллари: ёзма; оғзаки; кўргазмали; амалий ёрдам бериш кабилардан иборат.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг *ёзма шакли*, асосан, газета ва журналларда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳақида мақолалар, содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар, ҳикоя, очерклар чоп этиш, одамлар гавжум бўладиган жойларда ёзма эълонлар осииш, аниқланган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитлари, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юзасидан фуқароларга огоҳлик ва ҳушёрликка чақирувчи хатлар юбориш, тақдимномалар киритиш, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш кабиларда намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг *оғзаки шакли* суҳбат, маъруза, савол-жавоб, радио эшиттириш, аҳоли гавжум жойлар (масалан, бозорлар, метро бекатлари, супермаркет ёки гипермаркетлар)да огоҳликка чақирувчи овозли матн тасмасини эшиттириш кабиларда кузатилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг *кўрғазмали шаклида* телевидение орқали ҳуқуқбузарликлар ҳақида кўрсатувлар, кинофильмлар, видеороликлар тайёрлаб эфирга узатиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига эга плакатлар, эълонлар осииш, видеороликлар намоёиш қилиш, учрашув, маъруза жараёнларида мультимедиа воситаларидан фойдаланилади.

Шундай профилактик тадбирлар борки, улар ҳам оғзаки, ҳам ёзма ва ҳам кўрғазмали шаклда амалга оширилиши мумкин (Буларга маъруза ўқиш, якка тартибда суҳбат ўтказиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин).

*Амалий ёрдам бериш шакли* ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа шаклларида ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган хизматлар кўрсатади. Ушбу хизматларга аҳоли ёки юридик шахсларнинг марказий кўриқлаш пультага уланишини ёки кўриқлаш хизматлар орқали уй-жойлар, бино ва иншоотларнинг кўриқланишини таъминлаш кабиларни келтириш мумкин.

Хуллас, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, усул ва шакллари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Бу борадаги билимлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишини кафолатлайди.

*Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш соҳасидаги вазифалари:*

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– кўчалар, хиёбонлар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ушбу жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

– аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятни шакллантириш, уларни ҳуқуқбузарликларнинг турлари, содир этилиш усул ва воситалари, ижтимоий хавфи ва бошқалар ҳақида огоҳ этиш ҳамда фуқароларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

– ёнғин, йўл-ҳаракати хавфсизлиги ва назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек ушбу соҳаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

– «Антитеррор», «Арсенал», «Автопатруль», «Автобус», «Велосипед», «Диққат пиёда», «Диққат болалар», «Диққат темир йўл», «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Ижро», «Маст ҳайдовчи», «Назорат», «Орият», «Ойна», «Паспорт-виза», «Спитамен», «Турмуш», «Тозалаш», «Трактор», «Устахона», «Қорадори», «Қидирув», «Ғамхўрлик», «Хонадон», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ҳамда ички ишлар органлари томонидан ташкил этиладиган бошқа махсус профилактик ва тезкор-профилактик тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

– оила-турмуш соҳасидаги ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

– одам савдоси ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

– паспорт-виза қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ва бу соҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

– диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

– илгари судланган шахслар ҳамда спиртли ичимликларга ружу қўйган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш;

– «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларга нисбатан уларнинг туза-



лиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида профилактик ҳисоб ишларини юритиш;

– «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонун таъсири остига тушган шахсларга нисбатан маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда бошқа соҳавий хизматлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек жамоат тузилмалари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш ва таъминлаш;

– озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини таъминлаш;

– суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар устидан, идоравий буйруқлар талаблари асосида, маъмурий назоратни амалга ошириш;

– алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволашга юбориш чораларини кўриш;

– «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари асосида шахсларни профилактик ҳисобга олиш ҳамда профилактик ҳисоб ишларини юритиш;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, шунингдек давлатнинг муҳим объектлари кўриқланишини амалга ошириш;

– ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат, шунингдек уларнинг чегараси ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

– ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилаётган ишлар мониторингини олиб бориш ва ҳоказолардан иборат.

Маълумки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари» белгиланган 2-бобида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизими, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ва зиммасига юклатилган функция, вазифа, мажбуриятлар ҳамда фаолият йўналишидан келиб чиқиб шартли равишда икки гуруҳга, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларга ажратилган. Айнан ушбу мезондан фойдаланган ҳолда ички ишлар органлари тизимини ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи

ҳамда унда иштирок этувчи соҳавий хизматлар кўринишида икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Юқорида келтирилган мантиққа асосан, ички ишлар органларида *ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлар тизими* қуйидагича шакллантирилади:

– Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда ҲООББ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Тергов бош бошқармаси (кейинги ўринларда ТББ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЖК ва ТҚКББ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда ППХ ва ЖТСББ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЙҲХХББ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЁХББ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Жазони ижро этиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЖИЭББ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда ХЧК ва ФРБ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Республика «Кўриқлаш» бирлашмаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Транспортдаги ички ишлар бошқармаси (кейинги ўринларда ТИИБ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари.

Ички ишлар органларида *ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи соҳавий хизматлар* тизимига қуйидагилар киради:

– Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси (кейинги ўринларда ИҲХҚ ва ЮТБ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция (кейинги ўринларда ШТБМИ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати (кейинги ўринларда ШТБИХ деб юритилади) ва унинг жойлардаги тизимлари.

Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ва таълим муассасалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва ҳудудий ички ишлар органлари раҳбариятининг буйруқ, фармойиш ва кўрсатмалари ёки ўзаро келишув асосида иштирок этади.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органларига қуйидаги *ваколатлар* берилган:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

– мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганиш, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланиш самарадорлиги таҳлилини амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

– ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳисобини юритиш, мазкур маълумотлар таҳлилини амалга ошириш;

– «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларнинг профилактик ҳисобга олинишини амалга ошириш;

– фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан чоралар кўриш;

– паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

– жинойтларни фош этишда, терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар кидирувида иштирок этиш;

– ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўриш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга доир ваколатлар билан бирга, бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга. Амалдаги қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қуйидаги *ҳуқуқларга* эга:

– «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида белгиланган ваколатлардан тўлиқ фойдаланишга;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва иштирок этувчи бошқа орган ҳамда муассасаларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини, шунингдек уларнинг вакилларини, мутахассислар ҳамда фуқароларни профилактик чора-тадбирларда иштирок этиш учун жалб қилишга;

– юқори турувчи орган, мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида таклифлар билан чиқишга;

– таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларидан ҳуқуқбузарликлар фактлари, одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, таълим олувчи шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар кабилар билан боғлиқ маълумотларни талаб қилиб олишга;

– давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги, баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги, одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олишга;

– юқори турувчи орган, мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фаол иштирок этган ходимлар, жамоатчилик вакилларини рағбатлантириш ёки аксинча, сусткашликка йўл қўйган,

бўйин товлаган ходимлар ёхуд жамоатчилик вакилларига нисбатан чора кўриш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишга;

– ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан якка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказиш, расмий огоҳлантириш, шунингдек расмий огоҳлантирилганлиги ва ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар ҳақида уларнинг иш (ўқиш) жойидаги раҳбариятини ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини хабардор қилишга ва хоказо.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги *мажбуриятлари*:

– «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг асосий принциплари ва талабларига қатъий риоя қилиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат, ҳудудий, идоралараро ва идоравий дастурларда ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш;

– давлат ҳокимияти органлари, юқори турувчи органлар ҳамда мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларга зид бўлмаган қарорларини, буйруқ, топшириқ ва кўрсатмаларини ижро этиш;

– ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қўлланилаётган шахснинг унга нисбатан йўналтирилган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билиш, ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиш, юридик ёрдам олиш ва бошқа илтимослари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш;

– профилактик ҳисобда турган шахсларга нисбатан юритилаётган профилактик ишларни уларнинг индивидуал (ўзига хос, шахсий) хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил этиш ва амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурлар ва тадбирлар лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни

амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш ва уларнинг доимий фаолиятини таъминлаш;

– ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақида келиб тушган хабарларни кўриб чиқиш;

– прокуратура органлари ҳузурида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича тузиладиган мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларини ижро этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оғзаки ёки ёзма мурожаатларига асосан профилактик чора-тадбирларда иштирок этиш ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда қонунда белгиланган бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини давлат, ҳудудий ва соҳавий дастурлар, шунингдек идоравий ва идоралараро ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда комплекс ва алоҳида тадбирлар ўтказиш ҳужжатларига таяниб амалга оширадилар.

## **2-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларига ички ишлар органлари томонидан риоя қилиниши**

Маълумки, «принцип» атамаси бош ғоя, асосий қоида маъноларини англатиб, «қонуният», «моҳият» каби тушунчалар билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқнинг мазмуни, унинг моҳияти ва жамиятдаги вазифасини таърифлаб берувчи асосий ғоялар ҳуқуқ принципларидир. Бу принциплар, аввало, ҳуқуқ қонуниятларини ифодалайди, қолаверса, бутун ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида амал қиладиган ва барча субъектларга нисбатан қўлланадиган энг умумий нормалардан иборат бўлади ва бу нормалар орқали ёки қонунда тўғридан-тўғри таърифлаб берилади ёхуд қонунларнинг умумий маъносидан вужудга келади ҳамда қонун чиқарувчи учун дастурий ғоялар сифатида майдонга чиқади.

Хуллас, «принцип» фаолият ёки муайян ҳуқуқ соҳасини кўзланган мақсад сари аниқ йўналтирилишида асосий омил ҳисобланади.

Ҳуқуқ принциплари қонун чиқарувчи учун дастурий ғоялар сифатида майдонга чиқар экан, ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш йўллариини белгилаб беради. Ҳуқуқшунослик фанларида ҳуқуқ принциплари ўзининг қўлланилиш доираси, ўзаро алоқаси ва мақоми билан гуруҳларга ажратиб ўрганилади. Шу нуқтаи назарда ҳуқуқ принциплари умумҳуқуққа хос (умумҳуқуқий), унинг алоҳида тармоқларига хос (тармоқ) ёки ўзаро боғланган тармоқлар гуруҳига хос (тармоқлараро) принципларга бўлиб ўрганилади. Масалан, умумҳуқуқий принципларга қонунийлик, инсонпарварлик, демократизм принципларини, тармоқ принципига жиноят ҳуқуқидаги жазони индивидуаллаштириш принципини, тармоқлараро принципга эса фуқаролик-процессуал ва жиноят-процессуал ҳуқуқдаги тортишувчанлик принципини киритиш мумкин.

Айрим ҳуқуқий фанларда принциплар қисқача умумий ёки махсус принциплар тариқасида келтирилади. Бунда умумий принциплар тариқасида барча ҳуқуқ соҳаларида қўлланиладиган принциплар назарда тутилса, махсус принциплар сифатида эса фақат ушбу ҳуқуқ соҳасига хос ва аксарият бошқа ҳуқуқ соҳаларида учрамайдиган принциплар тушунилади.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги асосий принциплари қайд этилган: қонунийлик; инсонпарварлик; тизимлилик; ишонтириш усулининг устуворлиги; таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибда ёндашиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ушбу принципларни қуйидаги икки гуруҳга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин:

1. *Умумий (умумҳуқуқий) принциплар*: қонунийлик; инсонпарварлик; тизимлилик.

2. *Махсус (тармоқ) принциплар*: ишонтириш усулининг устуворлиги; таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибда ёндашиш.

*Қонунийлик принципи* ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини қатъий ва тўлиқ амалга оширилишини талаб этувчи принципдир. Давлат бошқарувининг барча органлари ўз фаолиятларини қонун асосида ва қонунни бажариш асосига қуриши керак. Умуман олганда, жамиятнинг нормал ҳаёти ва давлат органлари фаолият юритишнинг асосини қонунийлик принципи

ташкил этади. Қонунийлик муайян ҳуқуқ соҳасини самарали ташкил этиш механизмини ўзида мужассам этувчи реал манба бўлиб ҳам хизмат қилади.

Маълумки, давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири фақат унгагина тааллуқли бўлган, барча фуқаролар бажариши мажбурий ҳисобланган қонунлар қабул қилишдир. Аслида ривожланган ҳуқуқий давлат ўзининг бутун фаолиятини қонунлар асосида ташкил қилади. Мамлакат конституциясида белгиланган тартибда қабул қилинган ҳамда фуқаролар эътиборига етказилган қонун ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Қонунлар давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар фаолиятига олдиндан белгиланган хусусият бахш этади, улар ёрдамида жамият ҳаёти батартиб бўлишига эришилади. Демократик жамиятда давлат раҳбаридан тортиб то оддий фуқарогача – ҳамма қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Шу боис ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатларга сўзсиз амал қилиши талаб этилади. Эътибор бериладиган бўлса, бу ерда нафақат қонун, балки унинг асосида ишлаб чиқиладиган қонуности ҳужжатларга ҳам амал қилиниши назарда тутилади. Айнан шу жойда «тартиб-интизом-адолат» шиорининг нечоғлик аҳамиятли эканлигини кузатиш мумкин.

Демак, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 2-бобида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари аниқ белгиланган бўлиб, қонун ижросини таъминлашда ушбу субъектларнинг барчаси бирдай масъул ҳамда ўз ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида кўйилган вазифани теран англаб, чуқур масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши ёки унда иштирок этиши талаб этилади.

*Инсонпарварлик принципи* Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқий ҳолатини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, умуминсоний қадриятларни ўз қонунчилиги ва фаолиятига асос қилиб олди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олишига олиб келди. Масалан, 1990 йил ноябрь ойида Парижда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов 34 та давлат вакиллари томонидан қабул қилинган «Янги Европа учун» Париж хартиясига имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Париж хартиясида



ёзилишича, давлатлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар: инсон ҳуқуқи ва эркинлиги ҳар бир кишига туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, улар муқаддасдир ва қонун томонидан бунга кафолат берилади. Уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш – ҳар бир ҳукумат учун биринчи мажбурият, улар эркинлик, одамийлик ва тинчликнинг асосидир.

Ушбу халқаро ҳужжатдаги ғоялар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «... инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир».

Республикамизнинг Биринчи Президенти Ўзбекистон Республикасининг инсонпарварлик ғояларига содиқлигини таъкидлаб, бу ғояларнинг олий мақсади – инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва кадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан оғишмай қарор топтириш эканлигини уқтирган.

Демак, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида инсонпарварлик принципининг моҳияти шундаки, профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда одамларга руҳан ва жисмонан тазйиқ ўтказишга, шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишга мутлақо йўл қўйилмайди ва бу давлат томонидан кафолатланади, акс ҳолда қонунбузарлик ҳолати келиб чиқиб, қилмиш жавобгарликка сазовор бўлади.

Ҳуқуқнинг жазоловчи тармоқларида, энг аввало, жиноят ҳуқуқида инсонпарварлик энг кўп намоён бўлади. Жазо чоралари ахлоқий ва жисмоний таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам бу ерда нафақат адолат, балки инсонпарварлик ҳам фавқулодда муҳимдир. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қўлланиладиган мажбурлов чораларининг инсонпарварлик қоидаларига асосланиши лозимлигини талаб этади.

*Тизимлилик* ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш принципи. Ҳуқуқий нормалар ижтимоий эҳтиёжлар тизими билан ўзаро боғлиқдир. Қонун ҳужжатлари муҳофаза қилувчи ҳуқуқий нормалар заруратини тақозо этувчи юқорида кўрсатилган ижтимоий шарт-шароитлар тизимини назарда тутиши керак.

Тизимли ёндашув ҳуқуқий ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилишнинг барча ижтимоий омилларини ҳисобга

олишни назарда тутеди. Муҳофаза функцияси ҳамеша ижтимоий муносабатларни позитив тартибга солиш вазифаларига бўйсундирилиши лозим.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш хилма-хилдир. Ушбу принцип, биринчи навбатда, тизимлилик тамойили билан ўзаро боғлиқда намоён бўлади. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш демократизми ушбу муаммони ҳал этишга плюралистик (хилма-хил) ёндашувларни назарда тутеди. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий ҳимоялаш йўсинлари ва методлари плюрализми, юридик нормалар бутун «тўплами»дан (нафақат тақиқловчи, балки ҳуқуқ берувчи, рағбатлантирувчи нормалардан) фойдаланишдаги хилма-хиллик ҳуқуқий муҳофаза тизимини ташкил этиш ва унинг ишлашига бир ёқлама ёндашувни бартараф қилишга ёрдам беради.

Мазкур мантиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида унинг тури, усули, шакли ва чора-тадбирларини қўллашда хилма-хиллик асосида ёндашишни ҳамда уларнинг ўзаро алоқада бўлган бир бутунлигини ўзида ифодалайди. Қолаверса, уларнинг мантиқий кетма-кетликда тизимли қўлланилишини талаб этади. Масалан, профилактик таъсир кўрсатишда дастлаб ишонтириш усулидан, агар у фойда бермаса, кейин мажбурлаш усулидан фойдаланилади.

*Ишонтириш усулининг устуворлиги* ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус принципларидан бири. Ушбу принципнинг махсуслиги унинг бошқа қонун ҳужжатларида деярли кузатилмаслигидадир.

«Ишонтириш» – диний нуқтаи назардан ҳам, дунёвий нуқтаи назардан ҳам унинг моҳиятида беқиёс куч манбаи мавжуд эгалигига оид фикр ва қарашлар.

Диний ёндашув ҳар қандай эътиқод замирида, ҳаттоки қилинган амалларнинг савоб ёки гуноҳ эканлигини белгилашда ҳам ишонч катта рол ўйнашини, ишонч йўқ жойда чин эътиқод ҳам бўлмаслигини эътироф этади.

Дунёвий билимлар эса, муайян мақсадга эришиш ва қийинчиликларни енгишга, муносабатларнинг самимий ва бардавом бўлишига ишонч орқали эришиш мумкинлигини талқин этади.

Дарҳақиқат, ишонч муносабатларнинг нафақат давомийлигига, балки бу борада илк алоқаларнинг ўрнатилиши ҳамда томонлар ўртасида манфаатдорликнинг юзага келишида ҳам реал манба бўлиб хизмат қилади. Чунки инсон ўзга бир инсонга ишонмас экан, унда у ушбу шахснинг сўзига, фикр ва қарашларига, мақсад ва муддаоларига

бефарқ бўлади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактика субъектлари ва объектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам дахлдордир.

Зеро, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи субъект, борди-ю ижтимоий-ҳуқуқий муносабатга киришаётганда профилактиканинг объектларида (ғайри-ижтимоий хулқ-атворда бўлган, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ҳамда виктимлиги юқори бўлган шахсларда) ўзаро ишончни уйғота олмас экан, унда улар ўртасида олиб борилган ҳар қандай профилактик чора-тадбирлар самарасиз якун топади. Шунинг учун ҳам «ишонтириш усулининг устуворлиги» ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус принципи тариқасида эътироф этилган.

*Таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш.* Мазкур принцип ҳам махсус принцип сифатида талқин этилади. Унинг негизида ўзаро алоқадор иккита ҳаракат мужассам бўлиб, бири ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш мазмунига эга профилактик чора-тадбирларни мазмун ва моҳияти жиҳатидан фарқлашни, иккинчиси эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўлланиладиган профилактик чора-тадбирларни профилактика объектларининг индивидуал хусусиятлари, яъни шахснинг ёки у содир этган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги, ёши, жинси, дунёқараши, қизиқиш ва эҳтиёжлари, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, касби, виктимлик даражаси, характери, руҳияти, меҳнатга, ўқишга, фуқароларга ва умуман жамиятга бўлган муносабати каби жиҳатларини эътиборга олган ҳолда танлаш ва қўллашни ўзида ифода этади.

Масалан, гарчи қўлланиладиган чекловлар бир хил мазмун ва шаклга эга бўлса-да, бироқ маъмурий назоратга олинган ҳамда шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан қўлланиладиган профилактик чора-тадбирлар ўзига хосликка эга бўлиши лозим. Чунки шартли ҳукм жиноят содир этишига қарамасдан ижобий тавсифланган шахсга нисбатан қўлланилса, маъмурий назорат оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш муассасаларида жиноий жазони ўташига қарамасдан тузалиш йўлига кирмаган шахсларга нисбатан қўлланилади. Аммо барча маъмурий назоратга олинган шахслар билан ҳам бир хил турдаги ва ҳажмдаги профилактик чора-тадбирлар ўтказилавермайди, бу масалага юқорида таъкидланганидек, маъмурий назоратга олинган шахснинг ижтимоий демографик, маънавий-руҳий, жиноий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгиларини эътиборга олган ҳолда ёндашиш талаб этилади.

## II. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ

### 1-§. Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчаси, унинг мақсади, объектлари, усул ва шакллари

Маълумки, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинишига қадар юридик адабиётлар ва манбаларда хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари ҳақида турлича қараш ва фикрлар илгари сурилиб, аниқ бир тўхтам мавжуд эмас эди. Қонуннинг қабул қилиниши бевосита ушбу қарама-қаршиликларга барҳам берди ва 6-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги тўрт тури:

- хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;
- хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси аниқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қонуннинг 3, 4, 5 ва 6-бобларида хуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг тушунчаси ҳамда уларнинг ўз ичига қамраб олган чора-тадбирлари ва уларни амалга ошириш асослари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Юқорида келтирилган хуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, муайян бир турини амалга ошириш орқали эришиш мумкин бўлган натижаларга бошқасини амалга ошириб эришиш мушкул вазифа ҳисобланади. Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ҳам бундан мустасно эмас.

*Хуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикаси* – хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолият (Қонуннинг 22-моддаси).

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига берилган таъриф умумий тавсифга эга бўлиб, унда умумий профилактикага хос бўлган индивидуал хусусиятлар ҳамда умумий профилактиканинг мақсад ва вазифалари аниқ ўз ифодасини топмаган.

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахс ёки кенг жамоатчиликка нисбатан ғайриижти-

мой хулқ-атвор ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликни содир этиш усул ва шакллари, виктимологик омилларнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғибот қилиш ва огоҳликка чақириш мақсадида амалга оширилади.

*Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига хос хусусиятлар ва афзалликлар:*

- бир вақтнинг ўзида ўнлаб, юзлаб, минглаб, ҳаттоки, миллионлаб инсонларга профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга;
- кам куч ва маблағ сарфланади;
- вақт тежамкорлигига эришилади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндашилади;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишни талаб қилиш кучига эга.

Юқорида келтирилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига хос хусусиятларнинг ҳар бирини моҳиятан ёритишга ҳаракат қиламиз.

*Бир вақтнинг ўзида ўнлаб, юзлаб, минглаб, ҳаттоки, миллионлаб инсонларга профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эгаллик.* Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари жойларда учрашув, маъруза, давра суҳбати, конференция, семинар кабиларни ташкил этиш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, профилактик мазмун ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китобларни нашр эттириш, телевидениеда кўрсатувлар, фильмлар намойиш қилиш, радиода эшиттиришлар қилиш орқали бир вақтнинг ўзида кўплаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатади.

Моҳиятига кўра, келтириб ўтилган умумий профилактик мазмунга эга ҳар бир тадбирнинг профилактик таъсир кўрсатиш доираси турлича. Масалан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти муайян меҳнат жамоаси, таълим муассасаси ёки маҳаллада учрашув ўтказиб, ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий салбий жихати, ҳуқуқий оқибати, жавобгарликнинг муқаррарлиги кабиларни етказиш орқали юз-икки юз аҳолига профилактик таъсир кўрсатса, радио эшиттириш ёки телекўрсатув орқали минглаб, керак бўлса миллионлаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти мавзунинг қанчалик долзарблиги ва глобал аҳамиятга эгаллиги ҳамда мавжуд куч ва воситаларга таянган ҳолда

умумий профилактик мазмунга эга тадбирлардан бирини ёки бир нечтасини белгилаб олади ва амалга оширилишини таъминлайди.

*Кам куч, вақт ва маблағ сарфланиши.* Айтайлик, бир соатлик телекўрсатув орқали минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун ўн нафар кишининг меҳнати кифоя бўлса, айнан шу бир соатлик вақт оралиғида индивидуал профилактикани амалга ошириб, минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун юзлаб профилактика субъектларининг меҳнати талаб этилади. Агар бу бир киши томонидан амалга оширилса, бунинг учун ойлаб, йиллаб вақт сарфланиши мумкин. Бу борада маблағ сарфланиш ҳажми ҳам худди шу суратда ошиши кузатилади.

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндашув.* Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан бири – ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш республика, вилоят, шаҳар, туман, маҳалла доирасида амалга оширилиши, дастурларда бир неча йўналишларда вазифаларнинг белгилаб олиниши умумий профилактикага комплекс ёндашувни ўзида ифодалайди.

*Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишни талаб қилиш кучига эгаллиги.* Ушбу талаб Қонуннинг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари ёритилган 23-моддасида белгиланган. Унга кўра, «ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш» профилактик чора-тадбири тақдимнома юборилган органга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш мажбуриятини юклайди. Бу ҳақда қуйида батафсил тўхталамиз.

*Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси объектлари.* Биз юқорида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчасига ва ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, унинг мазмун ва моҳиятини ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда умумий, комплекс ва ҳажм жиҳатдан кенг доирада ёндашилиши билан боғланган ҳолда ёритдик. Мазкур мантиқдан келиб чиқсак, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг таъсир кўрсатиш объектларига барча фуқаролар, ҳаттоки чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда юридик шахсларни ҳам киритиш мумкин.

*Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси усуллари.* Юқорида кўриб чиққанemizдек, назария ва амалиётда профилактик таъсир кўрсатишнинг ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш усуллари ҳақида сўз юритилади.

Хуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикасини амалга оширишда «ишонтириш» усулининг аҳамияти жуда катта. Буни бевосита «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларидан бири сифатида «ишонтириш усулининг устуворлиги» эътироф этилганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу принципнинг мазмун ва моҳиятини аввалги параграфларимизда кўриб чиққан эдик.

«Рағбатлантириш» усули асосан хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланилади, бироқ умумий профилактика ҳам бундан мустасно эмас. Умумий профилактикани амалга оширишда рағбатлантириш усули асосан хуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектларига нисбатан қўлланилишини кузатиш мумкин. Мақсад – хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда субъектлар фаоллигини ошириш.

Буни бевосита республика миқёсида ўтказиладиган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик танлови ҳамда ушбу кўрик танловда профилактика инспекторлари ва жамоат тузулмалари аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирларида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 300-моддасига кўра тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ва прокурор – тақдимнома, суднинг эса ажрим чиқариши каби чора-тадбирларнинг мазмунида кўриш мумкин.

«Мажбурлаш» усули ҳам, рағбатлантириш усули сингари, одатда, хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси субъектларига нисбатан қўлланади. Унинг хуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига нисбатан қўлланилиши эса ўз-ўзидан профилактиканинг якка тартибдаги турига айланиб кетади. Шу боис мажбурлаш усули асосан хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланади.

Мазкур усулнинг умумий профилактикада қўлланилишини амалдаги ЖПК ва МЖтКнинг нормалари талаблари асосида хуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг ваколатли ходимлари томонидан хуқуқбузарликнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон

берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоа ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки суд томонида хусусий ажрим киритилишида кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, умумий профилактиканинг амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган, барча фуқароларни жиноятларни очиш ва айбдорларни фош этишга ундайдиган амалдаги Жиноят кодексининг 241-моддасида жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширганлик учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлигини ҳам бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу норма билан барча жисмоний шахслар зиммасига тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида хабар бериш, шунингдек олдиндан ваъда берилмаган бўлса-да, оғир ёки ўта оғир жиноятларни яширмаслик мажбурияти юклатилади. Акс ҳолда бу каби қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят деб баҳоланади.

*Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси шакллари.* Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасида профилактиканинг оғзаки, ёзма, кўргазмали ва амалий ёрдам бериш каби шаклларидан унумли фойдаланилади ва айнан улар орқали профилактиканинг самарадорлиги таъминланади.

Хуллас, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ўз мақсади, объекти ва субъектларига, ўзига хос жиҳатлари ва афзалликларига, шунингдек профилактиканинг усул ва шаклларидан фойдаланишда индивидуалликка эга. Бу ҳақда билимга эга бўлмаслик субъектлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси самарадорлигига путур етказилади.

## **2-§. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган умумий профилактика чора-тадбирлари тизими**

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тасдиқланган дастур, режа ва жадваллар асосида, шунингдек соҳавий хизматларнинг ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотлар билан ўзаро келишуви асосида амалга оширилиши мумкин.

Бу борада ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширув-



чи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари жалб этиши мумкин.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларнинг мурожаатига асосан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларида иштирок этиши ҳам мумкин.

Умуман олганда, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талабларига кўра ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўтказиш;

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин (Қонуннинг 23-моддаси).

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг давлат дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф киритиш ваколатига эга. Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги ҳудудий органларнинг асослангирилган таклифи, ҳисобот-тахлил ишлари натижаларига асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир идоравий, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва қўмиталар билан ҳамкорликда идоралараро дастур ва режаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши мумкин.*

Маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ҳудудий ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилак-

тикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (кейинги ўринларда мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) таклифлар киритиши мумкин. Шунингдек, ҳудуднинг криминоген вазиятидан келиб чиқиб идоравий, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки давлат органлари ёхуд жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда идоралараро дастур ва режалар ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш йўналишида давлат дастури тасдиқланганида кейин ИИВда соҳавий (идоравий) дастур ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. ИИВнинг тасдиқланган дастури асосида эса жойлардаги ички ишлар органларида соҳага оид ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ИИВнинг идоравий дастури ва жойлардаги ички ишлар органларининг соҳага оид ҳудудий дастурлари асосида соҳавий хизматлар ўз дастурларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан дастурлар ижросини таъминлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасанинг ҳамкорлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлганда ёки ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш зарурати туғилганда, бу ҳақда ички ишлар органи раҳбарияти мувофиқлаштирувчи кенгашга ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин.

*Аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот.* Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик даврида ҳуқуқий тарғибот масаласига ҳукумат даражасида жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов «Известия» газетаси мухбирлари билан бўлган суҳбатда «Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, аввало, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципи тарафдоримиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб бора олмаяпти,

тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараш и чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдиролмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю, кейин қотиб тураверади – учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба», деб билдирган фикрлари оддий ҳақиқат. Бу фикрлар тарғибот ва ташвиқот масалаларининг нечоғлик долзарб аҳамият касб этишини англатади.

Мазкур долзарбликни қонун ҳужжатлари билан айрим субъектлар зиммасига аҳоли ўртасида кенг доирада ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш вазифаси юклатилганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 12<sup>2</sup>-моддасида «аҳолининг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларини амалга ошириш» Адвокатлар палатасининг асосий вазифаларидан бири сифатида, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида «алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини, аввало, соғлом турмуш тарзи тарғиботини назарда тутган ҳолда амалга оширишда иштирок этиш» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги ваколати, шунингдек «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида «ёнғин хавфсизлиги соҳасида ёнғинга қарши тарғиботни, ўқитишни ва ахборот билан таъминлашни амалга ошириш» Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ваколати тариқасида белгилаб қўйилган.

Шу ўринда, «тарғибот», «ташвиқот», «ҳуқуқий тарғибот», «қонунчилик тарғиботи» тушунчаларига ойдинлик киритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

«Тарғибот» сўзининг ўзаги «тарғиб» бўлиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида «тарғиб» хоҳишни, қизиқишни кучайтириш, шунингдек

тарғиб қилмоқ – чуқур тушунтириш йўли билан бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёймоқ, кишиларнинг онгига сингдирмоқ, шунингдек тушунтириш йўли билан бирор ишга чақирмоқ, даъват этмоқ маъноларини англатса, «тарғибот» эса бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган ишлар, тарғиб ишлари маъносини англатади.

Мазкур изоҳли луғатда «ташвиқ» сўзига «қизиқиш, хоҳишни кучайтириш. Бирор нарсага йўллаш, йўналтириш, чақириш мақсадидаги гап-сўз, хатти-ҳаракат ва шу кабилар» деб, «ташвиқот»га эса «оммага сиёсий ёки бошқа жиҳатдан таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар, тадбирлар» тариқасида изоҳ берилган.

Кўриниб турибдики, «тарғиб» ва «ташвиқ» тушунчалари муайян жараён ва ундан кўзланган мақсадни ўзида ифодаласа, «тарғибот» ва «ташвиқот» эса жараёнлар йиғиндиси, бошқача айтганда, комплекс тадбирлар мажмуасидан иборат эканлиги намоён бўлади.

Эътиборли томони шундаки, мазкур тушунчалар мазмун жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлиб, бошқаларда қизиқиш, хоҳишни кучайтириш орқали улар онгига тушунча, ғоя ёки таълимотни сингдиришга қаратилгандир. Бу тушунчаларнинг бири иккинчисини тўлдиради ва айнан шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда «тарғибот-ташвиқот» эгиз тушунча тариқасида қўлланилиб келинади.

Ҳуқуқий тарғибот умумий тарғиботнинг бир йўналиши бўлиб, унда асосан аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига етказиш, шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсад қилиб қўйилади.

Сўнгги пайтларда ҳуқуқий адабиётларда «ҳуқуқий тарғибот» билан бирга, «қонунчилик тарғиботи» тушунчаси ҳам қўлланилмоқда. Шу ўринда, ушбу икки тушунча ўртасидаги ўзаро фарқли томонларга қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқ.

«Ҳуқуқий тарғибот» тушунчаси «қонунчилик тарғиботи»га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги масалаларни тарғиб қилишни назарда тутлади. Масалан, «ҳуқуқий тарғибот»да муайян турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар, уларни содир этишнинг усул, шакл ва воситалари, виктимлик ҳолатлари, улардан ҳимояланиш чора-тадбирлари билан боғлиқ масалаларга урғу берилса, «қонунчилик тарғиботи» фақат

қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг мазмуни ва моҳиятини ёритишга қаратилади. Эътиборли томони шундаки, ҳуқуқий тарғибот қонунчилик тарғиботини ўз ичига қамраб олса-да, бироқ ҳар қандай ҳуқуқий тарғибот қонунчилик тарғиботи ҳисобланмайди.

Маълумки, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқаро андозаларга мос миллий қонунчилик асосларини яратиш билан бирга, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, таълим муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида ҳуқуқий тадбирлар ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, қонунчилик тарғиботини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу вазифанинг ўта муҳимлигини англаш ва уни муваффақиятли ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқ-шунос кадрлар тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармонини эслаш жоиз. Қолаверса, аҳолининг замонавий, фуқаролик жамиятига хос янги ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини шакллантиришда Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан аҳолининг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий билими ва маданиятини мунтазам равишда ошириб бориш ишларига жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, 2014 йилда ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси таркибида қонунчилик тарғиботи бўлимининг ташкил этилганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, ички ишлар органларида қонунчилик тарғиботи юзасидан амалга оширилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш, ушбу ишларнинг самарадорлигини ошириш ва қатъий назорат қилиб бориш мақсадида ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида қонунчилик тарғиботини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди ҳамда ишчи гуруҳ раҳбари, унинг ўринбосари ва аъзолари тасдиқланди.

Қонунчилик ва ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтириш ҳамда ушбу йўналишда хизмат олиб бораётган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида «Ички ишлар органлари ходимлари ўртасида «Энг фаол қонунчилик тарғиботчиси» танловини ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги соҳавий буйруқ қабул қилиниб, ижро этиш учун худудий ички ишлар органларига юборилди.

Қонунчилик тарғиботи ҳақида сўз юритилганида бир масалага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади, яъни қонунчилик тарғиботи деганда, янги қабул қилинган қонунни ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатни фақат маълумот тариқасида етказилишини тушунмаслик керак, балки унинг мазмун-моҳиятини ички ишлар органлари ходимларига, аҳолига тўла-тўқис тушунтириб бериш назарда тутилади.

Ушбу ишнинг сарали бўлишида қонун тарғиботчисининг шахси, яъни унинг назарий-ҳуқуқий билими, фикрлаш доираси, хулқ-атвори, амалий тажрибаси, ҳозиржавоблиги, керак бўлса нотиқлик санъати, жамоада, оилада, маҳаллада тутган ўрни ва обрўси, ўз навбатида, маънавияти муҳим ўрин тутди. Ана шундай фазилатларга эга бўлган тарғиботчигина атрофдагиларнинг қизиқишини, хоҳишини кучайтириши, рағбатлантириши мумкин, кишилар онгига ниманидир сингдиришга эришади<sup>1</sup>. Зотан, ҳуқуқий тарғиботнинг самараси тарғиботчининг кишиларни мисол ва далиллар билан ишонтириши ва уларни ўз ортидан эргаштира олишида, акс ҳолда улар тарғиботчига ҳам, унинг сўзларига ҳам бефарқ бўладилар. Натижада, тарғибот, фақатгина «хўжакўрсинга» амалга оширилган бўлиб қолади. Чунончи, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ўз ўрнида «Жамиятнинг демократия йўлида жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир», деб таъкидлаганлар.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш учун давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти шаклланиши ҳамда юксалишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш;

---

<sup>1</sup> Юлдашев М.Ш. Қонунчилик тарғиботи ва маънавият // POSTDA. – 2015. – 1 янв. – №1. – 12-б.

– аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш;

– аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, бунда ахборот беришнинг самарали усул ва воситалари тизимини такомиллаштириш;

– нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат органларининг ижтимоий ҳамкорлиги доирасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

Ҳуқуқий тарғибот асосан қуйидаги уч йўналишда амалга оширилади:

*Биринчи йўналишда* амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғибот ишларига ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб аҳоли ўртасида маъруза, радиоэшиттиришлар қилиш, викторина, давра суҳбати, семинар-тренинг, учрашувлар ўтказиш кабиларни киритиш мумкин.

*Иккинчи йўналишда* ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб мақолалар, китоб ва қўлланмалар (шу жумладан, электрон шаклда) ёзилади ва чоп этилади, шунингдек аҳолининг муайян қатламига мўлжалланган буклетлар тайёрланиб, тарқатиш каби ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилади.

*Учинчи йўналиш*, асосан, ҳуқуқий тарғибот аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намойиш қилиш, кинофильмларнинг муайян эпизодларини акс эттириш, телевидениеда «Бир жиноят изидан», «Жиноят ва жазо» каби кўрсатувларни эфирга узатиш, плакатлар, кўргазмали эълонлар тайёрлаб, аҳоли кўп тўпланадиган ва гавжум бўлган жойларда, ички ишлар органларининг маъмурий бино (МТП)ларида осиш кабилар орқали олиб борилади.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда бир қатор талаблар мавжуд.

*Ҳуқуқий тарғибот субъектларига қўйиладиган талаблар.* Бу борада, аввало, кимлар ҳуқуқий тарғибот субъекти бўлиши мумкинлигига ойдинлик киритиш талаб этилади. Ҳуқуқий тарғибот ташкилотчилари, яъни тарғибот ўтказадиган орган ва муассасалар, шунингдек тарғибот ўтказиладиган орган, муассаса, ташкилот ва жамоат тузулмалари ҳуқуқий тарғибот субъектлари бўлиши мумкин.

Тарғибот ўтказадиган орган ёки муассаса тарғибот ўтказишдан олдин қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиши талаб этилади:

– қандай (ҳуқуқий ёки қонунчилик) тарғибот ўтказилиши кераклигига;

– ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи қайси шаклда (маъруза, учрашув, давра суҳбати, телекўрсатув, радиоэшиттириш) ўтказилишига.

Асосан, маъруза шаклида ўтказиладиган ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботларида қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади:

– нима мақсадда, қайси мавзуда, қаерларда ҳуқуқий тарғибот ёки қонунчилик тарғиботи ўтказилишига (*тарғибот уни ўтказувчи орган ва муассасанинг ташаббуси билан ёки тарғибот ўтказиладиган орган, муассаса, ташкилот ва жамоат тузулмаларнинг сўрови ёки илтимосига кўра ўзаро имзоланган шартнома (битим) ёхуд тасдиқланган жадвал кабиларга асосан ўтказилиши мумкин*);

– тарғибот кимлар (мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ёки олий таълим муассасаси талаблари, маҳалла фуқаролари, муайян муассаса ходимлари ва ҳ.к.)га мўлжалланганлигига, шунингдек уларнинг ёши, жинси, касби, қизиқишларига доир психологик хусусиятлари, маълумот даражаси ва дунёқараши кабиларга;

– юқоридагиларни инобатга олиб, маъруза матни, мультимедиа материаллари, фрагментлар ва бошқа фойдаланиладиган кўргазмали воситалар ким томонидан, қайси мазмунда тайёрланишига (*маърузанинг мазмуни асосан тарғибот объектларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини эътиборга олган ҳамда уларнинг манфаатидан келиб чиққан, яъни реал ижтимоий ҳаётда уларни қизиқтирадиган ва улар учун керакли, ижтимоий ҳаётда қўллаши мумкин бўладиган маълумотлардан фойдаланган ҳолда тайёрланиши мақсадга мувофиқ*);

– педагогик ва нотиклик қобилияти, билим даражаси, касбий маҳорати ва иш тажрибаси, кўпчилик олдида ўзини тута олиш кўникмаси (кийиниш, сўзлашиш ва муомала маданияти) каби касбий хусусиятлар ҳамда инсоний фазилатлари асосида маърузачи (лар)ни танлаш ва белгилашга;

– тарғибот (маъруза) жараёнини назорат қилиш ва натижаларини, шунингдек ҳуқуқий тарғибот объектларини қизиқтирган ва улардан келиб тушган саволлар ҳамда таклиф ва тавсияларни ўрганиш, таҳлил қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда келгуси тарғиботларда уларни инобатга олиш масаласига;

– ўтказиладиган ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи жараёнини фото ва видеотасвирга олинishi, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши ва бу ҳақдаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио ва газеталар)да ёритиш масалаларига ва ҳоказо.



Ҳуқуқий тарғибот масаласида тарғибот ўтказиладиган орган, муассаса, ташкилот ва жамоат тузулмалари қуйидагиларга:

– орган, муассаса, ташкилот ва жамоат тузулмалари ходимлари, ўқувчилари, талабалари, аъзоларини сиғдира оладиган тарғибот марказлари (бино ёки бино ичида катта зал)га эга бўлишга;

– ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган зал (хона) техник воситалар (микрофон, овоз эшиттирувчи карнай, мультимедиа воситалари, компьютер, монитор, доска (бўр) кабилар) билан таъминланишига;

– маъруза жараёнида зарур маълумотларни қайд этиб боришлари учун ҳуқуқий тарғибот объектларига қулайликлар яратиш, аудитория ёки тарғибот марказини ўтириш ва ёзиш учун қулай воситалар билан жиҳозлашга;

– ўтказиладиган ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғибот мавзуси, мақсади ва вазифалари ҳақида ҳуқуқий тарғибот объектларини камида уч кун олдин хабардор қилишга;

– агар ҳуқуқий тарғибот ўз ташаббуслари билан ўтказилаётган бўлса, унда ўтказиладиган ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи жараёнини фото ва видеотасвирларга олиниши, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши ва бу ҳақда уларда ёритилиши масалаларига эътибор қаратишлари лозим.

Маъруза шаклида ўтказиладиган ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботида маъруза матнлари барчага бирдай тушунарли тилда, содда ва раван ёзилган бўлиши ва унда асосан тингловчини қизиқтирадиган, ижтимоий ҳаётда турли муносабатга киришганида у фойдаланадиган тартиб-қоидалар ва маълумотлар акс эттирилган бўлиши, шунингдек мультимедиа материаларидаги ёзувлар ва белгилар барча кўра оладиган шрифтда, маълумотларни чалғимасдан илғаб олиш имконини берадиган фонда тайёрланиши лозим.

Маърузанинг қизиқарли, тушунарли ва самарали ўтиши кўп жиҳатдан маърузачига ҳам боғлиқ, бу эса маърузачига нисбатан муайян талаблар қўйилишини назарда тутди (Бу ҳақда юқорида батафсил тўхталдик).

Ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботи ўтказишга мўлжалланган «Маънавият тарғибот марказлари»га қўйиладиган талаблар:

– камида 100–150 нафар тингловчини сиғдира олиши;

– тингловчилар ўтириши ва ёзиши учун қулай воситалар билан жиҳозланиши;

– совитиш ва иситиш мосламаларига эга бўлиши;

– сўзга чиқувчилар учун минбар, техник воситалар (микрофон, колонка (овоз эшиттирувчи карнай), овоз кучайтиргич, мультимедиа

материалларини кўйишга мўлжалланган мультимедиа воситалари, доска (бўр) кабилар) билан таъминланиши шарт.

Ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи (маъруза)ни ўтказишга ташкилий ва методик жиҳатдан тайёргарлик кўриш бир неча босқичларни ўз ичига олади.

*1. Тарғибот (маъруза)га тайёргарлик кўриш босқичи.* Мазкур босқичда ҳуқуқий тарғибот ўтказадиган корхона, муассаса, ташкилот ҳамда ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган корхона, муассаса, ташкилот ўртасида битим, шартнома имзоланади ёки жадвал тасдиқланади. Ушбу жараёнда қайси мавзуларда, кимларга нисбатан, қачон, кимлар иштирокида ҳуқуқий тарғибот ўтказилиши, ҳуқуқий тарғиботни ўтказувчи шахсларни танлаш ва белгилаш ҳамда уларнинг тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқий тарғиботда иштирок этувчи тингловчиларни бу ҳақда огоҳлантириш ва тадбирга тайёрлаш ҳамда тадбирнинг қисқача сценарий режасини ишлаб чиқиш, ОАВни жалб этиш, тарғибот жараёнини фото ва видеотасвирга олиш чораларини кўриш каби масалалар ҳал этилади.

*2. Тарғибот (маъруза)ни бевосита амалга ошириш босқичи.* Бу босқичда ишлаб чиқилган сценарий режа асосида тарғибот амалга оширилади. Ушбу жараёнда маърузачиларга катта масъулият юклатилади. Улар билими, ҳаётий ва касбий тажрибаси, нотиклик санъати, мавзу юзасидан бераётган маълумотлари ва фактларига таяниб, аудиторияни ўзларига жалб этиши, бунинг учун тингловчиларнинг ёши, жинси, маълумот даражаси, касби ва қизиқишларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Аслида мазкур ҳолатлар тайёргарлик кўриш босқичида аниқланиши ва ўрганилиши керак бўлади. Бироқ, маъруза жараёнидаги савол-жавобларда ҳам айрим маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бу аудиторияни жонлантириш, тингловчиларнинг қизиқиши ва эътиборини жалб этиш учун ҳам хизмат қилади. Тарғибот жараёни сифатли фото ва видеотасвирга олинишини ҳам таъминлаш зарур.

*3. Тарғибот (маъруза) жараёни ва натижаларини расмийлаштириш.* Одатда тарғибот (маъруза) жараёни ва натижалари йиғилиш баённомалари ва унга илова қилинадиган фотолавларда ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, қўшимча равишда маълумотнома, ахборот хати каби ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Шунингдек, тарғибот ўтказилган корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тарғибот ўтказган ташкилот ёки муассаса раҳбариятига ташаккурнома ёхуд миннатдорчилик хатлари ёзиб тақдим этишлари мумкин.

Шу билан бирга, тарғибот (маъруза) жараёни ва натижаларини таҳлил қилиш ва кейинги ҳуқуқий тарғиботни самарали ташкил этиш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва келгусида яна қандай мавзуларда ҳуқуқий тарғибот ўтказиш керак, ҳуқуқий тарғиботни режалаштириш ҳамда унга тайёргарлик кўришда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги каби масалалар юзасидан хулосалар қилиш талаб этилади.

Юқорида келтирилган талаб, тартиб ва қоидалар мантиқийлик қонуниятлари ҳамда ижтимоий заруратдан келиб чиқиб берилаётган тавсиялардир. Ушбу талаблар, тартиб ва қоидаларга мазмунан ёндашган ҳар қандай тарғиботчи уларга риоя қилинмасдан ўтказилган ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботи самарали натижага эришиши қийинлигини англаб етади.

Ички ишлар органлари томонидан аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришни мувофиқлаштириш ИИВнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари ўз хизмат фаолияти йўналишлари бўйича ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этади. Улар ушбу фаолиятда бошқа соҳавий хизматларни жалб этишлари ҳам мумкин.

*Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.* Ички ишлар органлари муайян шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки муайян ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига, шунингдек бир гуруҳ шахсларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига туртки берган сабабларни ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайдилар, уларни бартараф этиш юзасидан вазирликлар, қўмиталар, корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиб борадилар.

Афсуски, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси фақатгина амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (6-бўлим) ҳамда

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда (196, 313-моддалар) ўз ифодасини топган.

Бироқ, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари хуқуқбузарликка қарши курашувчи, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаб, бартараф этилишини таъминловчи хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳам ўз фаолияти жараёнида аниқланган жиноятчиликка оид статистик ҳамда бошқа маълумотлар таҳлилига асосланиб, муайян вазирлик ёки қўмита ва унинг қўйи тузилмалари даражасида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишлари мумкинлигини тақозо этади. Масалан, Республика Бош прокурори ИИВга, вилоят прокурорлари вилоят ИИБга тақдимнома киритиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу мазмундаги тақдимномаларни қўйидагича гуруҳлаш мумкин:

- прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- хуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар.

*Прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар.* 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 40-моддасига кўра, прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли.

*Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар* ушбу субъектлар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилади. Бу борада «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ҳам ҳуқуқий асос

бўлиб хизмат қилади. Қонуннинг 9-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимидан ўрин олган ҳар бир субъектга қонун чиқарувчи «ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш» ваколатини берган.

*Ҳуқуқбузарлик ишларини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар.* Ушбу турдаги тақдимномалар ҳуқуқбузарлик ишларини юритувчи мансабдор шахслар (амалдаги ЖПКнинг 3-бобида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳамда амалдаги МЖтКнинг 245-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар) томонидан амалдаги ЖПК ва МЖтКда белгиланган процессуал тартибда ўз иш юритувидаги ҳуқуқбузарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят) иши бўйича киритилади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 297-моддаси талабларига кўра, тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоа ёки мансабдор шахс суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан киритилган жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисидаги тақдимнома ёки суднинг хусусий ажрими талабларини бажаришга мажбур. Акс ҳолда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида кўрсатилган «Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик» маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби келиб чиқиб, тегишли мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш асоси юзага келади.

*Мансабдор шахснинг қуйидагиларга йўл қўйиши жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлади:*

– тақдимнома ёки хусусий ажрим талаблари бўйича зарур чораларни кўрмаслик ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишлилиги бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни хабардор қилмаслик;

– тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини виждонан бажармаслик, яъни кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида тегишлича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд хабардор қилинган бўлсада, амалда ҳеч қандай чора кўрилмаганлик ёки масалага юзакилик билан ёндашганлик.

Хуллас, юқорида келтириб ўтилган ва мазмуни ёритилган профилактик чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликларнинг асосий умумий профилактик чора-тадбирлари тизимини ташкил этади, бироқ ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

### **3-§. Профилактика хизматлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби**

Ички ишлар органларининг профилактика хизмати ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент қарорлари, фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ИИВнинг буйруқ ва кўрсатмаларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат, ҳудудий ва соҳавий дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлашда, ушбу соҳадаги мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда, профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда фаол иштирок этувчи тузулмадир.

Ички ишлар органлари томонидан амалга оширилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларига доир ҳисоботлар умумлаштирилиб, таҳлил қилинади ҳамда натижалари юзасидан белгиланган вақтларда прокуратура органлари ҳузурида ташкил этилган мувофиқлаштирувчи кенгашга маълумотлар тақдим этиб борилади. Бу борада асосий маълумот профилактика хизмати томонидан берилади.

Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари ўз соҳаси бўйича амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинган янги қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмунини бевосита аҳоли ўртасида тарғиб қилиш чораларини кўради.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда ички ишлар органларининг профилактика хизматлари профилактика (катта) инспекторларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг

ҳудудий ва соҳавий дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли таклифлар киритади ҳамда тасдиқланган дастурларнинг ижросини таъминлайди.

Маъмурий ҳудудда профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларини ўзининг кунлик ва ойлик иш режаси асосида амалга оширади. Юқори турувчи ҳудудий ички ишлар органининг тасдиқланган дастури, режаси ва жадваллари асосида, шунингдек соҳавий хизматларнинг ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан белгиланган тартибда тузилган ўзаро келишувларга биноан амалга оширади.

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, фуқароларни жалб этиши мумкин.

Шунингдек, ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари томонидан ташкиллаштирилаётган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларига профилактика (катта) инспектори жалб этилиши мумкин.

Маъмурий ҳудудда профилактика (катта) инспектори томонидан амалга оширилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари ва натижалари ҳақидаги маълумот ҳамда ҳисоботлар ички ишлар органи ҳуқуқбузарларнинг олдини олиш хизматларида умумлаштирилади ва прокуратура ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи кенгашга ҳамда юқори турувчи органга тақдим этиб борилади.

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурларига ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда амалга оширилиши кўзда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларининг ойлик ва кунлик иш режаларини киритади ва ижросини таъминлашда иштирок этади.

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш,

жойларда маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видеороликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш, шунингдек аҳоли гавжум жойларда ҳамда пиёдаларнинг фаол ҳаракатланиш йўналишларида патрулик йўналишларини ташкил этиш, маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этади.

Маъмурий ҳудуд аҳолиси ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ишларини профилактика (катта) инспектори кунлик ва ойлик иш режаси, шунингдек юқори турувчи ҳудудий ички ишлар органининг иш режаси, белгиланган тартибда тасдиқланган жадваллари асосида ўтказди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган янги қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш чора-тадбирларини амалга оширади. Ушбу чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маънавий-ҳуқуқий тарғибот марказлари, таълим муассасаларининг вакиллари, шунингдек олимлар, шоирлар ва депутатларни жалб этиши мумкин. Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ИИБ ва бошқа юқори турувчи органлар томонидан юборилган, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва белгиланган тартибда нашр этилган материаллардаги манбалардан, шунингдек замонавий техник воситалар ва технологиялардан фойдаланади.

Профилактика (катта) инспектори хизмат фаолиятини олиб бориш жараёнида муайян шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор шаклланишининг ёки муайян ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабабларини, уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимнома киритилишини таъминлайди. Сўнгра ушбу тақдимномалар ижроси бўйича назоратни амалга оширади. Тақдимнома талабларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги аниқланганда масъул шахсларни амалдаги МЖТКнинг 196-моддасида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

Профилактика (катта) инспектори томонидан маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланиши ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо этаётган сабаблар ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар аниқлаганда уларни бар-



тараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи орқали, вазирликлар ва қўмиталарга эса Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдимнома киритилади.

Хуллас, ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турларидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Чунончи, мустақилликдан сўнг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ, қонун ижодкорлиги соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳуқуқ соҳасида янгича тартиб ва механизмлар яратилдики, бу уларни босқичма-босқич такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Мазкур зарурат ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирлари, айниқса, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш билан узвий боғлиқ. Зеро, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилиши ҳам айнан ушбу жиҳатга алоқадордир. Бу эса, келажакда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги талабини келтириб чиқаради.

### **III. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ**

#### **1-§. Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактик фаолияти ва унинг асосий йўналишлари**

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси каби махсус профилактика ҳам ўзига хосликларга эга. Бироқ қайсидир томонлари билан хуқуқбузарликларнинг умумий, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси турларининг айрим жиҳатлари га ўхшашлиги кўзга ташланади.

Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини профилактиканинг бошқа турларидан ажратиб турувчи асосий жиҳат у фақат хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ташаббуси ва раҳбарлиги остида, олдиндан ишлаб чиқилган ва ички буйруқ билан тасдиқланган махсус режалар асосида амалга ошириладиган махсус тадбирлардан иборат эканлигидир.

Бу борада ички ишлар органлари тизимида муайян тартиб шаклланиб улгурган. Бунга «Антитеррор», «Арсенал», «Автопатруль», «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Назорат», «Орият», «Ойна», «Паспорт-виза», «Спитамен», «Тозалаш», «Қорадори», «Қидирув», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби махсус ҳамда тезкор профилактик тадбирларнинг ички ишлар органлари тизимида ички буйруқлар асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиб келинаётганлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

ИИВнинг «Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғида ички ишлар идоралари тизимида юқоридагилардан ташқари яна «Автобус», «Велосипед», «Дикқат пиёда», «Дикқат болалар», «Дикқат темир йўл», «Ижро», «Маст ҳайдовчи», «Турмуш», «Трактор», «Устахона», «Ғамхўрлик», «Хонадон» каби махсус ҳамда тезкор профилактик тадбирлар ҳам ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозимлиги ҳақида сўз юритилган.

Хуллас, хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси кўпинча криминоген ва оператив вазият оғир бўлган ҳудудлар ҳамда хуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил шахсларга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириқлар асосида амалга оширилиши билан профилактиканинг бошқа турларидан ажралиб туради.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятidir.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган тарикасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ҳам амалга оширади.

Ички ишлар органлари криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чоратадбирларини амалга оширади.

Юқорида берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш фаолиятини қуйидаги икки йўналишини кузатиш мумкин:

1. Профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган махсус тадбирларни амалга ошириш.

Профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирлар қуйидаги ҳолатларда ишлаб чиқилади:

*Муайян ҳудуд ёки даврда айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар кўпайган ҳолларда.* Бунда махсус профилактик тадбирлар ушбу ҳудуд ёки даврнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи ва унинг содир этилишига имконият яратувчи омилларнинг моҳиятини, ҳуқуқбузарлик содир этувчиларнинг шахси, ҳуқуқбузарликлар содир этилаётган ҳудуд ва давр, ушбу турдаги

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг куч ва имкониятларини ўрганган ва ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

*Муайян ҳудуд ёки даврда айрим тоифадаги шахслар кўпайиши билан аҳоли соғлиги, тинчлиги ҳамда уларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигига салбий таъсири юзага келган ҳолларда.* Ушбу ҳолатда айрим тоифадаги шахслар икки хил маънода талқин этилади. Биринчиси, ҳуқуқбузарлик содир этган, содир этишга мойил ёки ғайриижтимоӣ хулқ-атворга эга шахслар тоифаси бўлса, иккинчиси, ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифасини ташкил этади.

Биринчи тоифадаги шахсларни маънавий-руҳӣ хусусиятлари (алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига чалинган, қиморбоз, фоҳиша, бесоқолбоз, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс кабилар) ҳамда касбий хусусиятлари ёки ижтимоӣ мақоми (хайдовчи, уста, тракторчи) бўйича таснифлаш мумкин.

Иккинчи тоифани ўзларининг касбий ёки маънавий-руҳӣ хусусиятлари билан муайян турдаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ёки жабрланиш эҳтимоли юқори бўлганлар ташкил этади (Масалан, пиёданнинг ёки болаларнинг автотранспорт ҳодисасидан зарар кўриши, ишсиз ва ишонувчиларнинг одам савдоси каби ҳуқуқбузарликларнинг қурбони бўлиши кабилар).

*Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг реал хавфи юзага келганда.* Бу каби хатар ва таҳдидларга оммавий тадбирларни ўтказиш жараёнидаги оммавий тартиббузарликларни, табиӣ офат юз берганда аҳолининг соғлиги, шаъни, кадр-қиммати ёки мулкига нисбатан тажовузни, муайян ҳудудда теританосил ёки бошқа касалликларнинг тарқалиши хавфининг келиб чиқиши мумкинлигини, шунингдек аҳоли гавжум жойларида террорчилик актлари содир этилиши мумкинлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган асосларга таянилиб, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари режаси ишлаб чиқилади. Бунинг учун кўп йиллик иш тажрибасига эга мутахассислар жалб этилиши, улар эса статистик маълумотлар, тергов ва суд материаллари, соҳавий хизматлар ҳисоботлари, мониторинг натижалари асосида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирларини ишлаб чиқишлари талаб этилади.

Ишлаб чиқилган махсус профилактик тадбирлар қандай ҳолатларда, қандай асосларга кўра, қанча муддат давомида, кимлар томонидан ўтказилиши каби белгиланган буйруқ билан тасдиқланадиган йўриқномада акс этмоғи мақсадга мувофиқ саналади. Шу орқали махсус профилактик тадбирларнинг ўтказилиш тартиби ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Қайси ҳудудда қайси турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки шахслар тоифалари кўпаётганлиги, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи қандай хатарлар ва таҳдидлар мавжудлиги ҳақида қуйи тузулмалар ўзларининг ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларида акс эттиришлари ва ИИВга тақдим этиб боришлари лозим.

Ҳудудий ички ишлар органларида фаолият олиб бораётган профилактика хизматлари таркибидаги «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати», «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлим, бўлинма, гуруҳ инспекторлари», «Жазоларни ижро этиш инспекциялари» ҳамда ҳудудий милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонуности ҳужжатларида белгиланган тартибга кўра ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширадилар.

Умумий мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси икки йўналишда ташкил этилади:

*биринчиси*, жиноят содир этган, содир этишга мойил, ғайриижтимоий хулқ-атвор ва турмуш тарзига эга шахслар тоифасини камайтириб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган профилактика (ҳуқуқбузарликларнинг махсус криминологик профилактикаси);

*иккинчиси*, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифасини камайтириб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган профилактика (ҳуқуқбузарликларнинг махсус виқтимологик профилактикаси).

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда профилактика хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ушбу фаолият устидан доимий назорат, таҳлил иши ҳамда режалаштиришнинг ўз вақтида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси» деб номланган

4-бобига кўра, айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

– илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

– спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси.

Айнан шу ерда бир жиҳатга ойдинлик киритиш талаб этилади. Чунончи, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» деб номланган 5-бобига кўра, илгари судланган, спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи ҳамда вояга етмаганлар бир вақтнинг ўзида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объекти ҳам бўлиши мумкин.

Хўш, ушбу тоифадаги шахслар қачон якка тартибдаги ва қачон махсус профилактиканинг объекти саналади?

Қачонки, юқорида қайд этилган шахсларга индивидуал ёндашилса, улар билан якка тартибда суҳбат ўтказилса, уларга нисбатан профилактик ҳисоб ишлари юритилса ёки индивидуал тарзда профилактик таъсир кўрсатилса, демак, уларга ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объекти тариқасида ёндашилган ҳисобланади.

Агар ушбу тоифадаги шахсларга уларнинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, профилактик таъсир кўрсатиш чораларининг комплекс тизими ишлаб чиқилса ва муайян ҳудуддаги ушбу тоифага кирувчи барча шахсларга нисбатан тасдиқланган махсус комплекс режалар асосида профилактик чора-тадбирлар амалга оширилса, у ҳолда бу тоифа шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус профилактикаси объектлари саналади.

Қонунда илгари судланган шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги махсус профилактик чора-тадбирлари амалга оширилиши белгиланган:

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури бўйича юқоридагилардан ташқари бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар билан эса ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги махсус профилактик чора-тадбирлари амалга оширилиши белгиланган:

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлиши, улар истеъмол қилиниши, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш;

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ушбу тоифадаги шахслар билан бошқа махсус профилактик чора-тадбирлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бу борадаги муайян ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс тадбирлардан иборат бўлиб, ушбу йўналишдаги фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан белгиланади.

Мазкур фаолият билан бевосита ички ишлар органларининг одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари шуғулланадилар ва бошқа соҳавий хизматлар ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда, шунингдек бевосита ўзлари қуйидаги махсус профилактик чора-тадбирларни амалга оширадилар:

– муайян ҳудудда, маълум бир объектда, аниқ соҳа ва жабҳаларда одамлардан фойдаланиш билан боғлиқ ёхуд ахлоқ-одоб мезон ва меъёрларидан четга чиқиш, фуқароларнинг умумахлоқий фазилатларига салбий таъсир кўрсатиш каби ҳуқуқбузарликларнинг аниқ бир турларининг тарқалганлик даражаси, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг содир этилиш шакли ва усуллари тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар, умумлаштирадилар ва таҳлил қиладилар. Ушбу йўналишдаги аниқ ҳуқуқбузарлик турининг содир этилишига батамом йўл қўймайдиган ёки содир этилишига олиб келувчи омилларни, сабаб ва шарт-шароитларни имкон қадар камайтирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқадиладар ва амалга оширишда иштирок этадилар. Шу мақсадда турли теританосил ва ОИТС касаллигининг аҳоли орасида тарқалишига сабабчи бўлган фоҳишаларни, енгил-елпи, тартибсиз жинсий ҳаёт кечирувчиларни, турли исловоthоналар эгалари ва уларнинг мижозларини, бе-соқолбозлар ва игна орқали гиёҳвандлик моддаларини қабул қилувчи шахсларни, қимор ўйинлари иштирокчиларини аниқлаш бўйича махсус тадбирлар ўтказадилар, натижаларига кўра аниқланган ушбу тоифа шахсларни тиббий кўриқдан ўтишларини таъминлайдилар;

– муайян ҳуқуқбузарлик турининг содир этилишига олиб келувчи аниқланган омиллар, сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисида давлат бош-



қаруви органларига, корхона ва ташкилотлар, муассаса ва бирлашмалар раҳбариятига тақдимнома ва хабарномалар юборадилар;

– фаолият кўрсатиши аниқ ҳуқуқбузарлик турининг кўпайиши ва тарқалишига олиб келувчи корхона ва ташкилотлар, муассаса ва бирлашмалар фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки бутунлай тақиқлаш чораларини кўрадилар. Шу мақсадда: криминоген ва «хавфли гуруҳ»-га мансуб шахслар кўпроқ тўпланадиган жойларда, тунги кўнгилочар муассасаларда (дискотека, дискотклуб, караоке), бильярдхоналарда, кафе ва барларда, ресторан ва бошқа умумий овқатланиш жойларида махсус тадбирлар ўтказадилар, аниқланган ҳар бир қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тегишли ҳужжатларни тўплайдилар ва қонуний чораларни кўриш учун тегишли идораларга юборадилар; ҳаммом ва сауналар, «массаж»хоналар, караоке, оромгоҳ, санаторий ва профилакторий, дала ҳовли, меҳмонхона ва ётоқхоналар, ўз уйларини ижарага берувчи шахсларнинг фаолиятини қатъий тартибда назорат остига оладилар, уларда содир этилиши мумкин бўлган турли ноқонуний хатти-ҳаракатлар ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш юзасидан махсус тадбирлар ўтказиб борадилар, аниқланган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш чораларини кўрадилар; оммавий ахборот воситаларида (телевидение, матбуот ва радио) берилаётган турли реклама ва эълонларда баён этилган ҳолатларнинг ҳақиқий аҳволга мослигини текшириш юзасидан махсус тадбирлар ўтказадилар. Айниқса, турли хил массаж, уқалаш-даволаш масканларига таклиф этиш, чет мамлакатларга ишга юбориш билан боғлиқ эълонларга алоҳида эътибор қаратадилар;

– муайян тоифадаги ҳуқуқбузарларнинг, ноқонуний хатти-ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида тезкор-қидирув усулларида, имкониятларидан фойдаланадилар. Шу мақсадда ички ишлар идораларига кўмак беришни истовчи фуқаролардан ишончли шахсларни танлайдилар, уларга тегишли топшириқлар берадилар, олинган хабарлар асосида махсус тадбирларни ўтказадилар.

Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари хизмат вазифаларидан ва фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу йўналишда содир этилиши мумкин бўлган аниқ турдаги ёки аниқ бир жабҳада, маълум бир объектда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган махсус тадбирларни амалга оширадилар.

Мухтасар қилиб айтганда, гарчи қонун ва қонуности ҳужжатлари билан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик чора-тадбирлари

белгиланган бўлишига қарамасдан, профилактиканинг ушбу тури-нинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳамда амалга ошириш механизми тўлиқ белгиланмаган. Бу эса, келгусида ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, мавжуд қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда амалиётни методик таъминлаш зарурати-ни келтириб чиқаради.

## **2-§. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик фаолиятини ташкил этиш тартиби**

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари, қонуности ҳужжатлари ҳамда ИИВнинг тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ташкил этилади.

Ички ишлар органлари томонидан илгари судланган шахсларга нисбатан махсус профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилишига илгари судланган шахслар томонидан қайта жиноятлар содир этилиши ва рецидив жиноятларнинг кўпайиши асос бўлади.

Белгиланган шаклдаги ҳисоботларни тайёрлаш ва қилинган ишларни таҳлил қилиш жараёнида юқорида кўрсатилган салбий ҳолатларнинг аниқланиши, ўз навбатида, илгари судланган шахслар ўртасида яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик ва назорат ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлигига доир мантиқий хулоса чиқаришга замин яратади. Бу эса ички ишлар органлари томонидан илгари судланган шахсларга нисбатан махсус профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади.

Илгари судланган шахсларга нисбатан ички ишлар органлари томонидан ишлаб чиқиладиган махсус профилактик чора-тадбирлар режасига қуйидагиларни киритиш тавсия этилади:

– илгари судланган шахсларни аниқлаш ва уларнинг аниқ рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда уларни маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи илгари судланган ва маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушмайдиган илгари судланган шахслар тоифасига ажратган ҳолда профилактик ҳисобга олиш;

– маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи илгари судланганларнинг жамиятга зид турмуш тарзи кечираётганлигини аниқлаш;

– илгари судланган ва қайта жиноят содир этиб, қочиб юрган шахслар «қидирувини» ташкил этиш ва уларни ушлаш чораларини кўриш;

– маъмурий назоратда турувчи илгари судланган шахслар ўртасида «Назорат» махсус тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш;

– илгари судланган шахсларнинг жиноят содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар ўртасида «Ижро» махсус тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш;

– илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

– илгари судланган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича махсус комиссиялар, корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш ва уларга тавсияномалар киритиш.

Ички ишлар органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, бошқа соҳавий хизматлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасалар ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у муқаддам содир этган жиноят таснифи, турини ҳисобга олинган ҳолда самарали амалга ошириш учун илгари судланган шахслар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13, 34, 78, 79, 80-моддалари асосида тоифаларга ажратган ҳолда юритиш керак. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида маъмурий ҳудудларда махсус профилактик ишларни профилактика хизматининг ваколати доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш тавсия этилади.

Ҳудудий ички ишлар органлари махсус профилактикани ўтказиш режаси асосида белгиланган тадбирларни амалга оширишда жазони ижро этиш муассасалари, жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий кўникма маркази, ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссия ва фуқаролар йиғинлари билан, шунингдек бевосита соҳавий хизматлар ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Мазкур

ҳамкорликка доир тадбирлар махсус профилактикани ташкил этиш бўйича тасдиқланадиган режаларга киритилади.

Бу борада ҳамкорлик қуйидагилар билан амалга оширилади:

– ижтимоий реабилитация қилиш, ижтимоий мослаштириш ва ишга жойлаштириш бўйича ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, корхона, ташкилот ва муассасалар маъмурияти билан;

– илгари судланиб маъмурий назоратда турган шахслар ўртасида «Назорат», «Қидирув» махсус тадбири жараёнида тезкор хизмат, ППХ ва ЖТСБ, ХЧК ва ФР ходимлари билан;

– озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар ўртасида ўтказиладиган махсус профилактик тадбирлар, шу жумладан «Ижро» тадбири жараёнида жазони ижро этиш инспекцияси, корхона, ташкилот, муассасалар маъмурияти, суд органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан;

– вояга етмаганларни ўрта ва ўрта махсус таълим олишларини таъминлаш, бу жараёнда «Давомат» тадбирларини ташкил этишда таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ЁИХ, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан;

– вояга етмаганлар ўртасида «Ғамхўр», «Ойна», «Ўсмир» тадбирларини ўтказиш жараёнида «Камолот» ЁИХ, таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ППХ ва ЖТСБ, ЁХБ билан;

– мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда соҳавий хизмат ходимлари, прокуратура, соғлиқни сақлаш органлари, таълим муассасалари билан;

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратура, солиқ ва божхона органлари, соҳавий хизматлар ва жамоат тузилмалари билан.

### **3-§. Профилактика (катта) инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолиятини ташкил этиш**

Профилактика (катта) инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект ҳисобланади-

лар. Улар бу борада қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширадilar:

– бириктирилган маъмурий ҳудудда жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ички ишлар органи раҳбариятига таклифлар киритади;

– криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахсларнинг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ички ишлар органи раҳбариятига таклиф киритади;

– ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган «Анти-террор», «Арсенал», «Автопатруль», «Автобус», «Велосипед», «Дикқат пиёда», «Дикқат болалар», «Дикқат темир йўл», «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Ижро», «Маст ҳайдовчи», «Назорат», «Орият», «Ойна», «Паспорт-виза», «Спитамен», «Турмуш», «Тозалаш», «Трактор», «Устахона», «Қорадори», «Қидирув», «Ғамхўрлик», «Хонадон», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби махсус ҳамда тезкор профилактик тадбирларда иштирок этади ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик чора-тадбирларини ўзига берилган ваколат доирасида амалга оширади;

– бириктирилган маъмурий ҳудудда ИИВ ёки ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб ва талаблар асосида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ўтказиш ҳақида фуқаролар йиғинини хабардор қилади ҳамда ушбу тадбирларни амалга оширишга ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва иштирок этувчи орган ҳамда муассасалар ходимларини ҳам жалб этади;

– бириктирилган маъмурий ҳудудда илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ИИБ ва ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида «Назорат», «Ижро», «Тозалаш-Антитеррор» ва бошқа махсус ва тезкор профилактик тадбирлар доирасида амалга оширади;

– ИИБ ҲООББ ва унинг қуйи тизимлари томонидан ишлаб чиқилган жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир махсус тадбирларнинг бириктирилган ҳудудда амалга оширилишини таъминлайди. Ушбу тадбирларни амалга оширишда жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий кўникма маркази, ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссия ва фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик қилади;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари ташкил этаётган ташкилотлар фаолиятидаги ижобий натижалар ва салбий таъсир қилаётган омиллар ҳақида ички ишлар органининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматида белгиланган тартибда таклифлар киритиши мумкин.

Профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшаган ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни ички ишлар органининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан ишлаб чиқилган махсус тадбирлар, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан юборилган маълумотлар (*хабарномалар*) асосида соҳавий хизматлар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий кўникма маркази, ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссия, фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда амалга оширади.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича

чора-тадбирларни профилактика (катта) инспектори жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссия қарори, шунингдек ички ишлар органининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан ишлаб чиқилган махсус топшириқ, режалар ва бошқа бошқарув қарорлари асосида соҳавий хизматлар ва фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш идоралари томонидан тоифаларга ажратилган ҳолда шаҳар (туман) ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматига тақдим этилган рўйхат асосида спиртли ичимликка ружу қўйган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолатини, у содир этган ҳуқуқбузарлик турини ҳисобга олган ҳолда самарали амалга оширади.

Профилактика (катта) инспектори гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишини, уларнинг истеъмол қилинишини, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда ноқонуний айланиши (реализация қилиниши)нинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни ИИВ ҲООББ ва ЖК ва ТҚКББ ҳамда уларнинг қуйи органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус топшириқ, режа ҳамда бошқа турдаги бошқарув қарорлари асосида амалга оширади.

Маъмурий ҳудудда мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа-моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича махсус профилактика тадбирларини ҳудудий ички ишлар органи ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус режа, дастур ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ички ишлар органининг соҳавий хизматлари, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Профилактика (катта) инспектори маъмурий ҳудудда ҳудудий ички ишлар органининг жиноят қидирув ва уюшган жиноятчилик-

ка қарши курашиш хизмати, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ваколатли ходимлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши мумкин.

Мазкур иштироклар бириктирилган маъмурий ҳудуд бўйича амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси «Ўсмир», «Ғамхўрлик», «Ойна», «Орият» ва «Давомат» каби махсус ҳамда тезкор тадбирлар доирасида амалга оширилади.

Келтириб ўтилган тадбирлар махсус профилактиканинг мақсади, вазифаси ҳамда объектининг хусусияти билан белгиланади. Масалан, таълим муассасаларининг назоратсизлиги оқибатида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ҳолатлари аниқланганда ички ишлар органлари томонидан таълимни бошқариш ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Давомат» тадбири ўтказилиши мумкин бўлса, илгари судланганлар томонидан қайта жиноят содир этилиши оқибатида рецидив жиноятларнинг кўпайганлиги кузатилганда «Назорат», «Ижро» ва бошқа шу каби махсус профилактик чора-тадбирлар, терроризм ва диний экстремизмнинг хавфи кучайганда эса «Антитеррор» махсус профилактик тадбири ўтказилиши тақозо этилади.

#### **4-§. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар**

Мамлакатимизда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилингунга қадар ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қисман айрим қонунлар ва асосан ИИВнинг ички буйруқларида белгиланган тартиб ва қоидаларга асосланиб амалга оширилиб келинган.

Ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи муҳим аҳамият касб этади. Мазкур



буйруқ асосида ички ишлар органлари томонидан «Антитеррор», «Арсенал», «Автопатруль», «Автобус», «Велосипед», «Диққат пиёда», «Диққат болалар», «Диққат темир йўл», «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Ижро», «Маст хайдовчи», «Назорат», «Орият», «Ойна», «Паспорт-виза», «Спитамен», «Турмуш», «Тозалаш», «Трактор», «Устахона», «Қорадори», «Қидирув», «Ғамхўрлик», «Хонадон», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби махсус ҳамда тезкор профилактик тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши белгиланган.

Юқорида таъкидланганидек, «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши махсус профилактиканинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик фаолиятини айнан ушбу йўналишлар бўйича ўргансак, ўйлаймизка, мақсадга мувофиқ бўлади.

*Биринчиси*, илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишга шартнома асосида қамоқдан озод қилинган шахсларнинг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишга шартнома асосида қамоқдан озод қилинган шахсларнинг маъмурий назорати ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида маъмурий назоратга олинган илгари судланган шахслар ўртасида «Назорат» тадбирини ўтказиш ташкил этиб келинган.

*Иккинчиси*, спиртли ичимликка ружу қўйган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар. Профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда спиртли ичимликка ружу қўйган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига оид бошқа чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандликка, захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Аввал таъкидлаганимиздек, бу иллатга мубтало бўлган шахслар бемор деб тан олинади ва уларга

нисбатан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда касаллик ташхиси, тиббий хулосалар даволаш муассасалари томонидан қўйилади.

Мажбурий даволашга юбориш Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Сурункали алкоғолизм ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (1994 йил 27 декабрь) қўшма буйруғига биноан амалга оширилади. Бундан ташқари, гиёҳвандлик ва захарвандлик билан касалланган беморларни тиббий ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунининг 46-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Спиртли ичимликка ружу қўйган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари соғлиқни сақлаш идоралари томонидан тоифаларга ажратилган ҳолда шахар (туман) ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматига тақдим этилган рўйхат асосида ушбу шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилиқ ҳолати, у содир этган ҳуқуқбузарлик турини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади ва амалга оширилади.

«Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун спиртли ичимликка ружу қўйган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг асосий тушунчалар келтирилган 3-моддаси – **«Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси»**га алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ фуқаролар, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдидларнинг ҳамда бошқа таҳдидларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ҳамда бошқа чора-тадбирлар деб таъриф берилган.

Қонуннинг 4-моддасида алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий

таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

– фуқаролар соғлиғини сақлаш, уларни алкоголь, тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

– фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларнинг соғлиғига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда бундай таҳдидларни камайтиришга қаратилган профилактика, маърифий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш;

– алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш соҳасида давлат назоратини таъминлаш, шунингдек бундай маҳсулотларнинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, уларнинг салбий таъсири профилактикасига, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш;

– алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш;

– алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, шунингдек алкоголь ва тамакига қарамлик диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

– соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш ва уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган профилактика, маърифий тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг кенг иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш.

*Учинчиси*, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Дарҳақиқат, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда «назоратсиз» ёки «қаровсиз қолдирилган вояга етмаган» тушунчаларига изоҳ берилган, улар билан профилактик тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Ички ишлар органлари ушбу Қонуннинг 10-моддаси асосида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари жойлардаги ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари (гуруҳлари) ҳамда Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборат.

Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида «Ғамхўр», «Ойна», «Давомат» каби махсус профилактик тадбирлар ўтказилади.

#### IV. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ

##### 1-§. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, унинг мақсади, объектлари, усул ва шакллари

Маълумки, хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳар бир турининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Муайян бир турини амалга ошириш орқали эришиш мумкин бўлган натижага бошқасини амалга ошириб эришиш мушкул вазифа ҳисобланади. Бу хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳам тааллуқли.

*Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси* – хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури якка тартибдаги профилактика объектига (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, хуқуқбузарлик содир этишга мойил ва хуқуқбузарлик содир этган шахслар, шунингдек хуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар ёки хуқуқбузарликдан жабрланган шахслар) самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Хусусан, бу борада профилактика (катта) инспектори ўзига нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб борилаётган шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойи кабилар), маънавий-руҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши ҳамда ўрганиш натижалари асосида якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси виктимологик профилактика доирасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда асосий эътибор хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли

(виктимлиги) юқори бўлган ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга қаратилади.

Умуман олганда, ҳуқуқбузарликларнинг якка ва умумий тартибдаги профилактикаси профилактик таъсир кўрсатиш объектининг бир ёки бир гуруҳ шахслар ташкил этиши билан фарқланади. Бошқача айтганда, якка тартибдаги профилактикада муайян шахсга, умумий тартибдаги профилактикада эса бир неча (ўнлаб, юзлаб, минглаб) шахсларга профилактик таъсир кўрсатилади. Айнан мазкур жиҳатни эътиборга олган ҳолда якка ва умумий тартибдаги профилактик чоратадбирлар ўзига хос тарзда шакллантирилган.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, айрим ҳолларда бир гуруҳ шахслар ҳам ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объекти бўлиши мумкин. Аммо ушбу бир гуруҳ шахслар муайян бир бутун объектни ташкил этиши лозим. Бунга жанжалкаш оилаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилганларга асослансак, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларни ҳуқуқбузарликнинг қурбонига айланиш хавфининг мавжудлиги, хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан ўз фаолият йўналишлари ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда шахснинг ўзини, у яшаётган ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, ғайриижтимоий хулқ-атвори, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши шарт.

Вояга етмаганларга нисбатан якка тартибдаги профилактик ишлар профилактика (катта) инспекторлари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (катта) инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объектларини қуйидагилар ташкил этади:

- 1) ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар;
- 2) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар;
- 3) ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар;
- 4) ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар;
- 5) ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар;
- 6) ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганлар.

Шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи: қонуний никоҳсиз эр-хотин бўлиб яшаш, кўп қаватли уйларда яшаб, баланд овозда мусиқа оҳанглари эшитиб, қўшнилари тинчини бузиш ёки шундай оқибатни келтириб чиқарувчи бошқа машғулотлар билан шуғулланиш, оилада низоли ва жанжалли вазиятларни юзага келтириш, гиёҳвандлик ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш кабиларда;

- шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи ҳаракатлари: жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда юриш, жамоат жойида юрганда ёки ўтирганда писта чақиб ёхуд жамоатчилик фойдаланадиган йўл ва йўлакларни туфлаб (нос билан) ифлослантириш, гап ташиш, ғийбат қилиш, кишиларни уриштириб қўйиш каби ҳаракатларида;

- шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи ҳаракатсизлиги: асосли сабаб бўлмасдан жамоат транспортларида қарияларга, ногиронларга ёки ҳомиладор аёлларга жой бермаслик ёки маҳаллада уюштирилдиган оммавий ҳашарларда иштирок этмаслик сингари ҳаракатсизликларда ифодаланиши мумкин.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар сифатида эътироф этилади:

- тажовузкор руҳий касаллар;
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганлар (хулқ-атвори тузалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга муҳтож эмас деб топилиб, мазкур муассасаларда

бўлиши юзасидан суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин чиқарилган шахслар бундан мустасно);

- ҳеч қаерда ишламайдиган, ишёқмас, «текинтомоқ» фуқаролар;
- мустақил фикрга эга бўлмаган, бировларга кўр-кўрона эргашиб кетадиган ва диний фундаменталистик ғояларга берилувчан шахслар;
- давлатнинг олиб бораётган сиёсатига нисбатан асоссиз қарши фикр билдирувчилар;

- ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчилар;

- иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаганлиги учун жиноят иши тугатилганлар.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилганлар ҳуқуқбузарлик содир этмаган ёки содир этган бўлса-да, ҳуқуқбузарлик тариқасида ҳуқуқий баҳо берилмаган ёхуд содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича айбдорлиги исботланмаган, аммо ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахслар сифатида эътироф этиладилар.

*Ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар* маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этганлик бўйича иш юритувнинг муайян бир босқичида айбдор деб топилиб, ҳуқуқбузарликка оид иш тугатилган, шунингдек шу каби қилмиш учун жавобгарликка тортилиб, жазоланган шахслар.

*Ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларга:* маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (кўрқоқлар, журъатсизлар), ишонувчи, безътибор, мақтанчоқ (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), уришқоқ ва шу кабиларни киритиш мумкин.

*Ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахс* – ҳуқуқбузарлик оқибатида жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилган, яъни жабрланган шахс.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидаги каби якка тартибдаги профилактикаси ҳам *ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш* асосий усуллар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикасида *ишонтириш усули* ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш ҳамда огоҳлик ва ҳушёрликка чақиришнинг асосий усули.



Шахсининг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриижтимоий хулқ-атвор эканлигини, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш хавфининг мавжудлигини англаб етиш ва хавфсизлик чорларини кўриш ишонтиришдир.

Ишонтириш муайян ибратли ҳаракатлар (фаолият) ёки асосли, қимматли ва реал ҳаётга мос фикрлар орқали амалга оширилиши мумкин. Дарҳақиқат, ишонтириш усули соф тарбиявий-огоҳлантирув хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахсининг ҳуқуқларини асло чекламайди.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда асосий принциплардан бири сифатида «ишонтириш усулининг устуворлиги»нинг киритилиши мазкур усулнинг аҳамияти ва долзарблигини янада оширди. Бу эса ишонтириш усули ишлаб чиқиляётган ҳар бир профилактик чора-тадбирларда ва уларнинг амалга оширилишида ўз ифодасини топмоғи лозимлиги талабини кўяди.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига профилактик суҳбат, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларидаги муҳокама-лар, жамоатчи тарбиячилар ва жамоатчи мураббийлар томонидан профилактика қилинувчи шахсининг оталиққа олиниши, жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш, ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақида маълумот бериш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш кабиларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг «рағбатлантириш» усули айрим профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантира бошлаганларини эътироф этиш ҳамда шу муносабат билан имтиёз ёки имкониятлар бериш ёхуд фуқароларни ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланишга қизиқтириш, ундаш кабилардан иборат.

Рағбатлантириш профилактик таъсирнинг муҳим усулларидан бўлиб, шахсининг ижобий қарашларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Рағбатлантириш моддий, маънавий ёки ҳуқуқий бўлиши мумкин. Рағбатлантиришдан кўзланган асосий мақсад профилактика қилинаётган шахсининг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйишдан ва жинойий ниятларидан қайтаришдан иборат.

Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда намоён бўлади:

1) шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжудлигида муддатидан илгари профилактик ҳисобдан чиқариш;

2) шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжудлигида муддатидан илгари маъмурий назоратни ечиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш;

3) жиноят содир этган шахснинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиниб, шартли ҳукм қўллаш;

4) озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларни ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги учун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш;

5) ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги учун озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;

6) муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, шунингдек белгиланган муддатнинг камида ярми ўталган бўлса, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судья томонидан корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириш;

7) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштирган ва улардан самарали фойдаланган шахсларнинг ютуқларини жамоа олдида эътироф этиш;

8) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда оммалаштиришда фаол иштирок этган шахсларни моддий ёки маънавий жиҳатдан рағбатлантириш.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга мажбуран риоя қилдириш мақсадида «мажбурлаш» усули ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда кўринади:

▪ жазони ижро этиш муассасасидан жазо ўтаб қайтган маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи шахсни ахлоқан тузалиш йўлига ўтмасдан, ҳуқуқбузарлик содир этган ва жамиятга зид турмуш тарзини давом эттирган ҳолларда маъмурий назоратга олиш;

▪ маъмурий назорат остида бўла туриб, белгиланган муддатда тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибини бузаётган, фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган ёки ўзига нисбатан қўлланилаётган чеклашларга риоя этмаётган шахсларга нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтириш;

▪ жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган ёхуд аҳолининг осойишталиги, саломатлиги ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволашга юбориш чорасини қўллаш;

▪ бошқа таъсир чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорни ижро этиш мақсадида шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш;

▪ ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

▪ муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

▪ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мулкӣ зарарни ундириб олиш хусусидаги қисмини мажбурий ижро этиш ва бошқалар.

Юқорида келтириб ўтилганларнинг айримларида мажбурлаш усули ҳуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикасининг бошланғич чораси тариқасида намоён бўлса, баъзиларида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари ўз самарасини бермагач, қўлланиладиган охириги чора сифатида қаралади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари бир қатор шаклларда амалга оширилиб, улар ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси олиб борилаётган шахснинг маънавий-руҳий, ижтимоий-демографик ва биофизиологик белгиларидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг куч ва имкониятларидан, шунингдек якка тартибдаги профилактика олиб

борилаётган жой ва вазиятнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгилади ва амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ўта мураккаб жараён бўлиб, профилактикани олиб бораётган субъектдан психологик, педагогик, ҳуқуқий, этик ва эстетик соҳаларга доир комплекс билимлар мажмуига эгалликни талаб этади. Бундан ташқари, профилактик мулоқотга киришишда мантик, индукция ва дедукция, шунингдек анализ ва синтез каби усулларни қўллай олишга доир назарий билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги тақозо этилади.

Якка тартибдаги профилактика ҳам оғзаки, ёзма, кўрғазмали шаклларда бўлади.

*Оғзаки шаклда* амалга ошириладиган якка тартибдаги профилактика асосан профилактик суҳбат, савол-жавоб, якка тартибда профилактика олиб борилаётган шахсни жамоа олдида (ўқиш, иш ва яшаш жойида) муҳокама қилиш, тарбиявий ва психологик таъсир этиш мақсадида матнли аудио ёзувларни эшиттириш каби профилактик чора-тадбирларда намоён бўлади.

*Ёзма шаклда* олиб бориладиган якка тартибдаги профилактика расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, газета ва журналларда чоп этилган мақола, ҳикоя ва қиссаларни, шунингдек бадиий адабиётларни ўқишни тавсия қилиш кабилар асосида амалга оширилади.

*Кўрғазмали шаклда* ўтказиладиган чора-тадбирлар якка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш жараёнида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, кинофильмлар намойиш қилиш, хулоса чиқариш учун айрим жамиятга зид тарзда турмуш кечирган ёки аксинча ижтимоий ижобий хулқ-атвори билан юксак натижага эришган шахсларнинг ҳаёт тарзи ва яшаш шароити билан таништириш кабилар орқали фойдаланиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини олиб бориш жараёнига жиддий ёндашиш лозим. Айниқса, профилактик ҳисоб ишларини юритиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Бу борада ҳар бир профилактик ҳисоб иши бўйича ҳисобга олинган ҳамда маъмурий назоратга олинган шахснинг шахсини, хулқ-атворини обдон ўрганиш ва шу асосда якка тартибда профилактик ишларни ташкил этиш юзасидан индивидуал режа тузиш тавсия этилади. Тузиладиган режада амалга ошириладиган профилактик чора-тадбир аниқ кўрсатилиши, уни ўтказиш усули, шакли, жойи ва вақти аниқ белгиланиши талаб этилади.

Профилактика инспектори юритувида бўлган бир нечта профилактик ҳисоб ишлари ва маъмурий назоратда турган шахслар бўйича ишлаб чиқилган индивидуал режаларда белгиланган вазифаларни бажариш муддатига кўра кунлик иш режаларига киритиб боради ва бажарилишини таъминлайди.

Якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этиш жараёнини қуйидаги босқичларга ажратиб ўрганиш мумкин:

*Тайёргарлик босқичи.* Ушбу босқичда ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган, маъмурий назоратга ёки профилактик ҳисобга олинган шахс, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар ҳақида тўлиқ маълумотлар (ўқиш, иш, яшаш жойидан ёки унга нисбатан юритилган ҳуқуқбузарлик ишидан) йиғилади, якка тартибдаги профилактика иши бўйича индивидуал режа тузилади.

*Якка тартибдаги профилактика фаолиятини олиб бориш босқичи.* Бу босқичда қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган тартибда белгилаб олинган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади. Ушбу жараёнда вазият тақозоси билан белгилаб олинган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар ўзгартирилиши ёки қўшимча равишда профилактик чоралар ҳам қўлланилиши мумкин.

*Яқунловчи босқич.* Бу босқичда олиб борилган профилактик тадбирлар натижаси<sup>1</sup> таҳлил қилинади, муайян муддатда якка тартибда профилактика ўтказилган шахсга кўрилган профилактик чора қандай таъсир кўрсатганлиги ошқора ва ноошқора йўллар билан текширилади. Шундан сўнг якка тартибда профилактика амалга оширилаётган шахсга нисбатан олиб борилаётган ишларни қай йўсинда ташкил этиш масаласи ҳал этилади. Масалан, муддатидан илгари профилактик ҳисобдан чиқариш ёки маъмурий назорат муддатини узайтириш юзасидан тақдимнома киритиш ёхуд режага кўра якка тартибдаги профилактик ишларни давом эттириш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг усул ва шакллари, профилактик

---

<sup>1</sup> Олиб борилган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар натижаларини ҳар ойда, чоракда ёки ярим йилда таҳлил қилиб бориш ўзининг ижобий самарасини беради. Чунки шу орқали профилактиканинг бу тури бўйича белгилаб олинган усул, шакл ва воситаларга, шунингдек чора-тадбирларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имкони вужудга келади.

чора-тадбирлари мазкур фаолиятнинг мазмунини ташкил этади. Бу борадаги билимлар ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишини кафолатлайди.

## **2-§. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар тизими**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларга жиноят учун жазонинг муқаррарлигини аниқлаш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, аҳолига жиноят ва жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий хавфи, жиноят содир этиш усул ва воситалари ҳақидаги маълумотларни етказиб, ўзини ўзи ҳимоя қилишларига эришиш, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш билан бирга, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тuzатиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилинишида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасига доир энг мақбул чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари аниқ белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар:

- профилактик суҳбат;
- расмий огоҳлантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чора-тадбирлар орқали ҳам амалга оширилади.

Профилактик суҳбат шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайрииж-

тимой хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Профилактик суҳбатни жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги, паспорт-виза, назорат-лицензия, мулк ва объектларни қўриқлаш қоидаларига риоя қилиш устидан бевосита текширув ва назоратни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этишга жалб этилган ички ишлар органининг масъул вакили, шу жумладан профилактика (катта) инспектори ҳам амалга ошириши мумкин.

Профилактик суҳбатни амалга ошириш жараёнида суҳбат ўтказувчи ходим «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун»нинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари» номли 5-моддасида келтирилган «ишонтириш усулининг устуворлиги» принципига қатъий риоя қилиши шарт.

Профилактик суҳбат ички ишлар органларида, милиция таянч пунктларида, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактик суҳбатни амалга оширган ходим бу ҳақда ички ишлар органларида юритиладиган «Профилактика суҳбатини қайд этиш» китобига қайд этиши ҳамда келгусида жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этмаслик ҳолатларини давом эттирмаслик, акс ҳолда қонунда белгиланган маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши мумкинлигини тушунтириши лозим.

Шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб етса ва пушаймон бўлса, ходим профилактик суҳбат билан чегараланиши мумкин, аксинча, шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб етмаса ва пушаймон бўлмаса, у ҳолда шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

Ушбу ҳолатда шахс жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ёхуд ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс деб топилади ҳамда шу жойнинг ўзида ушбу шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарилади.

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади. Расмий огоҳлантириш бланкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган.

Расмий огоҳлантириш бланкаси қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланиб, серия ва рақамига эга бўлади ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан қўйи турувчи тизимлар учун марказлаштирилган ҳолда, белгиланган тартибда тайёрланади.

Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси (кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади) томонидан чиқарилади.

Ички ишлар органларида расмий огоҳлантиришни чиқариш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхати ИИВнинг тегишли буйруғи билан тасдиқланади.

Расмий огоҳлантириш масъул шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, олиб борилаётган профилактик тадбирлар жараёнида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади.

Расмий огоҳлантириш бланкасининг шакли икки, яъни фуқарога тақдим қилинадиган расмий огоҳлантириш ҳамда масъул шахсда қоладиган унинг қирқиб олинадиган қисмидан иборат бўлиб, расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганда унга барча ёзувлар қора ёки хаворанг сиёҳда, тушунарли қилиб ёзилиши талаб этилади.

Масъул шахс расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштираётган пайтда шахснинг ёнида унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, расмий огоҳлантириш бланкасининг тегишли графалари шахснинг сўзлари орқали тўлдирилади ва бланка расмийлаштиригандан сўнг масъул шахс уни имзолайди.



(ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ  
ОРГАН ЁКИ МУАССАСА НОМИ)

РАСМӢЙ ОГОҲЛАНТИРИШ

0000001

(серияси)

Фукаро \_\_\_\_\_ !

(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилади)

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг  
31-моддасига мувофиқ:

Сизга \_\_\_\_\_

(йўл қўйилган айриқистимовий ҳуққ-атвор байъ қилинади)

\_\_\_\_\_ келгусида давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида тушунтираман.

Сизни \_\_\_\_\_

(содиқ эътиқатлик учун жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик байъ этилади)

Учун

\_\_\_\_\_нинг \_\_\_\_\_-моддасига асосан

(қонун (кодекс) номи)

(модда рақами)

(қонунчилида назарда тутилган жавобгарлик чоралари (санкциялар) кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ шаклидаги жазо қўлланган ҳолда

\_\_\_\_\_ жавобгарлик ҳақида огоҳлантираман.

(жавобгарлик тури кўрсатилади)

(расмий огоҳлантириш чикарган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.)

(илмо)

Расмий огоҳлантириш эълон қилинган сана: 20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(ҳун)

(ой)

(ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ  
ОРГАН ЁКИ МУАССАСА НОМИ)

РАСМӢЙ ОГОҲЛАНТИРИШ

0000001

(серияси)

Мен, \_\_\_\_\_, томонидан

(расмий огоҳлантириш чикарган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.)

фукаро \_\_\_\_\_ га,

(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ да

(ҳун)

(ой)

(тутилган жойи)

туғилган, \_\_\_\_\_ манзилида яшайди,

шахснинг тасдиқловчи ҳужжат \_\_\_\_\_ томонидан берилган,

(серияси)

(рақами)

(ҳим ва қачон)

иш (ўкиш) жойи \_\_\_\_\_,

келгусида \_\_\_\_\_

(йўл қўйилган айриқистимовий ҳуққ-атвор байъ қилинади)

\_\_\_\_\_ давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида тушунтириш берилди.

(содиқ эътиқатлик учун жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик байъ этилади)

Учун

\_\_\_\_\_ -моддасига асосан

(қонун (кодекс) номи)

(модда рақами)

(қонунчилида назарда тутилган жавобгарлик чоралари (санкциялар) кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ шаклидаги жазо қўлланган ҳолда

\_\_\_\_\_ жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилди.

(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О. ва илмо)

Расмий огоҳлантириш эълон қилинган сана 20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(ҳун)

(ой)

(мансабдор шахснинг Ф.И.О.)

(илмо)

Расмий огоҳлантириш бланкасининг қирқиб олинадиган қисми расмий огоҳлантирилаётган шахс томонидан ҳам имзоланади, агар у имзо қўйишдан бош тортса, расмий огоҳлантириш бланкасига бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганидан сўнг расмий огоҳлантирилган шахсга берилади, унинг қирқиб олинадиган қисми масъул шахсда қолади.

Масъул шахс, расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида, у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига қуйидаги ҳолларда хабар қилиши керак:

– шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга эга эканлигини англаб етмаган ва қилган ишидан пушаймон бўлмаган ҳолларда;

– шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори унинг иш (ўқиш) жойидаги жамоага, шунингдек яшаб турган жойидаги маҳалла фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши ёки тарбияси ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда;

– шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликнинг шаклланишига туртки берган омил ёхуд шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этишига имкон берган шарт-шароит бевосита унинг иш (ўқиш) жойидаги жамоа ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг муносабати ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаракатсизлиги (бефарқлиги, лоқайдлиги) билан боғлиқ бўлган ҳолларда.

Эътиборли томони шундаки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш 23-моддадаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишдан мазмунан фарқ қилади.

Биринчи ҳолатда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаби ва шарт-шароитлари бевосита ғайриижтимоий хулқ-атворли шахс, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахснинг ўқиш, иш ёки яшаш жойидан биридаги муҳитга тўғридан-тўғри (бевосита) алоқадор бўлмаслиги мумкин. Ва айнан шунинг учун ҳам хабардор қилинувчи ғайриижтимоий хулқ-атворли шахс, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузар-

ликлар содир этган қўл остидаги ходим, назоратидаги ўқувчи ва маҳалла фуқаросининг жамоа муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади. Бу ҳолатда улар берилган хабар асосида ички имконияти ёки меҳнат келишувига биноан шартномани бекор қилиши, мураббий бириктириши ёки якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориши ёхуд бошқа ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

Тақдимномада эса тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга мажбурият юклатилиб, ҳуқуқбузарларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф қилишлари талаб этилади. Чунки ушбу сабаб ва шароитлар айнан уларнинг фаолиятидаги камчилик, хато ёки эътиборсизлик деб баҳоланади.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллайдилар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари педагогик, психологик, тиббий, ижтимоий (иш, ўқиш, яшаш жойи билан таъминланиши, оиласи ва яшаш жойидаги маҳалла аҳли билан киришиб кетишида ёрдамлашиш кабиларда), моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида якка тартибдаги профилактика иши ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматининг милиция таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари, одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси, гуруҳи (катта) инспекторлари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (катта) инспекторлари томонидан олиб борилади.

Профилактика (катта) инспектори томонидан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддаси талаблари

асосида қуйидаги шахсларга нисбатан профилактик ҳисоб иши юритилади:

1. Илгари судланиб, жиноий жазони ўтаган шахслар, маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно, яъни:

– суд томонидан ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазо тайинланиб, жазони тўлиқ ёки қисман ўтаган шахслар;

– тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинганлиги учун жазодан озод қилиб, айблов ҳукми чиқарилган шахслар;

– ҳукм эълон қилингунга қадар қамокда бўлган вақти ЖКнинг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки қамокни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб, суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлганлиги учун жазодан озод қилиниб, айблов ҳукми чиқарилган шахслар.

2. Суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар, яъни:

– содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинганлиги боис жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилган шахслар;

– жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетганлиги боис жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилган шахслар;

– ҳукм чиқариладиган вақтга келиб қилмиш ижтимоий хавфли-лигини йўқотган ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолганлиги боис жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилган шахслар (касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилинган шахслар);

– жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан тузалишига эришиш мумкин деб топилганлиги боис жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилган шахслар (шартли ҳукм қилинган, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси ва бошқ.);

– Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ, ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилинган шахслар.

3. «Жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига асосан тугатиш ёки реабилитация қилмайдиган асосларга кўра қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилган шахслар», яъни ЖПКнинг 84-моддасига асосан жиноят содир

этилишида айбдорлиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноят иши тугатилган қуйидаги шахслар:

– жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар;

– эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлганлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар;

– айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мавжудлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар;

– шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (*қарори*) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори мавжудлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар;

– иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаганлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар (ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

– ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жиноят иши тугатилган шахслар;

– ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилганлиги сабабли жиноят иши тугатилган шахслар.

4. Содир этган ижтимоий хавфли қилмиши юзасидан ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 1, 4–6-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар:

– жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар;

– айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мавжудлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар;

– шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (*қарори*) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори мавжудлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар;

– иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаганлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар (ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

5. Жиноят иши бўйича қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилган айбланувчилар, яъни:

– муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар;

– шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар;

– гаров эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар;

6) МЖтКнинг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165<sup>1</sup>, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 187, 188, 188<sup>1</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 201, 202, 202<sup>1</sup>, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар.

7) ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган шахслар (хулқ-атвори тuzалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга эҳтиёж йўқ деб топилиб, мазкур муассасалардан суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин чиқарилган шахслар бундан мустасно).

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддаси талаблари асосида шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун қуйидагилар асос бўлади:

– ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165<sup>1</sup>, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 187, 188, 188<sup>1</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 201, 202, 202<sup>1</sup>, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори (агар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ёки ҳарбий хизматчилар томонидан мазкур моддаларда кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, улар профилактик ҳисобга олинмайди, ходимга нисбатан интизомий чора кўриш учун унинг иш жойига ҳужжатни расмийлаштирган ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан хабарнома юборилади);

– ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;

– ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори;

– суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми;

– шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

– вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарори.

Шахсни профилактик ҳисобга олиш билан боғлиқ тартибни кейинги, яъни профилактика инспекторининг якка тартибдаги профилактик фаолияти билан боғлиқ параграфда батафсил кўриб чиқамиз.

Умуман олганда, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади. Агар шахс профилактик ҳисобга олинган давр мобайнида унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарлиги туфайли профилактик ҳисобга олишнинг янги асослари вужудга келса, уни профилактик ҳисобга олиш муддатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан амалга оширилади.

Шахс муайян асосларга кўра профилактик ҳисобга олингани каби уни профилактик ҳисобдан чиқариш учун ҳам маълум бир асослар юзага келиши талаб этилади. Мазкур асослар, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасида кўрсатилганидек, қуйидагиларни ташкил этади:

- профилактик ҳисобга олиш муддатининг тугаши;
- реабилитация қилувчи асосларга кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисида терговчи ёки прокурор томонидан қарор қабул қилиниши ёки суднинг оқлов ҳукмининг қонуний кучга кириши;
- суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукмининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг қонуний кучга кириши;
- қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши;
- шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;
- профилактик ҳисобда турган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда;
- профилактик ҳисобда турган шахснинг вафот этиши.

Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, уни ҳисобга олиш янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамият ахлоқига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги ҳамда маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур параграфда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ умумий тартиб-қоидаларни ёритишга ҳаракат қилинди.

Кейинги параграфлар айнан профилактика инспекторларининг якка тартибдаги профилактик фаолиятини ўрганишга бағишланади.

### **3-§. Профилактика (катта) инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби**

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини, юқорида таъкидланганидек, профилактик суҳбат, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чора-тадбирлар орқали амалга оширади.

Профилактика (катта) инспекторлари профилактик суҳбатни маъмурий ҳудудда хизмат олиб бориш вақтида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан уни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий



ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида амалга оширади.

Профилактик суҳбатни амалга ошириш жараёнида профилактика (катта) инспектори «ишонтириш усулининг устуворлиги», «таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибда ёндашиш» принципларига қатъий риоя қилиши керак.

«*Ишонтириш усулининг устуворлиги*» принципининг моҳияти билан аввалги параграфларимизда бевосита танишиб чиқдик, энди «таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш (дифференциация) ва якка тартибда ёндашиш (индивидуаллаштириш)» принципининг мазмун-моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш (дифференциация)да профилактик суҳбатни ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика олиб борилаётган шахсларнинг профилактик ҳисоб тури, жинси, ёши, касби (машғулоти тури), маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганлигига доир хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади. Масалан, профилактик суҳбат вояга етмаган ёки катта ёшдагиларга, маъмурий ёхуд жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганларга, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга нисбатан турлича амалга оширилади.

Якка тартибда ёндашиш (индивидуаллаштириш)да эса, профилактик суҳбат ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика олиб борилаётган шахсларнинг қизиқиши, характери, темпераменти, дунёқараши, жамиятга, ижтимоий муносабатларга, умуминсоний, миллий ёки диний қадриятларга бўлган муносабатига, орзу-истакларига асосланиб ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Профилактика (катта) инспектори профилактик суҳбатни ички ишлар органларининг таянч пунктида, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказиши мумкин.

Профилактика (катта) инспектори шахс билан профилактик суҳбатни амалга оширганда унга келгусида жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этмаслик ҳолатларини давом эттирмаслик, акс ҳолда қонунда белгиланган маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши мумкинлигини тушунтиради. Профилактик суҳбат жараёни ва натижаларини, умумий асосларга кўра, китобга қайд этиши тавсия этилади.

Агар шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб етса ва пушаймон бўлса, профилактика (катта) инспектори профилактик суҳбат билан чегараланади. Аксинча, шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб етмаса ва қилмишидан пушаймон бўлмаса, шунингдек профилактика (катта) инспектори аниқланган ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришга йўл қўйиб бўлмайди деб топса, у ҳолда шахсга нисбатан расмий огоҳлантиришни ҳам қўллаши мумкин.

Профилактика (катта) инспектори маъмурий ҳудудда хизмат ўташ жараёнида ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигининг моҳиятини англаб етмаган ва пушаймон бўлмаган, профилактик ҳисобга олинган ҳамда маъмурий назоратда турувчи шахсларни расмий огоҳлантириш учун намунавий шаклдаги бланкадан фойдаланади.

Бундан ташқари, профилактика (катта) инспектори ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида уларнинг иш (*ўқиш*) жойидаги иш берувчи (маъмурият)ни, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атвор ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллашда иштирок этади. Улар томонидан ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан педагогик, психологик, тиббий, ижтимоий (иш, ўқиш, яшаш жойи билан таъминланиши, оиласи ва яшаш жойидаги маҳалла аҳли билан киришиб кетиши кабиларда), ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларга таклифлар киритиш ва бу жараёнга мутахассисларни жалб этиш орқали амалга оширилади.

*Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш* – ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли,

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Мазкур тушунчага икки томондан, яъни ҳуқуқбузарлик жабрланувчиси ва ҳуқуқбузарлик содир этувчисига нисбатан реабилитация қилиш ва мослаштириш нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади.

Қонунда берилган тушунчага кўра, ҳуқуқбузарлик натижасида жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар кўрган шахс «ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи» ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчини «ижтимоий реабилитация қилиш» – жисмоний зарар кўрган шахснинг соғлиғини тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш орқали қайта тиклаш, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилган ҳолларда эса зарарни қоплаш асосида амалга оширилади.

Бу борада «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9, 10, 13-моддаларида ҳуқуқбузарликдан, хусусан одам савдосидан жабрланганни ижтимоий реабилитация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин.

«Ижтимоий мослаштириш» деганда, ҳуқуқбузарликлар натижасида оғир психологик жароҳат олган шахсларни оиласига, маҳалласига ёки умуман жамиятга мослаштириш каби чораларни мисол тариқасида келтириш мумкин (Масалан, ишсизлик сабабли одам савдоси жиноятининг қурбони бўлган шахсларга иш ёки ўқишга жойлаштиришларида ёрдам бериш).

Ҳуқуқбузарга нисбатан «ижтимоий реабилитация қилиш» бевосита уни ахлоқан тузатиш ёки судланганлик ҳолатини олиб ташлаш сингари чораларда намоён бўлади.

«Ижтимоий мослаштириш» эса бевосита жазони ижро этиш муассасасидан жазо ўтаб қайтган шахсни ўқишга ёки ишга жойлаштириш, маълум муддатга уй-жой билан таъминлаш, ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан моддий, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий ёрдам бериш каби ҳолатларда ўз ифодасини топади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг тузалишини таъминлаш ва қайта ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан

ҳамкорликда амалга ошириладиган профилактик тадбирлар мажмуидан иборат профилактик ҳисоб юритилади.

Қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, «профилактик ҳисобга олиш» ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторлари томонидан, вояга етмаганларга ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиладаги ота-оналарга нисбатан эса ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (катта) инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ҳудудлар бириктирилган вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (катта) инспекторлари лавозими мавжуд бўлмаган ҳудудий ички ишлар органларида эса вояга етмаганларга ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиладаги ота-оналарга нисбатан профилактик ҳисоб профилактика (катта) инспекторлари томонидан юритилади.

Профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобга олинган шахслар билан яқка тартибда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда шахснинг ёши, жинси, руҳий ҳолати, ижтимоий аҳволи, маълумоти ва мутахассислиги, эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби шахсий хусусиятларини эътиборга олиши лозим.

Бундан ташқари, профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни манзилли (*муайян шахсга нисбатан*), ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у содир этган ҳуқуқбузарлик таснифи, турини ҳисобга олган ҳолда самарали амалга ошириш учун профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган бундай шахсларни Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар объектларидан келиб чиқиб, тоифаларга ажратган ҳолда уларга нисбатан ҳисоб профилактика ишларини, шунингдек улар билан олиб борилган профилактик ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни юритади.

Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилиб, битта ҳисоб профилактика иши юритилади ва ҳар бир тоифа алоҳида кўрсатилади.

Турли сабабларга кўра яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган ва қайтиб келган шахслар аниқланиб, ҳар бири бўйича «Узоқ муддат-

га кетган шахс ҳақида маълумот» варақаси тўлдирилиб, тезкор хизматларга тақдим этиб борилади.

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун профилактика (катта) инспектори шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида шаҳар, туман ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактика (катта) инспектори томонидан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахсга келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларга нисбатан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарорда профилактика (катта) инспекторининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, қарор чиқарилган сана ва жой, профилактик ҳисобга олинаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар (*фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш, иш, ўқиш жойи*) ва профилактик ҳисобга қўйиш асослари кўрсатилади. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни чиқарган профилактика (катта) инспектори томонидан имзоланади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак. Қарор эълон қилинганда шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд қилинади.

Шахснинг хулқ-атворини назорат қилиш ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш мақсадида шахсни профилактик ҳисобга қўйган профилактика (катта) инспектори томонидан ҳисоб профилактика иши юритилади ва ички ишлар органи раҳбари томонидан тезкор, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда заруратга қараб бошқа соҳавий хизматларга аниқ топшириқлар берилади. Профилактика иши ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш хизматида юритиладиган «Ҳисоб профилактика ишини қайд этиш» китобига қайд этилиб, унга тартиб рақами берилади.

Ҳисоб профилактика ишида шахс ҳақидаги умумий маълумотлар, ҳисобга олиш ҳақидаги қарор ва асослар, яшаш шароитининг ўрганиб чиқилганлиги, унга нисбатан олиб борилаётган профилактик-назорат ишлари ёзиб борилади. Шунингдек, бу борада тўпланган ҳужжатлар хронологик ва тизимли равишда рўйхатга киритилиб, тикиб борилади.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб келган шахсларнинг ҳисоб профилактика ишида жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома нусхаси, ишга жойлаштириш тўғрисидаги шахар-туман меҳнат бўлимларига, ҳаётга мослашишлари учун дастлабки ёрдам кўрсатиш мақсадида жойлардаги ижтимоий кўникма марказлари ва махсус комиссияларга юборилган хатларнинг нусхалари, келгусида ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги тўғрисида расмий огоҳлантириш ҳужжати, Ахборот маркази ва манзил-маълумотлар бюросининг маълумотлари, яқин қариндошлари ва жиноий алоқалари чизмаси, бармоқ изларининг «Сонда» базасига киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома, шунингдек яшаш ва иш жойидан тавсифнома, мураббий бириктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, доимий ёки вақтинчалик яшаш жойининг текширилганлиги ҳақидаги профилактика инспектори ёки бошқа соҳавий хизмат ходимларининг билдиргилари жамлаб борилади (бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди).

Профилактик ҳисобда турган шахслар рўйхати ички ишлар органи навбатчилик қисмидаги компьютернинг алоҳида файлида сақланади ва ушбу маълумотлардан хизматда фойдаланилади. Рўйхат ҳисобот ойининг якуни бўйича ички ишлар органи ҳисобни қайд этиш инспектори томонидан Ахборот марказидан олинган маълумотлар асосида янгилаб борилади.

Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади.

Агар шахс профилактик ҳисобга олинган даврда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмда назарда тутилган янги асослар вужудга келса, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан амалга оширилади.

Профилактик ҳисоб ишларининг юритилиши ички ишлар органи бошлиғи, унинг профилактика хизматига раҳбарлик қилувчи ўрин-

босари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиғи томонидан йилнинг ҳар чорагида камида бир марта текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этиб борилади.

Профилактика (катта) инспектори томонидан профилактик ҳисобда турган шахс билан йил давомида профилактик иш олиб борилади ҳамда унинг фаолиятини иш (ўқиш) ва яшаш жойида назорат қилиб турилиши таъминланади.

Профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқарилади:

- профилактик ҳисобга олиш муддатининг тугаши;
- реабилитация қилувчи асосларга кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисида терговчи ёки прокурор томонидан қарор қабул қилиниши ёки суднинг оқлов ҳукмининг қонуний кучга кириши;
- суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукмининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг қонуний кучга кириши;
- қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши;
- шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;
- профилактик ҳисобда турган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда;
- профилактик ҳисобда турган шахснинг вафот этиши.

Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, унга нисбатан ҳисоб профилактика иши кўчиб борган жойдаги ички ишлар органига юборилади ва у ерда ҳисобга қўйилиб, яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади. Бунинг учун ҳисоб профилактика ишини юритаётган профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобда турган шахснинг ўзгарган доимий яшаш жойини аниқлаб, ҳисоб профилактика ишини ушбу манзилга юбориш тўғрисида қарор қабул қилади ва ички ишлар органи бошлиғига тасдиқлатади. Шундан сўнг ички ишлар органи бошлиғи номидан хат тайёрлаб, котибият орқали профилактик ҳисобда турган шахснинг янги доимий яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар органига юборади.

Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланган кундан кучга киради

ва уч кун ичида профилактик ҳисобдан чиқарилган шахсга эълон қилинади.

Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Профилактик ҳисобда турган ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир сутка ичида профилактика (катта) инспектори ушбу шахс жазо ўтаётган муассасани аниқлаш бўйича сўровномани Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББга, Вазирлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда, юборади. Профилактика (катта) инспектори сўровномага жавоб келиб тушган кундан бир суткадан кечиктирмай профилактик ҳисобда турган шахсга нисбатан тўпланган материалларни тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборади.

Профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисоб ишини юритишда қуйидагиларни амалга оширади:

– профилактик ҳисобга олинган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатларини давом эттирмаслик ҳақида огоҳлантиради;

– профилактик ҳисобга олинган шахсни иш (ўқиш) ва яшаш жойидан текширади, унинг хулқ-атвори ҳақида маълумот олади;

– жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишга оила-си, шунингдек жамиятга мослашишида кўмак беради;

– профилактик ҳисобга олинган шахснинг ўқиш ёки ишга жойлаштирилишида, шунингдек вақтинча яшаш жойи билан таъминланишида, ижтимоий ҳаётга мослашиши учун моддий кўмак олишида ёрдам кўрсатади;

– профилактик ҳисобдаги шахслардан ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантира бошлаганларини рағбатлантириш ёки аксинча, ғайриижтимоий ҳаракатларини давом эттираётган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда мажбурлаш чораларини қўллайди.

Ҳисоб профилактика ишини юритаётган профилактика (катта) инспектори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиғи номидан ёки шахсан ўзи профилактик ҳисобга олинган



шахсга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда кўмак беришни сўраб тегишли давлат органларига, корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жамоат тузилмаларига мурожаат қилиш;

– профилактик ҳисобга олинган шахсни яшаш ва иш (ўқиш) жойидан соат 06.00дан 22.00гача хулқ-атворини, ҳаёт тарзини ва атрофидагиларга муносабатини кузатиш, ўрганиш, сўраб-суриштириш ҳамда назорат қилиш;

– ғайриижтимоий хулқ-атворини намоён этиб, ҳуқуқбузарлик содир этишни давом эттираётган ва тузалиш йўлига ўтмаган шахслар масаласини унинг яшаш ва иш (ўқиш) жойида муҳокама қилиш учун йиғилиш кун тартибига қўйиш ташаббуси билан чиқиш;

– шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлганда шахсни муддатидан илгари профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ички ишлар органи бошлиғига таклиф билан чиқиш;

– ҳисоб профилактика ишларини юритиш чоғида бошқа орган, муассаса ва жамоат тузилмаси билан амалга ошириладиган ҳамкорлик масалаларига доир муаммолар юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгашга мурожаат қилиш.

Ҳисоб профилактика ишини юритаётган профилактика хизмати ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ҳисоб профилактика ишини юритаётган профилактика (катта) инспектори зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

– профилактик ҳисобга олинган шахс билан ишлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ички ишлар вазирининг идоравий меъёрий ҳужжатлари талабларига, хусусан ҳуқуқбузарлик профилактикасининг асосий принципларига тўлиқ риоя этиш;

– профилактик ҳисобда турган шахснинг хулқ-атворини тезкор-профилактик кузатувга олиш ҳамда унинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирларни белгилаш ва шу асосда профилактик таъсир этиш усул ва шакллари танлаш, шунингдек қўллаш;

– профилактик ҳисобга олинган шахсга яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларнинг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, ўзига нисбатан юритилаётган профилактик ҳисоб ҳужжатлари

билан таништириш, юридик ёрдам кўрсатиш, шунингдек ижтимоий ва моддий жиҳатдан (иш, ўқиш, яшаш жойи билан таъминланиши, оиласи ва яшаш жойидаги маҳалла аҳли билан киришиб кетиши кабиларда) ёрдам бериш чораларини кўриш;

– юқори турувчи орган, мансабдор шахс ҳамда мувофиқлаштирувчи кенгашнинг сўровига биноан профилактик ҳисоб ишларини тақдим этиш, шунингдек уларнинг профилактик ҳисобга олинган шахсга нисбатан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан берган буйруқ, кўрсатма, топшириқ ва қарорларини тўлиқ ва ўз вақтида ижро этиш.

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришлари мумкин.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахс қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

– ўзига нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билишга;

– ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишга;

– илтимослар қилишга;

– юридик ёрдам олишга;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахс ушбу чора-тадбирларнинг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билишга ҳақлидир. Якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларининг асослари деганда, шахсга якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини қўллаш лозимлигини ўзида ифодаловчи ҳолатлар, фактик маълумотлар ва ҳужжатлар тушунилади. Бу ҳақда маълумотга эга бўлган шахс нима сабабдан унга нисбатан ушбу чора-тадбир қўлланилаётганини тушунади ва англаб етади.

Якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларининг ҳуқуқий оқибатлари – процессуал ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида шахсга якка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари қўлланилгач,

унинг қандай ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатлари чекланишини белгиловчи ҳолатлар. Бунда шахс ўзига нисбатан қўлланилаётган яқка тартибдаги профилактик чора-тадбир қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришини (масалан, маъмурий назорат даврида куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишнинг, туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишнинг, ички ишлар идораларининг рухсатсиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишнинг тақиқланишини ёки рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органларига келиб учрашиш мажбурияти юкланаётганлигини) англайди.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари қўлланилаётган шахс ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар (содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий хулқ-атвори намоён этувчи ҳолат юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар (тушунтириш хати, далолатнома, хулоса, бошлиқ номига ёзилган билдирги, тақдимнома, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисидаги хабарнома кабилар), профилактик ҳисоб иши, маъмурий назорат иши, жиноят иши материаллари) билан танишиш ҳуқуқига эга.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасаларга моддий, тиббий, психологик ва юридик ёрдам, шунингдек ишга, ўқишга жойлашишда ҳамда уй-жойларда вақтинча яшаб туришда кўмаклашишни сўраб илтимослар қилиши мумкин. Илтимосни қабул қилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса илтимосни қаноатлантириши ёки асослантирилган тарзда рад этиши талаб этилади.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар, «Адвокатура тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар олиш мақсадида адвокатурага мурожаат қилишга ҳақли. Уларнинг юридик ёрдам сўраб қиладиган мурожаати конституциявий ҳуқуқлардан бири бўлиб, шахс ушланган, ҳибсга олинган ёки унга айб қўйилган вақтдан эътиборан адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларда судга ноқонуний ҳибсга олиш ёки ноқонуний равишда профилактик ҳисобга

олинганлик устидан шикоят қилиш, ўзига ва ўз яқинларига қарши гувоҳлик бермаслик, айбсизлик презумпцияси, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарни ундириб олиш кабилар юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Адвокатлик тузилмалари фуқаролар ва юридик шахсларга пул маблағлари (даромадлар) ҳисобига юридик ёрдам кўрсатадилар. Адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар (шартномалар) адвокатлар ҳайъатида адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузилади ҳамда адвокатлар ҳайъати ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзига нисбатан профилактика чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Электрон ҳуқумат тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунларида белгиланган шакл, усул ва тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишга ҳақли.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахс ҳисоб профилактика ишини юритаётган профилактика (катта) инспекторининг қонуний талабларини бажариши шарт. Акс ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади. Масалан, якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларидан бири сифатида маъмурий назоратга олинган шахс маъмурий назорат қоидаларини бузса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (205, 206-м.) талаблари асосида, борди-ю бу қилмиш бир йил давомида такрор содир этилса, у ҳолда Жиноят кодекси (226-м.)да белгиланган жавобгарлик юзага келади.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин. Демак, ўзига

нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар бошқа қонунлар ва қонун-ости ҳужжатлари (Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар ва қўмиталарнинг ҳуқуқий ҳужжатлари) асосида бошқа ҳуқуқлар, шунингдек мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

Буни Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги, «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ҳамда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида»ги низом, «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқлари мисолида кўриш мумкин.

Профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобдан чиқарилган шахслар рўйхатини ички ишлар органларининг таянч пунктлари маълумотлар базасида шакллантириб боради, шахс ушбу рўйхатда, Жиноят кодексининг 78-моддасига асосан, судланганлик муддати тугагунга қадар туради. Мазкур рўйхатдаги маълумотлардан профилактика (катта) инспектори маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фойдаланади.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасида назарда тутилган асослар бўйича шахс профилактик ҳисобдан чиқарилганда бу ҳақда ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан юритиладиган махсус китобда ёзиб қўйилади.

Шахс профилактик ҳисобдан чиқарилгандан сўнг ҳисоб профилактика иши ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган

тартибда ички ишлар органларининг таянч пункти архивида икки йил давомида сақланади ва муддат тугагач, далолатнома асосида йўқ қилинади.

Ҳисоб профилактика иши йўқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва беш йил давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати архивида сақланади.

Профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобга олинган, шунингдек расмий огоҳлантирилган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка чалинган шахснинг яқин қариндошлари аризаси ёки фуқаролар йиғини мурожаати ҳамда ушбу касалликка чалинганлиги ҳақидаги тиббий хулосага асосан, Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжатларини расмийлаштиради ва тўпланган ҳужжатларни шахсни мажбурий даволашга юбориш масаласини ҳал қилиш учун судга тақдим этади.

Профилактика (катта) инспектори Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илгари судланган шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш (*узайтириш*) учун ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда тўпланган материалларни маъмурий назорат ўрнатиш (*узайтириш*) масаласини ҳал қилиш учун судга тақдим этади, шунингдек суднинг маъмурий назорат ўрнатиш (*узайтириш*) тўғрисидаги қарорига асосан маъмурий назоратни амалга оширади.

Профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобга олинган маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи шахслар, расмий огоҳлантирилишига қарамасдан, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига тажовуз қилаётган ҳолларда, ИИВнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, уларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисида жинойт ишлари бўйича шаҳар-туман судига ИИБ бошлиғи номидан асослантирилган тақдимнома киритади.

Профилактика (катта) инспектори томонидан суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарори асосида маъмурий назорат ўрнатишган шахсга нисбатан маъмурий назорат йиғмажилди юритилади.

Маъмурий назорат йиғмажилдида қуйидаги ҳужжатлар жамлаб борилади:

– суднинг маъмурий назорат ўрнатиш (*узайтириш*) тўғрисидаги қарори;

– жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ёки суд ҳукмининг нусхаси (ксерокопия);

– профилактика (катта) инспектори ташаббуси билан маъмурий назорат ўрнатиш учун асос бўлган ҳужжатлар;

– назоратда турувчи шахснинг фуқаролик паспорти нусхаси;

– профилактика (катта) инспекторининг шахсга нисбатан маъмурий назоратни амалга ошириш тўғрисида ёзган билдиргиси (ички ишлар органи бошлиғининг сипориши билан);

– келгусида ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги тўғрисида огоҳлантириш;

– Ахборот маркази ва манзил-маълумотлар идорасининг маълумоти;

– яшаш ва иш жойидан маълумотнома ҳамда тавсифнома;

– маъмурий назоратда турган шахснинг фотосурати;

– яқин қариндошлари тўғрисида маълумот ва қариндошлик алоқалари чизмаси;

– бармоқ изларининг «Сонда» маълумотлар базасида мавжудлигини текшириб кўриш ва киритилмаган бўлса киритиш, маъмурий назоратда турган шахснинг бармоқ изи олинган бланка юборилаётганлиги тўғрисидаги хатнинг нусхаси;

– иш жойидан маълумотнома;

– иш ёки яшаш жойидан мураббий бириктирилганлиги тўғрисидаги йиғилиш баённомаси (нусхаси);

– суд томонидан белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтиш варақаси (тегишли белгилари билан);

– маъмурий назоратда турган шахсни суд томонидан белгиланган чеклашларга риоя этишини доимий яшаш жойидан текширилганлиги тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар (билдиргилар, тушунтириш хатлари, маълумотномалар).

Маъмурий назоратни тўхтатиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган асослардан бири мавжуд бўлганда ички ишлар органи бошлиғи томонидан қарор чиқарилади ва маъмурий назоратда турган шахс шу куннинг ўзида қарор билан таништирилади.

Маъмурий назорат муддати тугагандан сўнг маъмурий назорат йиғмажилди уч йил давомида ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати архивида сақланади ва муддат тугагач, далолатнома асосида (*қирқинч ёки ёқинч йўли билан*) йўқ қилинади.

Маъмурий назорат йиғмажилди йўқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган

тартибда тузилиб, ички ишлар органининг таянч пункти архивида беш йил давомида сақланади.

Профилактика (катта) инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш даврида юқоридагилардан ташқари қонун билан тақиқланмаган бошқа профилактик чора-тадбирларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

#### **4-§. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Маълумки, жиноят ва жиноятчилик ҳар қандай даврда ва жамиятда шахс, давлат ҳамда жамият хавфсизлигига жиддий салбий таъсир кўрсатганлиги, манфаатларига путур етказганлиги боис унга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири саналиб келинган. Бироқ, ҳар бир давлат бу сиёсатни ўзининг тузилиши, қонунчилик тизимига кўра турлича юргизган. Шу боис жиноят ва жиноятчи шахсига нисбатан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳам ўзига хос ҳар хилликка эга бўлиб, жиноятчиликка қарши курашиш асосан диний қоидалар ва давлат қонунларига таянган ҳолда белгиланган ва амалга оширилган.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам жиноятчиликка қарши курашнинг асосий воситаси сифатида жиноят содир қилган шахсга нисбатан оғир ва шафқатсиз жазо қўллаш эътироф этилган. Шу орқали шахсларда жазоланишга бўлган кўрқувни уйғотиш ва кўрқув таъсирида шахслар жиноят содир этишдан тийилишига эришилган. Айнан шунга ўхшаш ёндашув собиқ Иттифоқ давридаги тоталитар давлат тузумида ҳам ўзифодасини топган.

Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати тубдан ўзгарди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги иккинчи чақириқ VI сессиясида «Адолат – қонун устуворлигида» мавзусида қилган маърузасида «Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини



нечоғлик англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади», дея таъкидлаган эди.

Натижада давлатимиз ички ишлар органлари тизими, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида босқичма-босқич қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Умуман олганда, ҳуқуқбузар шахснинг жазонинг муқаррарлигини англашига яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар асосида эришиш имконияти катта. Яқка тартибдаги профилактик фаолиятда шахсга унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиб, педагогик ва психологик билимлар орқали ёндашиш билан самарали таъсир кўрсатиш мумкин.

Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари талабларига, шунингдек ИИВнинг идоравий меъёрий ҳужжатлари ва бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Айниқса, ИИВнинг тегишли буйруғи билан тасдиқланган «Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқнома» алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган қоидалар бевосита ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда ҳам бирламчи ҳуқуқий асос сифатида тан олинади. Хусусан, Конституцияда белгиланган «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас» (26-м.), «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказилиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас» (27-м.), «Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар

бундан мустаснодир» (28-м.), «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим» (29-м.), «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» (31-м.) каби қоидалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунида сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволашга юбориш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларида меҳнатга муқаррар жалб этиш орқали мажбурий даволаш тартиби, шунингдек бу борада ички ишлар органлари ва судларнинг вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонунида эса маъмурий назорат ўрнатиш асоси, тартиби ва шартлари, бу борада ички ишлар органлари ва судларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган.

Юқорида биз ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда ҳам якка тартибда ёндашиш мумкинлигини таъкидлаб ўтган эдик. Айнан мазкур изоҳдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ҳамда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларини ҳам якка тартибдаги профилактиканинг ҳуқуқий асоси тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Унда терроризм ва одам савдоси жиноятларидан жабр кўрган шахсларга ижтимоий, тиббий, психологик ёрдамлар кўрсатиш асослари ва тартиби ўз ифодасини топган. Шу ўринда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни ҳам эътироф этиш мумкин, чунки унда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳақида сўз юритилиб, улар билан ҳам индивидуал тарзда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни алоҳида ўринга эга. Қонуннинг 3-боби «Якка тартиб-

даги профилактика ишини ташкил этиш»га бағишланган бўлиб, унда ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб бориладиган шахсларнинг тоифалари, якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари, муддатлари, якка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этиш ва ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган шахсларнинг ҳуқуқларига оид масалалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси профилактиканинг бир тури сифатида эътироф этилиб, унинг тушунчаси, турлари, ўтказиш асослари, шартлари, талаблари ва тартиби кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази тўғрисидаги Низом» тасдиқланиб, унда реабилитация маркази фаолиятининг асосий тамойиллари, вазифалари ва функциялари, шунингдек фаолиятни ташкил этиш тартиби, марказнинг бошқарув органлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, марказни молиялаштириш манбалари ва мол-мулки, ҳисоб, ҳисобот ва назорат жараёнлари, одам савдоси жабрдийдалари тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинганлиги учун реабилитация маркази ходимларининг жавобгарлиги каби масалалар ўрин олган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан «Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқланган бўлиб, унда маъмурий жазога тортилган шахслар ҳисобини юритиш тартиби белгиланган. Ушбу норматив ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, у асосида ҳуқуқбузар шахсга нисбатан мажбурлов чорасини талаб даражасида қўллаш имконияти юзага келади. Аниқроқ айтганда, муайян бир шахснинг бир йил мобайнида икки марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик ҳолати аниқланганда, бу ҳолат шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликни белгилаётганда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади ёки айрим турдаги ҳуқуқбузарликнинг бир йил мобайнида иккинчи марта содир этилиши жиноий оқибатни келтириб чиқариб, шахсга мажбурлов чораларини тизимли

равишда кўллаш ва уни ахлоқан тузатишда муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор билан «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низом» тасдиқланган бўлиб, ундаги туман (шаҳар) комиссияларига «ички ишлар органи билан биргаликда озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ҳамда маҳкумни ҳукмда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун юбориш тўғрисида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш» ҳуқуқининг берилганлиги, шунингдек, вояга етмаганларни жойлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш борасида ички ишлар органлари билан биргаликда ва жамоатчиликнинг фаол иштирокида етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни; вояга етмаганларни ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларни; таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабсиз мунтазам бормайдиган вояга етмаганларни, шунингдек давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бошқа вояга етмаганларни аниқлаш ва ҳисобга қўйиш ҳамда уларни жойлаштириш чора-тадбирларини кўриш вазифаларининг юклатилганлиги ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

– комиссиянинг вояга етмаганлар ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилалар билан якка тартибда профилактика ишлари олиб боришни ташкил этиш борасидаги қарорининг ижросини таъминлашда;

– комиссиянинг хабарига асосан ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қабул қилинган таъсир кўрсатиш чораларининг кўрилиши юзасидан вояга етмаганнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойида якка тартибдаги профилактика ишларининг ўтказилишини таъминлашда;

– комиссиянинг мажлисга узрсиз сабаблар билан келишдан бош тортган иши кўрилаётган вояга етмаган, шунингдек унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни мажбурий келтириш юзасидан чиқарган қарорининг ижросини таъминлашда;

---

\* *Изоҳ:* Жойлаштириш шакллари қарорнинг 21-бандида батафсил ёритилган.

– ғайриижтимоий хулқ-атворда бўлган ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ишларини комиссияда кўриб чиқиш юзасидан комиссияга тақдимнома киритиш ва ҳоказоларда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисида низом» ва «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи тўғрисида низом» тасдиқланган. Ушбу Низомларда ихтисослаштирилган мактаб ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари фаолияти билан бир қаторда тарбияланувчиларни ихтисослаштирилган мактабга, шунингдек ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежига жойлаштириш ва у ердан чиқариш тартиби ҳам белгилаб берилган. Бу вояга етмаган шахслар билан яқка тартибдаги профилактик фаолиятни олиб бораётган ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ва профилактика (катта) инспекторларининг фаолияти билан бевосита алоқадор. Ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежига йўлланадиган ҳар бир вояга етмаганга нисбатан шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини расмийлаштириш, шунингдек ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежини ўзбошимчалик билан тарк этган тарбияланувчини топиш ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежига қайтариш чора-тадбирларини кўриш шулар жумласидандир.

Юқорида кўриб чиқилган қонун ва қонуности ҳужжатларга асосланиб ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ҳам ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасига доир фаолиятни тартибга солувчи бир қатор буйруқлар қабул қилинган. Хусусан, «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. Мазкур буйруқда қандай асосларга кўра қайси тоифадаги шахсларга нисбатан, кимларнинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги тақдимномаларига кўра ва ким томонидан маъмурий назорат ўрнатилиши, бу борада қандай ҳужжатлар расмийлаштирилиши, ўрнатиладиган чекловлар, маъмурий назоратга олинган ва маъмурий назоратни амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маъмурий назоратни амалга ошириш тартиби кабилар ўз ифодасини топган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида марказнинг асосий вазифалари, марказда якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этиш, вояга етмаганларни марказга жойлаштириш тартиби каби масалалар белгиланган.

Хуллас, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Зеро, профилактиканинг ушбу турида муайян шахснинг индивидуал жиҳатларини инобатга олган ҳолда ёндашилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жамиятнинг цивилизацион тараққиёти инсониятнинг маънавий-руҳий ва биофизиологик хусусиятларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бу эса келгусида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларини ҳам айнан шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиб, босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилишини талаб этади.

## V. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ

### 1-§. Виктимологик профилактика, унинг турлари, усул ва шакллари

Ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг бир бўлаги бўлган инсон ўзининг умри давомида тўлақонли турмуш кечириши учун табиат ва жамият томонидан берилган маънавий-руҳий, биофизиологик, моддий озуқалар билан озиқланади. Бу инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида, фаровон ҳаёт кечиришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бироқ, инсон мавжуд оламдаги яшаш даврида турли тўсиқ ва қийинчиликларга учрашга, бошқача қилиб айтганда, табиатан жабрланишга мойил ҳисобланади. Мазкур жабрланишдан ҳеч бир инсон холи ёки кафолатланган эмас. Айнан шунинг учун ҳам табиат ва жамиятнинг воқеа, ҳодиса ва жараёнларидан жабрланиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва белгилаш бутун дунё аҳлининг кўп йиллардан бери диққат марказидан ўрин олган масалаларидан бирига айланиб улгурган.

Этимологик нуқтаи назардан «виктимология» тушунчаси икки сўз бирикмасидан ҳосил бўлиб, латин тилида «victima» – жабрланган, қурбон; «logos» – таълимот, яъни жабрланувчи ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Шу боис «виктимология», ўз мазмунига кўра, нафақат жиноятчилик натижасида жабрланганларга етказилган зарарни ўрганайди, балки бахтсиз ҳодиса, табиий офат, уруш, геноцид, давлатнинг нотўғри сиёсати оқибатида юзага келган жабрланишларни ҳам ўз ичига олади.

Шунинг учун юридик адабиётлар ҳамда «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «Хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари»га бағишланган 6-моддаси ва «Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси» деб номланган 6-боби талаблари асосида «виктимология» тушунчаси қўлланилганда криминал виктимологияни назарда тутиш лозим. Чунки инсоннинг жабрланиб қолишининг олдини олишга доир профилактика соғлиқни сақлаш, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш каби соҳаларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолияти, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғ-

рисид»ги қонуннинг 3-моддасида «ҳуқуқбузарлик» тушунчасига «содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)» деб берилган таъриф доирасида, инсонларнинг маъмурий ёки жиноий қилмишлардан жабрланиши билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни комплекс тарзда ўрганишга ҳамда жабрланиш эҳтимолини максимал даражада камайтиришга йўналтирилади.

Бу борада виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтиришга ҳамда виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш, улардаги виктимлик даражасини пасайтириш ва уларнинг жиноий тажовузлар қурбони бўлиш хавфини камайтиришга қаратилган комплекс ҳимоя-тарбия чора-тадбирлари амалга оширилади. Эътиборли томони шундаки, виктимологик профилактикада ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолият ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсга эмас, балки ҳуқуқбузарликдан жабрланишга мойил бўлган шахсларга ҳамда улардаги бундай мойилликни шакллантирувчи омилларни бартараф этишга қаратилади.

Виктимологик профилактика нуқтаи назаридан виктим ҳолатларнинг юзага келишини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Зотан, айнан «виктимлик» тушунчаси назарияда ўзига хос равишда талқин этилганини кўриш мумкин. Жумладан, ўтган асрнинг охирларида Л.В. Франк берган таърифга кўра, у «одамнинг юқори даражадаги қодирлиги» ҳисобланади ва ўзига хос равишда, шахснинг ижтимоий тутган ўрни, жисмоний ва маънавий сифатларига кўра, маълум бир вазиятларда «жабрланувчи бўлиб қолишидир», яъни шахснинг у ёки бу вазиятдан чиқа олмаслиги виктимликни келтириб чиқаради.

Криминологик адабиётларда «виктимлик – инсоннинг жиноят қурбони бўлиш имконияти» дейлади. Бироқ, виктимликка имконият сифатида қараш мантиқан тўғри ёндашув ҳисобланмайди. Одатда, имкониятга инсоннинг астойдил истаб бирор-бир фаол хатти-ҳаракатни амалга ошириши ёки шу орқали натижага эришиш мумкинлигини таъминловчи шароит деб қаралади. Аммо ҳеч қандай шахс жиноятдан жабрланишни (моддий, маънавий, жисмоний) чин дилдан хоҳламайди. Шундай экан, криминал виктимлик «инсоннинг жиноят қурбони бўлиш имконияти» эмас, балки «инсоннинг жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати» деб тушунилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки шахс объектив ва субъектив омиллар таъсири остида жиноятдан жабрланиш эҳтимолига эга ҳолат ёки вазиятга тушиб қолади.



Виктимликнинг *айбли ва айбсиз* турлари ажратилади.

*Айбли виктимлик* потенциал қурбонинг салбий, ҳуқуқ ва ахлоқ нуқтаи назаридан номуносиб хулқидан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон берадиган омил ҳисобланади. Бунда, таъкидлаш керакки, айбли виктимликка нафақат фуқаро хулқининг ғайриқонунийлиги ёки ахлоққа зидлиги, балки у намоён этган турмушдаги оддий эҳтиётсизлик, эътиборсизлик, мулоҳазасизлик, енгилтаклик ҳам киради. Айбли виктимлик, масалан, йўл-транспорт ҳодисаларидан жабрланганларнинг каттагина қисмига хос.

*Айбсиз виктимлик* умуман ҳаётда ва, хусусан, жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоққа эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор, маҳалла посбони) меҳнат ёки жамоат фаолиятининг хусусияти билан ёки психофизиологик жиҳатлари (масалан, бола, қария, беморлиги кабилар) билан боғлиқ ҳолат ёки вазиятларда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиб қоладилар.

Шу ўринда виктимлик даражалари мавжудлигини ҳам билиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада виктимликнинг қуйидаги уч даражаси кўзга ташланади:

1) виктимлик даражаси кам бўлган шахслар – жисмонан бақувват, воқеликка тўғри ёндашувчи, танқидий фикрга эга ва бошқалар;

2) виктимлик даражаси ўртача бўлган шахслар – нейтрал шахслар, яъни ўзи низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чидай олмайдиган шахслар;

3) виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар – касби, ижтимоий мақоми, биофизиологик хусусияти, моддий аҳволи, маънавий-руҳий белгилари, характери кабилар билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ўзларининг шартнома, битим ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида аёллар, болалар, ногиронлар, қарияларни юқори виктимликка эга бўлганлиги учун оила-турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг ижтимоий мақомини алоҳида ажратиб кўрсатишган.

Виктимликнинг, келиб чиқиш манбаига кўра, объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Объектив омиллар: маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (кўрқоқлар, журъатсизлар). Субъектив омиллар: ишонувчилар, беътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), уришқоқлар.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини таҳлил қилиб, мавжуд виктимликнинг айбли ёки айбсизлигини аниқлаш, шунингдек виктимлик даражаларини билиш виктимологик профилактиканинг тури ҳамда профилактик таъсир кўрсатиш усул ва шаклларини мақсадга мувофиқ тарзда белгилаб олиш учун бевосита асос бўлиб хизмат қилади. Қуйида биз бу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «Асосий тушунчалар»га бағишланган 3-моддасида ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига «жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс» деб таъриф берилган. Қонундаги «ҳуқуқбузарлик» тушунчасига берилган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур ҳолатда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи деганда, ҳам маъмурий ва ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқӣ қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) натижасида жабрланган шахслар кўзда тутилмоқда.

Бинобарин, «жабрланувчи» тушунчасига берилган таъриф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 54-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Унга асосан, «етарлича далилларга асосланган ҳамда жиноят оқибатида моддий, маънавий, жисмоний зарар етказилган шахс» тушунилади.

Жабрланувчи тариқасида ишга жалб қилиш суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарори билан амалга оширилиб, суд жараёнида суднинг ҳал қилув қарори ёки судья қарори билан тамомланади. Агар жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд пайтида шахсга амалда моддий, маънавий ёки жисмоний зарар етказилган бўлса, у жабрланувчи сифатида эътироф этилади. Жиноий тажовуз натижасида ўлим содир бўлса, у ҳолда марҳумнинг яқинлари, қариндошлари жабрланувчи деб танилади ва улар жабрланувчига берилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Бироқ, «жабрланувчи» тушунчасига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида, жиноят-процессуал нуқтаи назардан фарқли равишда, ўзгача ёндашилади. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар билан ишлашда ҳар доим ҳам маълум бир процессуал ҳужжат асосида шахснинг жабрланувчи тариқасида эътироф этилиши талаб этилавермайди. Шахс юқори виктимлик ҳолатига эгами, демак у билан яқка тартибдаги виктимологик профилактикани ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланувчилар таҳлилини олиб бориш асосида умумий ёки махсус тартибдаги виктимологик профилактикани амалга оширилади. Бунинг учун эса, аввало, «виктимологик профилак-

тика» нима эканлигини, унинг мақсади, вазифалари, объекти, субъекти, турлари, усул ва шакллари мазмунан тушуниб олиш керак.

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддасида хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига «хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятдир», деб таъриф берилган. Демак, виктимологик профилактика хуқуқбузарликдан жабрланиш хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар комплексидан иборат.

Ушбу чора-тадбирларни белгилашда виктимологик профилактиканинг объектларини, уларнинг хусусиятлари ва белгиларини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Ички ишлар органлари фаолиятида криминал виктимологиянинг объектлари:

– нисбатан кўп содир этилаётган, шунингдек инсон хуқуқ ва эркинликларига, манфаатларига тажовуз қилаётган маъмурий хуқуқбузарликлар, уларни содир этиш жойи, вақти, усул ва воситалари;

– нисбатан кўп содир этилаётган, шунингдек инсон хуқуқ ва эркинликларига, манфаатларига тажовуз қилаётган ва ижтимоий хавфи катта бўлган жиноятлар, уларни содир этиш жойи, вақти, усул ва воситалари;

– назарда тутилган хуқуқбузарликлар натижасида жабрланаётган шахсларнинг тоифалари, ижтимоий демографик ва маънавий-руҳий белгилари;

– хуқуқбузарлик содир этилганига қадар бўлган даврда хуқуқбузар шахс ва жабрланувчи ўртасида мавжуд бўлган ижтимоий (яқин қариндошлик, қўшничилик, дўстона қабилар), хуқуқий (қонун билан белгиланган маълум бир хизмат ёки фаолиятга доир раҳбар, ходим, ҳамкасб), иқтисодий (қарздорлик, иқтисодий шерикчилик) ва бошқа шаклдаги муносабатлар;

– «виктимлик» тушунчаси (шахснинг хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати), унинг турлари (шахсларнинг назарда тутилган хуқуқбузарликлардан айбли ёки айбсизлик ҳолда жабрланганлиги), даражалари (виктимликнинг юқори, ўрта, паст даражадалиги);

– назарда тутилган хуқуқбузарликлар натижасида жабрланган шахсларнинг жабрланишига туртки берган сабаблар ва имконият яратган шароитлар;

- виктимологик профилактиканинг турлари, усул ва шакллари;
- виктимологик профилактик чора-тадбирлар;
- виктимологик профилактикани амалга ошириш йўналишлари;
- виктимологик профилактикани тартибга солувчи ҳуқуқий асослардан иборат.

Келтириб ўтилган объектларни ўрганмасдан виктимологик профилактикани самарали ташкил этиб бўлмайди.

Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширувчи субъектларни ҳам бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи соҳавий хизматлар сифатида икки гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматларга қуйидагилар киради:

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Тергов бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Жиноят қидируви ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция ва унинг жойлардаги тизимлари;

- Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари.

Юқорида қайд этилган субъектлар зиммасига қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, Ички ишлар вазирлигининг ички буйруқлари асосида фаолият йўналишлари билан бевосита алоқадор бўлган ҳолда виктимологик профилактикани амалга ошириш вазифалари юклатилган. Бу ҳақда қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда иштирок этувчи соҳавий хизматлар:

– Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ва унинг жойлардаги тизимлари;

– Ахборот маркази ва унинг жойлардаги тизимлари.

Ушбу соҳавий хизматлар ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини бевосита амалга оширмасалар-да, бироқ ушбу фаолиятни амалга оширишда уларни статистик маълумотлар билан таъминлаш, олиб бориладиган ҳуқуқий тарғиботларни мувофиқлаштириш, ишларни ташкил этиш билан кўмаклашадилар.

Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, таълим муассасалари ҳамда ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизматига бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва ҳудудий ички ишлар органлари раҳбариятининг буйруғи, фармойиши ва кўрсатмалари асосида иштирок этади.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда виктимологик профилактиканинг турлари, шакллари ва усуллари ҳақида алоҳида ёндашув мавжуд бўлмаса-да, аммо бу борада назарий қоидалар ишлаб чиқилган. Айнан шу қоидалар ва тартиблар асосида ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- умумий тартибдаги виктимологик профилактика;
- яқка тартибдаги виктимологик профилактика;
- махсус тартибдаги виктимологик профилактика;
- амалий кўринишга эга виктимологик профилактика.

*Умумий тартибдаги виктимологик профилактика* – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган, ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, шунингдек тарғибот-ташвиқот ишларини бир гуруҳ ёки оммага нисбатан ташкил этиш орқали жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолияти.

Қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида умумий тартибдаги виктимологик профилактик чора-тадбирларга ушбу йўналишга дахлдор бўлган давлат, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан иш юритувидаги ҳуқуқбузарлик (жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик) иши бўйича ҳуқуқбузарликлардан жабрланишнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш ҳамда фуқароларни маълум турдаги ҳуқуқбузарликлардан ёки муайян тоифадаги шахслардан жабрланиш хавфи мавжудлиги ҳақида огоҳлантириш, ҳушёрликка чақириш, бу борада ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишларини келтириш мумкин.

Умумий тартибдаги виктимологик профилактиканинг яна бир хусусияти шундаки, унда бир гуруҳ ёки оммага нисбатан виктимологик профилактик таъсир кўрсатилади. Бу оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета ва журнал), одамлар гавжум ва кўп тўпланадиган жойларда видео роликлар намойиш қилиш, ҳушёрликка, огоҳликка чақирувчи овозли матнли дискларни эшиттириш, плакатлар осиб қўйиш орқали фуқароларни мавжуд ёки эҳтимол тутилган хавф-хатардан хабардор қилиш ва ўзини ўз ҳимоя қилишга чақириш кабиларда намоён бўлади.

Республиканинг барча ҳудудларида ички ишлар органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида терроризмнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар умумий виктимологик профилактиканинг кўринишларидан биридир.

*Якка тартибдаги виктимологик профилактика* – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган, ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, шунингдек тарғибот-ташвиқот ишларини жабрланиш эҳтимоли юқори (юқори виктимликда) бўлган муайян шахсларга, айрим ҳолларда бир гуруҳ шахсларга нисбатан ташкил этиш орқали жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолияти.

Якка тартибдаги виктимологик профилактика қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

1. Ўзининг ижтимоий, моддий, жисмоний, руҳий ёки биофизиологик ҳолати билан ҳуқуқбузарликлардан юқори даражада жабрланиш эҳтимолига эга бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб хавфсизлик чораларини кўриш, виктимологик профилактик таъсир кўрсатиш (фуқароларнинг хонадонлари ёки юридик шахсларнинг бино ва иншоотларини марказий кўриқлаш пульти ёки кўриқлаш хизматлари ходимлари орқали кўриқланишини таъминлаш, хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш, қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш).

2. Муайян турдаги ҳуқуқбузарликдан маънавий-руҳий, жисмоний ва моддий зарар кўрган шахсларни ва етказилган зарар миқдорини аниқлаш ҳамда қоплаш чораларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланганнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш ёки ижтимоий мослаштириш ёхуд ижтимоий реабилитация қилиш чораларини кўриш.

3. Муайян турдаги ҳуқуқбузарликдан жабрланишнинг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, белгилаш ва амалга ошириш (ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равишда назорат қилиш, профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш кабилар)

*Махсус тартибдаги виктимологик профилактика* – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, виктимлиги юқори бўлган шахслар тоифасини аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти.

Виктимологик профилактиканинг ушбу тури бошқаларидан шуниси билан фарқ қиладики, бунда шахс, жамият ёки давлатга нисба-

тан бўладиган айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки уларнинг манфаатларига тажовуз қилувчи бошқа хатар ва таҳдидлар аниқланади ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан махсус тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади (буларга: «Диққат пиёда», «Диққат болалар», «Таътил», «Велосипед», «Диққат темир йўл» каби махсус тадбирларни келтириш мумкин).

*Амалий кўринишга эга виктимологик профилактика* ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг манфаатларига хавф солувчи хатарлар ва тажовузларни бартараф этишга қаратилган, асосан, хизмат кўрсатишда ифодаланадиган фаолияти.

Виктимологик профилактика мазкур турининг бошқаларидан фарқи шундаки, унда жисмоний ва юридик шахсларга ўзаро тузилган шартномаларга кўра тўлов асосида хизматлар кўрсатилади. Бунга ички ишлар органлари тизимида фаолият юритувчи кўриқлаш хизматлари ходимлари томонидан ёки марказий кўриқлаш пульти ёрдамида фуқароларнинг хонадонлари ёхуд юридик шахсларнинг бино ва иншоотларини кўриқланиши каби чора-тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ҳам, бошқа турлари каби, ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш усулларига эга.

Ишонтириш виктимологик профилактиканинг асосий усуллари-дан бири бўлиб, фуқароларга, хусусан, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш ҳамда уларни огоҳлик ва ҳушёрликка чақиришда ўз ифодасини топади. Хавф мавжудлигини англаб етиш ва хавфсизлик чорларини кўриш ишонтиришдир. Ишонтириш муайян ҳаракат ёки асосли, қимматли ва реал ҳаётга мос фикр орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий-огоҳлантирув хусусиятга эга бўлиб, профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига профилактик суҳбат, маърузалар, жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш, ҳужум қилинган тақдирда зарурий муҳофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш кабиларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини яна бир усули рағбатлантиришдир. Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда намоён бўлади:



1. Ҳуқуқбузарликдан жабрланишнинг олдини олиш ҳамда ҳимояланишнинг усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштирган ва улардан самарали фойдаланган шахсларнинг ютуқларини жамоа олдида эътироф этиш.

2. Ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда оммалаштиришда фаол иштирок этган шахсларни моддий ёки маънавий жиҳатдан рағбатлантириш.

3. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузганлиги ва уларнинг ишини ташкил этганлиги учун нодавлат нотижорат ташкилотларга давлат томонидан турли шаклдаги имтиёзлар бериш.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда мажбурлаш усули ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу усул:

1) ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчиларни ташишда хавфсизлик камаридан, шунингдек мотоцикл ҳайдовчиларнинг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги (МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисми);

2) транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши (МЖТКнинг 128<sup>1</sup>-моддаси);

3) транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш (МЖТКнинг 128<sup>2</sup>-моддаси);

4) транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш (МЖТКнинг 131-моддаси);

5) пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши (МЖТКнинг 183-моддаси);

6) ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 211-моддаси) ва бошқа шу каби ҳуқуқбузарлик профилактикасида қўлланилади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқбузарликлар турлари бўйича, гарчи шахс ҳуқуқбузар сифатида эътироф этилса-да, мажбурлов чораси сифатида санкцияни қўллаш белгиланган тартиб-қоида бузиш оқибатида шахснинг нафақат давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатига путур етказмаслиги, балки ўзининг хавфсизлиги таъминланиши мақсади ҳам ётади. Масалан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчиларни ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиши, шунингдек мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланишига доир қоидалар айнан ҳайдовчиларнинг ҳаёти ва соғлигини таъминлашга йўналтирилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси сингари виктимологик профилактиканинг ҳам оғзаки, ёзма ва кўрғазмали шакллари мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг куч ва имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади ва амалга оширилади.

*Оғзаки шаклда* амалга ошириладиган виктимологик профилактика асосан маъруза, суҳбат, савол-жавоб, аудио ёзувли эълон ва огоҳлантирув чақириқларини эшиттириш, радиода чиқишлар қилиш каби профилактик чора-тадбирларда намоён бўлади.

Келтириб ўтилган профилактик чора-тадбирларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни амалга ошириш масъулият билан ёндашишни талаб этади. Ҳар бир профилактик чора-тадбирни амалга оширишда тайёргарлик кўриш, бевосита амалга ошириш, натижаларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш каби босқичлар кетма-кетликда босиб ўтилиши керак.

Масалан, маъруза, одатда, бир гуруҳ шахсларга нисбатан амалга оширилади. Бунинг учун маърузага тайёргарлик кўриш босқичида қайси муаммоли масала (ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитлари, содир этилиш усули ва воситалари, ҳуқуқбузарлик ва ҳуқуқбузар шахсларнинг ижтимоий хавфлилиги, қайси тоифадаги шахслар асосан жабрланаётганлиги, жабрланиш сабаблари кабилар) аниқлаштириб олинади, маъруза ўқиладиган аудитория аъзолари (тингловчилар) чуқур ўрганилади ва уларнинг жинси, ёши, маълумоти, касби, эҳтиёж ва қизиқишлари ҳақида маълумотлар тўпланади. Шунингдек, аудиториянинг тингловчилар бўйича сиғими, жиҳозланиши, техник имкониятлари ўрганилади ва шу асосда маъруза жараёнида қандай усул ва воситалардан фойдаланиш олдиндан белгилаб олинади.

Маърузани бевосита ўтказиш босқичида, аввало, мотивация, яъни тингловчиларнинг маъруза эшитишга қизиқишини уйғотиш лозим. Шундан кейин маърузага доир маълумотларни, далил ва фактларни мантиқий кетма-кетликда тингловчилар ҳукмига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Маъруза жараёнида аудитория, яъни тингловчилар доимий назоратда бўлиши, уларнинг зерикишига йўл қўймаслик, имкони борича жонли алоқа ўрнатиш керак.

Маъруза давомида, шунингдек якунида маърузачи тингловчиларни қизиқтирган саволларига имкон қадар тўлиқ жавоб бериши, жавоб беришга вақт етмай қолганда эса саволларни ўзи билан бирга олиши ҳамда келгуси маърузаларга тайёргарлик кўриш жараёнида ушбу саволлар доирасида маърузаларни бойитиб бориши тавсия этилади.

Бозорларда ва бошқа савдо шохобчаларида нарса-буюмларнинг йўқолиши ва ўғирланиши ҳамда ёш болаларнинг йўқолиб қолишининг олдини олиш мақсадида фуқароларни доимий равишда огоҳликка чақириб турувчи аудио ёзувларни эшиттиришни йўлга қўйилиши ҳам яхши натижа беради.

Виктимологик профилактиканинг ёзма шакли, ўз мазмунига кўра, газета ва журналларда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳақида мақолалар, содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳикоя, қисса, очерклар чоп этиш, одамлар гавжум бўладиган жойларда ёзма эълонлар осииш, аниқланган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитлари, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш омиллари ҳақида фуқароларга огоҳлик ва хушёрликка чақиришга йўналтирилган хатлар юбориш кабиларда намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг кўргазмали шаклига телевидение орқали содир этилган ҳуқуқбузарликлар тафсилотлари асосида жабрланишнинг сабаб ва шароитлари ҳақида кўрсатувлар, кинофильмлар, видео роликлар тайёрлаб эфирга узатиш, театр кўринишларини сахналаштириш ва намоиш қилиш, аҳоли гавжум жойлар (масалан, автобус ва метро бекатларида, супермаркет ёки гипермаркетлар)да ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига эга плакатлар, эълонлар осииш, видео роликлар намоиш қилиш, учрашув, маъруза ўтказиш жараёнларида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш кабилар киради.

Шундай виктимологик профилактика тадбирлари борки, улар ҳам оғзаки, ҳам ёзма ва ҳам кўргазмали шаклда амалга оширилиши ва уларни аралаш шаклдаги виктимологик профилактика чора-тадбирлари деб ҳам аташ мумкин (масалан, маъруза ўқиш, якка тартибда суҳбат ўтказиш кабилар).

Хуллас, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси турлари, усул ва шакллари мазкур фаолиятнинг мазмунини ташкил этади. Бу борадаги билимлар ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишини кафолатлайди.

## **2-§. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси йўналишлари ва чора-тадбирлари тизими**

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда виктимологик профилактика биринчи маротаба ҳуқуқбузарликлар про-

филактикасининг бир тур сифатида эътироф этилган бўлса-да, бу борадаги ишлар аввалдан ички ишлар органлари фаолиятида бир қатор йўналишларда ташкил этилиб келинган. Бироқ, виктимология ва виктимологик профилактика фақатгина назарий асосга эга бўлиб, криминология фани доирасида ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар органларига мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ИИВ Академиясида «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти» мутахассислик йўналиши ташкил этилди ва мутахассислик фани тарикасида «Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти» фани ўқитила бошлади. Айнан мазкур фан асосида виктимологик профилактика алоҳида мавзу сифатида ўрганилиб, амалий аҳамият касб эта бошлади.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу йўналишлар доирасини янада кенгайтди, холос.

Юқоридагиларга асосланиб, ички ишлар органларининг виктимологик профилактикасини ташкил этиш йўналишларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;
- бино ва иншоотларнинг қўриқланишини таъминлаш;
- фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш;
- ҳужум қилинган тақдирда зарурий муҳофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарарни ундириш ва реабилитация марказларига жойлаштириш чораларини кўриш;
- ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш;
- аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ҳисобини юритиш;

– аҳолининг ҳуқуқбузарликлардан жисмонан ва психологик жабрланишларининг олди олиншини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириб бориш ва амалиётга жорий этиш.

*Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш* вазифаси асосан ички ишлар органларининг ёнғин хавфсизлиги хизматлари томонидан амалга оширилиб келинади. Баъзи ҳолларда давлат миқёсида ўтказиладиган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» каби кенг қамровли махсус профилактик тадбирлар барча соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Бунда, асосан, юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиқадиган ёнғинлардан талафот етишининг олдини олиш чоралари кўрилади. Жумладан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш аҳволи текшириб борилади ва аниқланган камчиликлар бартараф этилади.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мазмунан виктимологик профилактика ҳисобланади ва ушбу вазифа билан ИИВнинг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари шуғулланиб, қуйидаги ишларни амалга оширади:

– мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги ёнғинларнинг сабабларини ўрганади, ёнғинларнинг келиб чиқиши ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, таҳлил қилади, бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлигига оид умумий ва яқка тартибдаги профилактика ишларини амалга оширади;

– давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан ёнғинга қарши тарғибот ўтказилишида кўмаклашади;

– ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва ёнғинлардан жабр кўрганларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотлар таҳлилини амалга оширади;

– ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоа ёки мансабдор шахсга тақдимномалар киритади;

– ҳар ойда ўтказилган профилактик суҳбатлар, расмий огоҳлантиришлар, амалга оширилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактика ишлари юзасидан маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади, маълумот ва ҳисоботлар тайёрлаб, юқори турувчи органга тақдим этиб боради;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорликни амалга оширади.

Шунингдек, қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Бу борада ички ишлар органи ходими маъмурий ҳудуддаги оилавий жанжалкашлар, спиртли ичимликка ружу қўйган ва руҳий касалларга оид маълумотлар билан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларини таништиради, шунингдек улар билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган хонадон, бино ва иншоотларда текширув ва аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича профилактик тушунтириш ишларини олиб боради.

*Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш* йўналиши ҳам мантиқан виктимологик профилактика мазмунига эга бўлиб, ушбу вазифа билан ИИВнинг *Йўл ҳаракати хавфсизлиги* бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари шуғулланади ва қуйидаги профилактик чоратадбирларни амалга оширади:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид давлат, ҳудудий, идоравий ҳамда идоралараро дастурларнинг бажарилишида бевосита иштирок этади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

– йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

– йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ишларини юритади, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига олиб келган сабаб ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-

шароитларни аниқлаш, бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахсга тақдимнома киритади;

– таълим муассасаларида пиёдалар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган «Яшил чироқ» каби тадбирларни ташкил этади ва амалга оширади;

– «Дикқат пиёда», «Дикқат болалар», «Таътил», «Устахона», «Автопатруль», «Маст ҳайдовчи», «Автобус», «Трактор», «Мотоцикл», «Велосипед», «Тезлик», «Дикқат темир йўл», «Тўсик» ҳамда бошқа махсус профилактик тадбирларни ташкил этади ва амалга оширади;

– автотранспорт воситалари давлат рақамларининг ҳисобини юритади;

– автоҳалокатларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, уларнинг аянчли оқибатларини ёритувчи видеороликлар, радиоэшиттириш, мақола ва эълонлар тайёрлаб оммавий ахборот воситалари, шунингдек одамлар кўп тўпланадиган жойларда катта экранлар, плакатлар орқали намойиш қилиниши юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилайди;

– йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш юзасидан юқори турувчи органлар ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматига таклиф ва тавсиялар киритади;

– ҳар ойда ўтказилган профилактик суҳбатлар, расмий огоҳлантиришлар, амалга оширилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактика ишлари юзасидан маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади, маълумот ва ҳисоботлар тайёрлаб, юқори турувчи органга тақдим этиб боради;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар, шунингдек бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Бу борада профилактика (катта) инспекторлари маъмурий ҳудудда автомобиль йўлларининг, йўл белгилари, пиёдалар учун йўлаклар,

пидедалар ўтиш жойларининг ҳолатини ўрганади ва аниқланган камчилик ва носозликларни бартараф этиш тўғрисида Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига таклифлар киритади.

Шунингдек, ЙХХХ ходимлари билан ҳамкорликда маъмурий ҳудудда қаровсиз қолдирилган автомобилларнинг эгаларини аниқлаш, уларни огоҳлантириш бўйича яқка тартибда профилактик тадбирларни, таълим муассасаларида тарбияланувчи, ўқувчи ва талабалар, автокорхона, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ҳайдовчилар ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича профилактик тушунтириш ишларини олиб боради. Бундан ташқари, маъмурий ҳудуддаги барча транспорт воситалари, уларнинг эгалари, автомобилларни сақлаш шохобчалари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, ювиш ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш жойларини аниқлайди ҳамда улар тўғрисидаги барча маълумотларни ички ишлар органларининг таянч пунктидаги компьютерга киритади.

Олис қишлоқ (овул) ва чегара ҳудудларида профилактика (катта) инспекторлари томонидан транспорт воситаларини спиртли ичимлик истеъмол қилган шахслар томонидан бошқариш ҳолатлари аниқланганда, транспорт воситасининг ҳаракатини тўхтатиш чораларини кўради ва бу ҳақда ички ишлар органи навбатчилик қисми ва ЙХХХ ходимларига хабар беради.

*Бино ва иншоотларнинг қўриқланишини таъминлаш.* Виктимологик профилактиканинг мазкур йўналиши бошқа йўналишлардан мазмунан фарқ қилади. Ушбу йўналишда ИИВнинг Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси ва унинг жойлардаги тизимлари шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қўриқлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш соҳасида хизмат кўрсатади.

Мазкур йўналишда қуйидаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади:

– аҳоли ўртасида «Марказлашган қўриқлаш пульти»га уланиш имкониятлари ва афзалликлари юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қўриқлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усул ва шаклларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади;

– мулкий турдаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини омма орасида кенг тарғиб этишга қаратилган махсус профилактик тадбирларни амалга оширади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа давлат органлари, муассасалар ҳамда соҳавий хизматларга



ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишларида кўмаклашади;

– ҳар ойда, ўтказилган профилактик суҳбатлар, расмий огоҳлантиришлар, амалга оширилган умумий, махсус, якка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактика тадбирлари юзасидан маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади, маълумот ва ҳисоботлар тайёрлаб, юқори турувчи органга тақдим этиб боради;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар, шунингдек бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Бу борада профилактика (катта) инспекторлари кўриқлаш хизмати ходимлари билан ҳамкорликда маъмурий ҳудудда жойлашган объектларнинг кўриқловга олинишини, фуқаролар хонадонларининг «Техник кўриқлаш пункти»га уланишини, турли мулк шаклларининг ишончли кўриқланишини ташкил этадилар, бу йўналишда ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга оширадилар.

*Фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш* виктимологик профилактиканинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади, қолаверса, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш умумий ва якка тартибдаги профилактика бўйича ҳам амалга оширилади. Бу вазифа виктимологик профилактика доирасида амалга оширилганида асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини етказишга қаратилади. Масалан, Жиноят кодексидаги «зарурий мудофаа» ва «охирги зарурат» қоидалари нормаларининг мазмуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёки Жиноят-процессуал кодексидаги ҳуқуқбузарликдан жабрланганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёхуд қонун талаблари асосида бино ва иншоотларни кўриқлашда Кўриқлаш хизмати имкониятларидан фойдаланишга доир қоидалар тушунтирилади.

*Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарарни ундириш ва реабилитация марказларига жойлаштириш чораларини кўриш.* Ички ишлар органлари ходимлари иш юритувида бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят иши бўйича моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўрган шахсга етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриши шарт.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни, қонунда белгиланган тартибда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси

жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошида ташкил этилган Республика реабилитация марказига жойлаштириш чоралари кўрилади.

Ушбу Марказ одам савдоси жиноятдан жабр кўрган фуқароларга комплекс хизматлар кўрсатади. Жумладан, одам савдоси жабрдийдаларига кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа беғараз ёрдамлар беради, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот тақдим этади, хавфсизлигини, овқатланиш, доривор воситалар ва тиббий буюмлар билан ҳамда қулай яшаш шароитлари ва шахсий гигиена билан таъминлайди, қариндошлар билан алоқа ўрнатишга ҳамда одам савдоси жабрдийдалари ижтимоий реабилитация қилинишига кўмаклашади ва бошқа бир қатор хизматларни амалга оширади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Марказ одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий реабилитация қилишни ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлинмалари билан ҳамкорликда таъминлайди.

Ўрнатилган тартибга кўра, чет элдан келган ҳар бир фуқаро оиласи ва ўз саломатлиги ҳақида қайғуриб, тиббий кўрикдан ўтишлари лозим, агар касаллик аниқланса, реабилитация марказида даволанишлари шарт ҳисобланади. Шу кунга қадар ушбу Марказда одам савдосидан жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўз саломатликларини тиклаб олмоқдалар. Шу нуқтаи назардан, соғлиғидан ажралган, кадр-қиммати поймол бўлган жабрдийдаларга ғам-хўрлик кўрсатаётган марказ фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур Марказда одам савдосидан жабрланганларнинг соғлиғи ва руҳий ҳолати тўлиқ текширувдан ўтказилиб, зарур ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли кўрсатмасига асосан, Марказга юборилаётганлар бирламчи тиббий кўриктан ўтказилади.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина 2013 йил давомида хорижда бўлиб қайтган фуқароларнинг 300256 нафари ҳудудий бирламчи тиббий санитария муассасалари томонидан тиббий кўриктан ўтказилди ва кўрик натижасига кўра касаллиги аниқланган шахсларга амбулатор ва стационар даволаш ишлари амалга оширил-

ди. Яшаш манзилларидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан уларнинг барчаси диспансер назоратига олиниб, соғломлаштириш ишлари режа асосида олиб борилди.

Умуман олганда, одам савдоси жабрдийдаларини Республика реабилитация марказига жойлаштириш одам савдоси жабрдийдаларининг ихтиёрий хоҳиши ҳамда реабилитация маркази директори, ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари томонидан қабул қилинган қўшма қарор асосида амалга оширилади.

Шунингдек, одам савдоси жабрдийдаларини реабилитация марказидан чиқаришга тайёрлаш ички ишлар ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда реабилитация марказининг масъул ходими кузатуви остида амалга оширилади.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қарорнинг 22-бандига асосан, ички ишлар органлари васийлик ва ҳомийлик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлинмалари сингари Республика реабилитация марказининг буюртмалари бўйича одам савдоси жабрдийдаларига:

– одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи мавжуд суд ҳам маъмурий тартиб-қоидалар тўғрисида мақбул шаклдаги ахборотни тақдим этадилар ва бошқа зарур юридик ёрдамни кўрсатадилар;

– тиббий кўрикдан ўтиш ва мутахассиснинг маслаҳат бериши воситасида малакали психологик ва тиббий ёрдам берадилар;

– профессионал жиҳатдан реабилитация қилинишда ва ишга жойлашишда кўмаклашадилар;

– одам савдоси жабрдийдаларининг болалари таълим муассасаларига қатнашини таъминлайдилар.

Юқорида қайд этилган вазифаларнинг бажарилишида бевосита профилактика (катта) инспекторлари масъул ҳисобланадилар. Шу билан бирга, одам савдоси жабрдийдаси қайтарилган оила устидан, унга нисбатан одам савдоси такроран содир этилишининг олдини олиш мақсадида, бир йил мобайнида олиб бориладиган мониторингда иштирок этади. Мониторинг давомида шахс қайтгандан кейин унинг оиладаги ҳолати баҳоланиши лозим.

Ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш йўналишида ички ишлар

органлари таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторларининг ўрни бекиёс. Улар мунтазам равишда ҳар куни маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш асосида ғайриижтимоий хулқ-атвор тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) аниқлайдилар. Натижаларни ички ишлар органлари таянч пунктининг ҳудуд паспортига қайд этиб, бу ҳақда навбатчилик қисмига ахборот бериб борадилар.

Маъмурий ҳудудда ёки унга чегарадош бўлган жойларда криминоген вазиятнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар пайдо бўлган, кучайган ёки мураккаблашган ҳолатларда профилактика (катта) инспектори зудлик билан ички ишлар органи навбатчилик қисмига, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиғига ахборот беради ҳамда қўшимча кучларга бўлган эҳтиёжни маълум қилади. Борди-ю, маъмурий ҳудудда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, хизмат фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) назорат остига олиш талаб этилса, у ҳолда криминоген вазиятдан келиб чиқиб қўшимча куч ва воситаларни жалб этган ҳолда маъмурий ҳудудда махсус тезкор-профилактик тадбирларни амалга ошириш бўйича ички ишлар органи раҳбариятига таклифлар киритади.

Бундан ташқари, таянч пунктига жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ёрдамчи куч сифатида жалб этилган бошқа хизмат ходимлари билан йўриқномалар ўтказаетганда ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар содир бўлиб турадиган жойлар (ҳудудлар) ва уларнинг хусусиятларига алоҳида эътиборни қаратади.

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.* Ушбу йўналишда ИИВ-нинг ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

– Интернет тармоқлари ва бошқа воситалар орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади ва амалиётга жорий этиш ва электрон адабиёт сифатида тарқатиш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади;

– ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар белгиланган тартибда юқори турувчи органларга тақдим этиб борилади.

*Аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш.* Ички ишлар органлари томонидан аҳолининг барча қатламига, хусусан, ҳуқуқбузарликлардан жабрланишга мойил, яъни виктимлиги юқори бўлган шахсларга, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга шахслар ўртасида юзага келадиган турли хил низоларни ҳал этиш усуллари ўргатилади. Бу усуллар қуйидагича бўлиши мумкин: низоли томонлар бир-биридан узр сўраши, етказилган зарарни қоплаш орқали ўзаро ҳал этилиши ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳузуридаги яраштириш комиссиясида кўриб чиқиши, ички ишлар органлари, прокуратура ёхуд суд органларига мурожаат қилиш ва ҳоказо. Тегишли шахсларга низоларни ҳал этиш усулларининг моҳияти, мазмуни ҳамда қонуний тартиблари тушунтирилади. Бунинг учун ички ишлар органлари ходимларидан кенг дунёқараш, ижтимоий ва ҳуқуқий билимларга эга бўлиш талаб этилади. Зеро, ушбу ҳолатда ходим низонинг асл сабабини аниқлаши, қонунда ушбу низони қайси орган қайси қонун ҳужжати асосида ва қандай тартибда кўриб чиқиши ва ҳал этиши ҳақида ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар бера олиши лозим.

Касби ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда жиноят қурбони бўлиш даражаси юқори бўлган шахсларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки касби ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнида у ёки бу турдаги жиноят қурбони бўлиши мумкин бўлган шахслар билан машғулотлар ўтказиш жараёнида уларга жинойий тажовуз вужудга келганда ўзини қандай тутиши, ёрдамга чақириши, тажовуздан ҳимояланиш усуллари ҳамда ушбу усулларни қўллаш тартибини ўргатиш энг самарали чоралардандир.

*Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш.* Ички ишлар органи ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ишларини юритиш жараёнида жабрланувчининг шахсини, ҳуқуқбузарлик содир этилишидаги ўрни ва ролини, жабрланишнинг сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Бу борада ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий ва моддий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойлари кабилар), маънавий-руҳий (дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва

руҳан соғлиги, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимолининг юқорилигини, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланганларнинг жабрланиш сабаб ва шарт-шароитларини, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш усул ва воситаларини, етказилган маънавий, жисмоний ва моддий зарарнинг хусусиятларини аниқлаши ҳамда ўрганиши, натижалар асосида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши талаб этилади.

*Ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахсларни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш.* Ушбу йўналишда, аввало, ички ишлар органи ходимининг ўзи амалдаги қонун, шунингдек янги қабул қилинган қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳамда амалиётга жорий этилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари (жумладан, қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатдан жабрланувчининг манфаатлари ҳимоя қилиниши, жабрланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун қонун ҳужжатларида қандай имкониятлар яратилгани, шахс ўзининг ёки яқинларининг соғлиги ёхуд ҳаётига хавф солувчи тажовуз қилинганда ёки мулкни кўриқлаш зарурати юзага келганда қандай ҳаракатланиши, кимга мурожаат қилиши кабилар) тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмоғи лозим.

*Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳисобини юритиш.* Бу йўналишдаги ишларнинг аҳамияти шундаки, тўпланган маълумотларнинг таҳлили асосида ҳуқуқбузарликлардан жабрланишнинг сабаб ва шарт-шароитлари, қайси тоифадаги шахслар кўпроқ жабрланаётганлигини аниқлаш ҳамда шу асосда виқтимологик профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Бироқ, амалиётда ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизими мавжуд эмас.

*Аҳолининг ҳуқуқбузарликлардан жисмонан ва психологик жабрланишларининг олди олинишини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириб бориш ва амалиётга жорий этиш.* Ўзига ёки яқин қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд зўрлик ишлатиш билан ҳуқуқбузарлик (босқинчилик, безорилик, талончилик, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш каби) содир этилаётган вақтда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган махсус

комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Чора-тадбирларнинг махсус эканлиги айнан муайян кўринишдаги таҳдид юзага келганда қўлланилиши билан боғлиқ бўлса, унинг комплекс эканлиги ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг ҳам жисмоний, ҳам психологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган тезкор, тактик ва процессуал ҳаракатлар мажмуини қамраб олиниши ҳамда бир нечта тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари жалб этилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Мазкур чора-тадбирлар муайян ҳуқуқий асос ва белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш деганда, тадбирлар режаси, куч ва воситалар тақсимоти, ҳаракатланиш кетма-кетлиги каби масалаларнинг норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар асосида белгиланиши ва тасдиқланиши назарда тутилади. Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши деганда эса, уларни қайси вақтларда, қандай асосларга кўра, қайси тартибда амалга оширилиши тушунилади. Мазкур йўналишдаги вазифаларни самарали ташкил этиш учун ички ишлар органи ходими ўзининг амалий фаолиятида учраган ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг индивидуал жиҳатлари, яъни маънавий-руҳий, биофизиологик ва ижтимоий-демографик белгиларини, жабрланиш сабаб ва шарт-шароитларини, ҳуқуқбузарлик содир этилишида жабрланувчининг ролини чуқур таҳлил қилиб бориши талаб этилади. Таҳлил натижасида пухта ўйланган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ёки бу борада раҳбариятга, юқори турувчи органга ёхуд мувофиқлаштирувчи кенгашга таклиф ва тавсиялар билан мурожаат қилиши лозим.

*Ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш.* Ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш асосан ички ишлар органларининг йўл-патруль хизмати, патруль-пост хизмати, профилактика инспекторлари ёки милиция таянч пунктига жалб этилган ёрдамчи кучлар томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, бу каби жойларнинг назорати кузатув камералари ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин. Мазкур назоратнинг тури, шакли ва тартиби мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатлар билан белгиланади.

Хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш. Аксарият ҳолларда хужум ёки зўравонликка учраган шахслар ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида зарурий мудофаадан фойдаланиб, хужум қилган ёки зўравонликни амалга оширган шахсга ёхуд охирги зарурат сифатида учинчи бир шахсга зарар етказиши кузатилади. Бундай ҳоллардаги зарурий мудофаа ва охирги зарурат доираси (чегараси) Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилиги билан белгиланади. Борди-ю, зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатларида қонунчилик билан белгиланган чегарадан четга чиқилса, у ҳолда маъмурий ёки жиноий жавобгарлик юзага келади.

Мавжуд қонунчилик фуқароларга қонун доирасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, керак бўлган ҳолатларда эса тажовузчига зарар етказиб ҳимояланиш ҳуқуқини беради. Зарар етказиб ҳимояланиш ҳуқуқини фуқароларга бериш Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилади, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», деб белгилаб қўйилган.

Давлат фуқароларнинг тажовузчига зарар етказиб ҳимояланиш ҳуқуқларини жиноят ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлари билан кафолатлайди ва бу ҳуқуқ зарурий мудофаа институти сифатида мустаҳкамлаб қўйган.

Зарурий мудофаа ҳолатида содир етилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаган бўлса, жиноят деб топилмайди (ЖК 37-м. 1-қ.).

Маълумки, мудофаага тааллуқли зарурий мудофаанинг қонунийлик шартлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

- 1) ижтимоий фойдали мақсаднинг мавжудлиги;
- 2) зарарнинг фақат тажовузчига етказилганлиги;
- 3) зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаганлиги.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган деб ҳисоблаш учун қуйидаги муҳим қоидалар мавжуд:

- 1) ҳимоянинг давомийлиги тажовузнинг хусусиятига мос келмаслиги;



2) ҳимоя қилишда етказилган зарар ҳужумнинг хавфлилик даражасига мос келмаслиги.

Ушбу ҳолатлардан камида биттаси мавжуд бўлса, ҳаракат зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган деб ҳуқуқий баҳоланади.

Қонун айрим ҳолатларда тажовуз бошланиши аниқ, аммо ҳали бошланмаган бўлса ҳам зарар етказиш ҳуқуқини беради. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги қарорида шундай тушунча берилади: «Зарурий мудофаа ҳолати фақатгина ижтимоий хавфли тажовуз юз берган пайтнинг ўзидагина емас, балки тажовузнинг бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади». Демак, тажовуз аниқ, лекин ҳали бошланмаган бўлса ҳам шахс ўзини ҳимоя қилиб, тажовузчига зарар етказиши мумкин. Масалан, тажовуз қилувчи жабрланувчини ўлдиришини аниқ айтиб, унга арқондан дор ясаб турган вақтда, жабрланувчи дор ясаётган шахсга тан жароҳати етказиш орқали ўз ҳаётини сақлаб қолиши зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар каби баҳоланади.

Охирги зарурат деганда эса, шахсга ёки бошқа фуқароларга ёхуд уларнинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш тушунилади.

Охирги зарурат ҳолати қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга камроқ зарар етказиб, иккинчи бир кўпроқ аҳамиятга эга манфаатни зарардан сақлаб қолишда ифодаланади. Жиноят кодексининг 38-моддаси талабларига мувофиқ, қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди, аксинча, ижтимоий фойдали ҳаракат деб баҳоланади. Чунки шахс камроқ зарар етказиш йўли билан кўпроқ миқдордаги аниқ зарар келиб чиқишининг олдини олади.

Охирги заруратнинг қонунийлик шартлари иккига бўлинади:

1. Хавфга нисбатан шартлари:

- хавфнинг пайдо бўлиши;
- хавфнинг ижтимоий муносабатларга зарар етказиши аниқлиги;
- хавф бошланган ва тугалланмаганлиги.

2. Хавфнинг олдини олишга нисбатан шартлари:

- ижтимоий фойдали мақсаднинг мавжудлиги;
- етказилган зарарнинг олди олинган зарардан камлиги;
- зарарнинг учинчи шахсга етказилиши;

– зарарни олдини олишнинг бошқа чораси йўқлиги.

Охирги зарурат ҳолатида зарар етказган шахс юқорида келтирилган барча шартларга риоя қилган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Эътиборли томони шундаки, қонуншунос Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 18-моддаси билан маъмурий тартиббузарлик содир этаётган шахсга ҳам зарурий мудофаага ўтишга рухсат бериб, ушбу қонуннинг 19-моддасида шахсга қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида қонун билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга қасддан зиён етказиш мумкинлигига оид ҳуқуқни беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, зарурий мудофаа ва охирги заруратда ҳаракатланишга доир қонунчиликда бир қатор талаб ва шартлар мавжуд бўлиб, унга риоя қилмаган ҳар қандай жабрланувчи ёки шахснинг зарурий мудофаа ва охирги заруратдаги ҳаракатлари ҳуқуқбузарлик (жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик) сифатида баҳоланади. Айнан шунинг учун ҳам ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида асосий чоратадбирлардан бири сифатида эътироф этилади.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси соҳасида амалга ошириладиган қуйидаги профилактик чоратадбирларнинг ўрни ва роли катта:

– аҳоли билан чет элга ишга боришда, уй-жой сотиб олишда қонун билан белгиланган қоидаларни айланиб ўтишга ҳаракат қилишнинг зарарли оқибатлари юзасидан маърузалар, учрашувлар, суҳбатлар уюштириш, даврий матбуот, радио ва телевидение орқали тушунтириш ишларини олиб бориш, керакли маслаҳатлар ва маълумотлар бериб бориш;

– фуқароларга уй-жой ва бошқа кўчмас мулкни сотишда турли хил хизмат кўрсатишни тавсия этувчи норасмий шахслар хизматидан фойдаланишнинг зарарли оқибатларини тушунтириш;

– аҳолига даврий матбуот, радио ва телевидение орқали фирибгарларга алданиб, уларнинг жиноий қилмиши қурбонига айланганда қаерга, кимга ва қандай тартибда мурожаат қилиш ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– оилада зўравонлик содир этишга мойил, спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ружу қўйган шахсларни аниқлаш ва уларни мажбурий даволанишга юбориш;

– спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи, руҳий касал ва жамоат тартибини мунтазам равишда бузувчи шахслардан ов қуролларини олиб қўйиш ва ҳоказо.

Давлат органлари ва бошқа турли хил мулк шаклига асосланган ташкилотлар томонидан фуқаролар, корхона ва муассасаларнинг мулкларини кўриқлаш бўйича хизмат кўрсатиш орқали уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш ёки улардан кўриладиган зарарни камайтиришга қаратилган ташкилий-бошқарув тадбирлари ҳам виктимологик профилактиканинг асосий йўналишларидан биридир. Буларга мисол сифатида фуқароларнинг автомашиналари учун пулли тўхташ жойлари ташкил қилиш, фуқароларга тегишли хонадонлар, гаражлар ва бошқа хоналарни кўриқлаш, ёнғиндан сақлаш бўйича хизмат қилувчи сигнализация, видео кузатув воситаларини ўрнатиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Юқорида қайд этилган виктимологик профилактика йўналишларидан кўриниб турибдики, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ва у асосида ишлаб чиқилган қонуности меъёрий ҳужжатлар бугунги кунда ички ишлар органлари зиммасига кенг қамровли профилактик чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мажбуриятини юкламоқда.

Шуни ҳам тан олиш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси айна даврнинг ижтимоий зарурати сифатида эътироф этилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ушбу профилактика турининг аҳамиятини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

### **3-§. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, ўз-ўзидан амалга ошириладиган фаолият тури эмас.

Юқорида кўриб чиқилган параграфларда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси турлари, усул ва шакллари ҳамда уларнинг мазмуни хусусида фикр юритилди. Кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси самарадорлиги ушбу фаолиятнинг қай даражада ҳуқуқий тартибга солинганлиги ва ташкиллаштирилишига боғлиқдир.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида халқимиз турли қийинчилик-

ларни бошидан ўтказди. Ушбу вазиятдан айрим нопок ва разил кимсалар вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳам ҳаракат қилдилар. Жумладан, баъзи ноқонуний диний экстремистик кучлар давлатимизнинг турли ҳудудларида террорчилик актларни содир этиб, сиёсий бошқарувни издан чиқариш ва ҳокимиятни қўлга киритмоқчи бўлдилар.

Террорчилик актларининг содир этилишига туртки берган муайян сабаблар билан бирга, ижтимоий вазиятга алоқадор айрим шарт-шароитлар ҳам мавжудлиги кўзга ташланди.

Хусусан, 1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрининг бир нечта жойларида террорчилик актлари содир этилди. Ижтимоий аҳамиятга эга муҳим бинолар яқинига қўйилган автомашиналарга ўрнатилган портлатиш қурилмалари ишга туширилиб, кўплаб бегуноҳ шахслар ҳаётдан кўз юмди.

Воқеалар ривожини таҳлил қилиниб, вазиятга тўғри баҳо берилса, террорчилик актларининг содир этилишида виктимологик омилларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Чунки мамлакатимизда содир этилган хунрезликларда террорчилар маҳаллаларда, уйларда яшаб жиноий фаолиятларини режалаштиришган, пухта тайёргарлик кўришган. Бироқ, ушбу жирканч инсонларнинг бу каби қинғир ишларини кўриб-кўрмаганликка, билиб-билмаганликка ва эшитиб-эшитмаганликка олган кимсалар ҳам бўлган. Улар бефарқ, эътиборсиз, лоқайд, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» нақлга амал қилувчи кимсалардир. Шунинг учун бу тоифадаги шахслар ҳақида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида машҳур файласуфлардан бирининг «Душманлардан кўркма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин, дўстлардан кўркма – нари боса улар сенга хиёнат қилиши мумкин, бефарқ одамлардан кўрк – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади», деган фикрини ўз ўрнида келтириб ўтганлар.

Юз берган террорчилик ва экстремистик ҳаракатларга ўз муносабати билдирган Ислам Каримов фуқароларни «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиори остида ҳаракатланишга, хушёр бўлишга, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигига, чунки мамлакат тинчлиги ва хавфсизлиги ҳар бир фуқаро, оила ва маҳалланинг тинчлиги ва хавфсизлигининг гарови ҳамда кафолати эканлигини англаб етишга даъват этган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий

ислоҳотлар якунига бағишланган йиғилишидаги «Тадбиркорлик – юксалиш гарови» номли маърузасида «Бугунги кундаги асосий вазифамиз – мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўсини ошириш, хонадонимиздаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва тотувликка нисбатан бўлаётган ҳар турли таҳдид ва хавф-хатарларга нисбатан огоҳ ва ҳушёр туришдир» деб, 2000 йил 22 январь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» мавзусидаги маърузасида «жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўри-нишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш лозим»-лигини таъкидлаганлар.

Шу тариқа Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ҳуқуқбузарликлардан жабрланишининг асосий сабабларидан бири сифатида фуқароларнинг етарли даражада ҳуқуқий билимларга эга эмаслигига алоҳида эътибор берилиб, бунинг учун аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масаласига биринчи даражали вазифа деб қаралди ва бу давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Бу борада, аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарори билан Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди. Мақсад аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислоҳотларни янги мазмун билан бойитишдан иборат эди.

Кейинчалик ушбу йўналиш янада такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири сифатида «жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини

самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш» белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг таклифи билан «Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш» тузилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан «Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом» тасдиқланди.

Бугунги кунда тарғибот ишларини олиб боришда одам савдоси, терроризм ва экстремизм, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси кабилар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга, хусусан, ушбу ҳуқуқбузарликлардан жабрланишнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказлари ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

2014 йил 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 360-сонли қарори билан 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарорига реабилитация маркази ходимларининг штат бирлиги тузулмаси ва зарурат бўлганда Республика реабилитация маркази одам савдоси жабрдийдаларини даволаш-профилактика муассасаларига, шу жумладан ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига белгиланган тартибда диагностика, даволаш-маслаҳат ёрдами кўрсатиш, шунингдек (атрофдагилар учун хавф туғдирадиган нарколегия, психиатрия, дермотовенерология, сил, юқумли касалликлар ва бошқалар бўйича) стационар тиббий ёрдам кўрсатиш учун юборишга доир ўзгартиришлар киритилди.

Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкилий асослари сифатида дастур (давлат, ҳудудий ва бошқа дастур)ларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни эътироф этиш мумкин.

Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир давлат дастурлари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан, ҳудудий дастурлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, бошқа дастурлар эса ҳуқуқбузарликларнинг викти-

мологик профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилади ва ижроси таъминланади.

Умуман олганда, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир ҳуқуқий асосларни қуйидаги мақсадларда ўрганиш ва улардан фойдаланиш мумкин:

*биринчиси*, аҳолининг ҳуқуқбузарликдан жабрланишининг олдини олишга йўналтирувчи ва қафолатловчи ҳуқуқий асослар;

*иккинчиси*, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, уларга етказилган моддий, маънавий, жисмоний зарарларни ундиришни белгиловчи ҳамда уларнинг реабилитация қилинишига оид тартибни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар;

*учинчиси*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир ҳуқуқий асосларни таъсир кўрсатиш кучига кўра ҳам турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар;

2) Конституция ва қонунлар;

3) Президент фармони, фармойиши ва қарорлари;

4) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари;

5) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари.

*Ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.* 1902 ва 1910 йилларда Парижда ўтказилган конференциялар натижаларига кўра «Оқ қуллар савдосига қарши кураш» номли бутунжаҳон конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу конвенция «Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш» ва «Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш» номли бутунжаҳон конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб, 1948 йилда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қабул қилинган. Шундан сўнг «Инсон ҳуқуқларининг Европа конвенцияси», «Қуллик хусусида», «Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида»ги қўшимча, «Бола ҳуқуқлари тўғриси-

да», «Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисида»ги конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ратификация қилина бошланди.

Бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу билан бирга, одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлигини ҳисобга олиб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида юртимизда ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир бошқа бир қатор халқаро шартнома ва келишувлар ҳам имзоланди.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг* «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлимининг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар»га бағишланган 7-бобида келтирилган «...Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас», «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» каби мазмунидаги қоидалар ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини қонуний асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларда айнан ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга етказилган зарар-



ни қоплаш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш масалалари ҳам ўз аксини топмоқда.

Чунончи, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси» деб номланган IV бобининг террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш, террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган зарарни қоплаш ва террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси масалалари ўз ифодасини топган.

Хусусан, террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси уларни нормал ҳаётга фаолиятга қайтариш мақсадида ўтказилиб, мазкур шахсларга ҳуқуқий ёрдам беришдан, уларнинг руҳий, тиббий, касбий реабилитациясидан, уларни ишга жойлаштиришдан, зарур ҳолларда уларга турар жой ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ёрдам бериш чораларидан иборат эканлиги белгиланган.

Эътиборли томони шундаки, қонунда нафақат террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланганлар, балки қонуннинг V бобидан «Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси» масаласи ҳам жой эгаллаган. Унда терроризмга қарши курашда иштирок этаётган, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиши зарур бўлган шахслар тоифаси ҳамда терроризмга қарши курашда иштирок этган шахслар ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тартиби белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонуни ҳам профилактик фаолиятнинг ҳуқуқий асосларидан биридир. Ушбу қонунда «одам савдосига қарши курашиш» тушунчасига таъриф берилиб, ушбу тушунча мазмунига одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш фаолияти ҳам киритилган. Қолаверса, «одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик» қонуннинг асосий принциплари қаторидан ўрин эгаллаган.

Шу билан бирга, Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар зиммасига одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига одам савдосидан жабрланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида

турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилган.

Асосийси қонунда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ва уларнинг вазифалари, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш, одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва қафолатлаш, одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш масалаларини ёритиш учун 5 та моддадан иборат «Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш» номли 3-боб ажратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларинг қафолатлари тўғрисида»ги қонуни ҳам ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни, аниқроғи болаларни ҳимоя қилиш тартибини белгиловчи асосий қонунлардан бири сифатида эътироф этилади. Чунки қонунда асосий эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар тоифасига қаратилади, «зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар» эса ушбу ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар тоифасини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганлар билан бир қаторда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган, яъни назоратсиз ёки қаровсиз қолган вояга етмаганлар билан виктимологик профилактик ишларни ташкил этиш ва олиб бориш фаолиятининг тартиби ва қоидалари ўз ифодасини топган. Шу боис вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари сирасига «вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш» киритилган. Бу борада олиб бориладиган профилактик чоралардан бири сифатида назоратсиз ёки қаровсиз қолган вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш шартлари ва тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар белгилаб берилган учинчи бўлимида «Зарурий мудофаа» (ЖКнинг 37-моддаси) ва «Охириги зарурат» (ЖКнинг 38-моддаси)га оид жиноий-ҳуқуқий қоидалар

жой олган. Ушбу қоидаларга асосан, зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга ҳилоф тажовузлардан тажовуз қилувчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Бироқ, тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Зотан, бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, зарурий мудофаа ҳуқуқи шахсга тегишлидир. Бу билан давлат ҳар бир фуқарога ҳимояланиш, яъни ўзига нисбатан амалга оширилган ҳужумни бартараф этиш мақсадида ҳужум қилган шахсга унинг тажовузи хусусияти ва даражасига мос тарзда ҳимояланиш ёки зарар етказиш ҳуқуқини беради.

Яна шуни таъкидлаш керакки, агар бошқа бир шахсга зарар етказиш мақсадида унинг қасдан ҳужум қилиш истагини кўзғатиш ва шу тариқа қилинган ҳужумдан мудофааланиш зарурий мудофаа деб топилмайди.

Шунга ўхшаш тартиб охирги зарурат ҳолатига ҳам татбиқ этилади. Чунончи, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди.

Агар шахснинг охирги зарурат ҳолатида содир этган қилмиши, башарти, охирги зарурат чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, қонуний деб топилади. Борди-ю, бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, у ҳолда қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Шунинг учун ҳам охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилиги даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва юз бериш вақтининг яқинлиги,

хавфни қайтарувчи шахсинг мавжуд имкониятлари, вужудга келган вазиятдаги руҳий ҳолати ва ишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади.

Бу борада жисмоний ёки руҳий мажбурлаш натижасида ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам ушбу модда қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Эътиборли томони шундаки, зарурий мудофаа ва охири зарурат ҳолатларидаги жабрланувчиларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш нафақат жиноий ҳуқуқбузарлик, балки маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳам татбиқ этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 18-моддасида «зарурий мудофаа» ва 19-моддасида «охири зарурат»нинг маъмурий ҳуқуқий тартиби баён этилган бўлиб, ушбу тартиб ҳам жиноий-ҳуқуқий тартиб асосида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида илк маротаба ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси амалий жиҳатдан талқин этилди.

Қонунда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилди:

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахсинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

– аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни қўриш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

– ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

– ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охири зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

– ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

– профилактик дастурлар ва тадбирлар лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа чора-тадбирлар.

Бундан ташқари, давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкин.

Ушбу ихтисослаштирилган муассасалар ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа йўналишлар бўйича муайян ёки комплекс тарзда бир неча йўналишларда ёрдам кўрсатишга ихтисослашган бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни тузиш ва улар ишини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорларига «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги, «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Республика «Қўриқлаш» бирлашмасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг муассасадан ташқари Қўриқлаш бош бошқармаси этиб қайта ташкил

қилиш тўғрисида»ги, «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги, «Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорларини келтириб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари, виктимологик профилактиканинг ҳуқуқий асосларига Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини киритиш мумкин. «Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Мазкур буйруқда, аввало, ички ишлар органларининг, қолаверса, профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига оид фаолиятини ташкил этиш механизми ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширилишини таъминлашга доир бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Бу эса ушбу соҳасида ишлар жадал суратда олиб борилаётганлигидан далолатдир.

## ХУЛОСА

Республикамизда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолияти тизимининг қайта шаклланишига, янгидан янги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизми яратилишига, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг янги тури ва йўналишлари жорий этилишига, айнан шу соҳада бир қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари, жумладан Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари қабул қилинишига ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ушбу йўналишга доир вазифалари доираси кенгайтилишига асос бўлиб хизмат қилди.

Бу борада ички ишлар органлари тизимида қонун нормалари талабларини тўғри тушуниш, қолаверса, назарияда мавжуд бўлган тушунчалар, илмий қоидаларни ўрганиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг моҳиятини англаб етиш, биринчи даражали вазифага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ички ишлар органлари, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ислохотларни мантиқан давом эттириш зарурати мавжудлиги айтиб ўтилди.

Келгусида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини олиб бориш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширилишини таъминлашга доир ҳуқуқий механизмни яратиш, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш, бу борадаги ишларни ташкил этиш ҳамда ходимларнинг меҳнат шароитларини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш ҳозирги замон талабидир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

*Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – 379 б.

*Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т., 1996. – 366 б.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – 429 б.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – 432 б.

*Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т., 2004. – 400 б.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч., 2008. – 176 б.

*Каримов И. А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // POSTDA. – 2010. – 11 дек.

*Каримов И. А.* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // POSTDA. – 2007. – 25 окт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: (2014 йилгача ўзгартиш ва қўшимчалар билан) – Т., 2014.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) – Т., 2014. – 426 б.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) – Т., 2014. – 736 б.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) – Т., 2014. – 504 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 йил 15 декабрь) қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008 йил 7 январь) қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги (2008 йил 17 апрель) қонуни.



Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010 йил 29 сентябрь) қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (2014 йил 3 декабрь) қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2014 йил 1 сентябрь буйруғи.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлигининг «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2015 йил 5 май буйруғи.

*Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т., 2007. – Б. 925.

*Одилқориев Х.Т., Бердияров Ш.Н., Хожаназаров И.Э.* Конституциявий ҳуқуқ: Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – 156 б.

*Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / проф. Х.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – 582 б.

*Юлдашев М.Ш.* Қонунчилик тарғиботи ва маънавият / POSTDA. – 2015. – 1 янв. – №1.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.ІV. Тартибот-Шукр / Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев (рахбар) ва бошқ. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ .....	3
----------------	---

### **I. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ**

1-§. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мақсади, вазифалари, усул ва шакллари, субъектлари тизими, уларнинг ваколатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	5
2-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларига ички ишлар органлари томонидан риоя қилиниши .....	14

### **II. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ**

1-§. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчаси, унинг мақсади, объектлари, усул ва шакллари .....	20
2-§. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган умумий профилактика чора-тадбирлари тизими .....	24
3-§. Профилактика хизматлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби .....	38

### **III. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ**

1-§. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик фаолияти ва унинг асосий йўналишлари.....	42
2-§. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик фаолиятни ташкил этиш тартиби .....	50
3-§. Профилактика (катта) инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолиятини ташкил этиш .....	52
4-§. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар .....	56

### **IV. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ**

1-§. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, унинг мақсади, объектлари, усул ва шакллари .....	61
2-§. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар тизими.....	70
3-§. Профилактика (катта) инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби .....	80
4-§. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари .....	96

**V. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ  
ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ**

1-§. Виктимологик профилактика, унинг турлари, усул ва шакллари.....	103
2-§. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси йўналишлари ва чора-тадбирлари тизими.....	115
3-§. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	131
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>143</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>144</b>

Сиёвуш Бахтиёрович ХЎЖАҚУЛОВ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*

Мухаррир *Б. А. Яров*  
Техник муҳаррир *Д. Р. Джалилов*

---

Босишга рухсат этилди 24.03.2017. Нашриёт ҳисоб табағи 10,0.  
Адади            нусха. Буюртма №            . Баҳоси шартнома асосида

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
100197, Тошкент шаҳри Интизор кўчаси, 68.